



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



*Наврўз айёмингиз
муборак бўлсин,
азиз юрtdошлар!*

“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар
олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Убайдулла МИНГБОЕВ
Ҳожии-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод ИСРОИЛОВ
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДАРОВ
Худойкул АЗИЗОВ
Илҳом НАСРИЕВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Собир ХОЛБАЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРДОВ

Навбатчи муҳаррир

Ҳамроқул ҚАРИШИЕВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан
фойдаланилганда манба қайд этилиши керак.

Босишга 25.03.2025 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 13/8, 8 босма табок.

Буюртма № 2. Адади 2470.

Баҳоси келишилган нархда.

“ATLAS PRINT MEDIA” МЧЖ

босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани,
Дархан, Ипак берк кўчаси, 35-уй

МУНДАРИЖА

ҚАДРИЯТ

4

“ҚАДРИЯТЛАРИНГ БОҚИЙ БЎЛСИН, НАВРЎЗ!”

5

КУН МАВЗУСИ

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ –
ҲАР БИР ЮРТДОШИМИЗНИНГ ВИЖДОН ИШИ

6

ЖАМИЯТ ТАНАСИДАГИ САРАТОН

7

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК – ҚАДИМ ИЛЛАТНИНГ
КУШАНДАСИ

МУЛОҲАЗА

8

СУДЬЯЛАР ҚАЛҚОНИ БЎЛГАН ОДОБ КОДЕКСИ

9

РАҚАМЛИ ДУНЁ

ХИТОЙ ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИДА СУНЪИЙ
ИНТЕЛЛЕКТНИ ҚЎЛЛАШ ҲОЛАТИ ВА АФЗАЛЛИКЛАРИ

12

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ СОҲАСИДА РАҚАМЛИ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

14

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

АҚШДА МАЪНАВИЙ ЗИЁН МИҚДОРINI
АНИҚЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

ЭЪТИРОФ

16

СУД ФАХРИЙСИ ИСМАТУЛЛА ҲАМИДОВИЧ МАМАНОВ ҚУТЛУҒ 70 ЁШДА!

17

ИЛМИ ВА АМАЛИ БИР ИНСОН

СУДЬЯ МИНБАРИ

18

АСОССИЗ ДАЪВОДАН МУҲОФАЗА –
ТАДБИРКОР ҲИМОЯСИ УЧУН ЗАРУР АМАЛИЁТ

19

КОРПОРАТИВ НИЗОЛАРНИ СУДЛАР ТОМОНИДАН
КЎРИБ ЧИҚИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

20

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ КОЛЛИЗИЯЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ
ҲУҚУҚДАГИ БЎШЛИҚЛАРНИ ТЎЛДИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

22

АЁЛЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИК ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

23

ОИЛА СУДЛАРИ – ЎЗБЕКИСТОНДА ОДИЛ СУДЛОВНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИДИР

ТАДҚИҚОТ	24		46
УЙ ҚАМОФИ ЭҲТИЁТ ЧОРАСИНING ҚЎЛЛАНИШИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ		ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР ОБЪЕКТЛАРИГА НИСБАТАН ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР	
26		47	
МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ		МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ ЎРНИ	
	28		48
ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ		ЎЗИНИ ЎЗИ ЎЛДИРИШ ДАРАЖАСИГА ЕТКАЗИШ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ	
30		49	
ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ МАЪЛУМ БИР ШАРТЛАР АСОСИДА ЖАВОБГАРЛИК ВА ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ		ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ	
	32		50
АҚШДА КОНТЕНТ МАЪЛУМОТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ		МДҲ МАМЛАКАТЛАРИ ҚОНУНЧИЛИГИДА УМРБОД ТАЪМИНЛАШ ИНСТИТУТИ	
34		51	
ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ		ПОРА БЕРИШ ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ	
	36		52
ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ БИОХИЛМА-ХИЛЛИККА ТАЪСИРИ		ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТУШУНЧАСИ ВА АҲАМИЯТИ	
38		53	
МУЛКНИ ҚАСДДАН НОБУД ҚИЛИШ ЁКИ УНГА ЗАРАР ЕТКАЗИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНГАН НОРМАЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ		ЎЗБЕКИСТОН ВА ЯПОНИЯДА ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ ҚОПЛАШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК	
	40		54
МАҲАЛЛИЙ ВА ИЖРО ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИ		ЖИНОЯТГА ДАХЛДОРЛИК ИНСТИТУТИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР	
41	ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ	55	ТЕМА ДНЯ
АҚЛИ НОРАСО ШАХС ТОМОНИДАН ЕТКАЗИЛГАН МОДДИЙ ЗАРАРНИ УНДИРИШ ТАРТИБИ		ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В РАМКАХ ЗАКОНА "ОБ ОПЕРАТИВНО- РОЗЫСКНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ"	
	42	СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ	58
СУДГАЧА ИШ ЮРИТИШДА ЖАМОАТЧИЛИК ИШТИРОКИ ВА НАЗОРАТИ: ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ		ДОБРОТНЫЙ И СВОЕВРЕМЕННЫЙ УЧЕБНИК ПО КОНСТИТУЦИОННОМУ ПРАВУ	
43		59	ПРОЦЕСС
СУД ЖАРАЁНИДА ТАРАФЛАР ТОРТИШУВИ ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ КАФОЛАТИ		ПРИМЕНЕНИЕ ПРИНЦИПОВ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ В АДМИНИСТРАТИВНЫХ СУДАХ	
	44	ANALYSIS	61
БОЛАЛАРНИНГ ЯШАШ ҲУҚУҚЛАРИНИ БУЗУВЧИ ОМИЛЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК		"THE CONCEPT OF GREEN ECONOMY: CORE PRINCIPLES, AND ITS RELATIONSHIP WITH INTERNATIONAL PRIVATE LAW"	
45			
ХУСУСИЙ МУЛК ҲУҚУҚИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТЛАРИ			

“ҚАДРИЯТЛАРИНГ БОҚИЙ БЎЛСИН, НАВРЎЗ!”

Шарқ донишмандлари: “Халқнинг яхшилиги унинг табиатидадир”, дейдилар. Ҳар бир халқда ўз ҳаётини ранг-баранг, ҳиссий жиҳатдан бой қилиш истаги одамлар ҳаётини безатган, янги марраларга умид бахш этадиган турли байрамлар-у, маросимлари ва урф-одатлари бор.

Табиатнинг янгиланиши, янги кун пайдо бўлиши рамзи бўлган, баҳорги тенгкунлик кунда нишонланадиган Наврўз асрлар қаъридан бизгача етиб келган ана шундай умумхалқ байрамидир. Бу байрамда инсонлар атроф-муҳит билан ҳамоҳангликни ҳис қилиб, унинг учқуни етиб борган ҳар бир қалбда инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва раҳмдил бўлиш, бағрикенглик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик каби фазилатлари янада ошади.

Яъни, соддароқ қилиб айтганда қадимдан кишнинг қировли кунларидан ўтиб баҳорги ўт-ўланларга етиб йўғон чўзилиб, ингичка узилиш арафасида бўлган кунларда Наврўз айёми нишонланган. Бу кунда борлар хонадонидagi неъматларини олиб чиқиб йўқлар билан баҳам кўрган. Бунда нафақат озиқ-овқат балки турмуш учун керакли бошқа буюмлар ҳам улашилган. Албатта, бундай вазиятда инсонлар ўртасида меҳр-оқибат, раҳмдиллик, миннатдорлик, содиқлик туйғулари шаклланган. Бошқа томондан хонадонда яшаш учун ҳеч нарса қолмаган инсонларнинг турли жиноят йўлларига киришининг олди олинган. Айнан шунинг учун ушбу байрамимиз асрлар ўтсаки, бугун одамларнинг турмуши, ҳаёт даражаси яхшиланиб аввалгидек қийин кунлар бўлмасада нишонланиб келмоқда.

Бундан ташқари, Шарқнинг кўплаб халқлари томонидан эъзозланган ва қадрланган Наврўз байрамининг ана шу катта аҳамияти инobatга олиниб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2020 йилда 21 мартни Халқаро Наврўз кунини деб эълон қилганди.

Бу йил Наврўз умумхалқ байрамимиз мамлакатимизда “Қадриятларинг боқий бўлсин, Наврўз!” деган бош ғоя асосида умумхалқ сайиллари шаклида юқори савияда кенг нишонланди.

Бу борада Президентимизнинг тегишли қарори қабул қилинди. Хужжатга кўра, Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Бош вазир раислигида ташкилий қўмита таркиби тасдиқланди.

Ташкилий қўмита Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари, барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овулларда Концепция асосида ишлаб чиқилadиган Наврўз умумхалқ байрамини муносиб нишонлаш бўйича ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот тадбирларини бекам-кўст ўтишини таъминлади.

Бу йилги Наврўз байрами муқаддас Рамазон ойида нишонланиши инobatга олиниб, кекса авлод вакиллари, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийлари ҳамда



“Меҳрибонлик”, “Саховат” ва “Мурувват” уйларида яшаётган шахслар, ижтимоий ҳимоя дафтарларига киритилган ва кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олинди, улар учун байрам дастурхони ёзилди, турли хайрия тадбирлари ўтказилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳридаги “Янги Ўзбекистон” мажмуасида алоҳида дастур асосида халқ сайиллари ташкил этилди.

Бу мунаввар айём кейинги йилларда Ватанимизда амалга оширилаётган “Инсон қадри учун, инсон бахти учун”, деган олижаноб ғояга ҳамоҳанг бўлиб, мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида кенг нишонланмоқда.

Ушбу улуғ фаслнинг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган гуманизм, одамзотни бутун борлиқнинг гултожи сифатида эъзозлаш, она замин ва табиатни асраб-авайлаш тамойиллари бугунги кунда ҳаётимизда янада ёрқин намоён бўлмоқда.

Айнан ана шундай эзгу қадриятлар туфайли юртимизда аҳоли манфаатлари ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, эҳтиёжманд қатламларни қўллаб-қувватлаш, жамиятнинг ҳеч бир аъзосини меҳр ва эътибордан четда қолдирмаслик, шаҳар ва қишлоқларимизни обод қилиш, ер ва сув манбаларимиздан, барча табиат неъматларидан оқилона фойдаланиш устувор вазифамизга айланмоқда.

“Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили”да нишонланган бу йилги Наврўз шодиёналари шу боис янгилик руҳ ва мазмун касб этди.

Навбаҳор ТУРСУНОВА,

Жомбой туманлараро иқтисодий суди раиси.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ – ҲАР БИР ЮРТДОШИМИЗНИНГ ВИЖДОН ИШИ

Жорий йилнинг 5 март куни Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида иштирок этган Президентимиз юртимизда коррупциядан холи муҳит яратиш бўйича қилинган ишларга баҳо бериб, келгуси вазифаларни белгилаб берган эди.

Йиғилишда нутқ сўзлаган давлатимиз раҳбари коррупция ислохотлар йўлидаги энг катта тўсиқ ва ғов эканини таъкидлади. Шу боис сўнгги йилларда бу иллатга қарши курашиш бўйича қонунлар қабул қилиниб, янги тизим яратилди. Парламент палаталарида масъул қўмиталар, Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва Агентлик ташкил қилинди.

Шу ўринда эътиборингизни мана шу ислохотлар натижа-сида коррупцияга қарши курашиш бўйича қилинган ишларга қаратсак.

Бу жабҳада давлатимиз раҳбари бошчилигида дастлаб унинг омиллари қарши курашилди. Масалан, ерни ҳоким қарори билан ажратишдан тўлиқ воз кечилиб, аукцион тизими-га ўтказилгани натижасида бу тизим халқчил бўлди. "Шаффоф қурилиш" дастури жорий этилганидан кейин бу соҳада ҳам ижобий ўзгаришлар сезилди.

Давлат харидлари бўйича қонун қабул қилингани, танлов ва тендер рақамлашиб, соғлом рақобат бўлгани учун ўтган йили 14 триллион сўм бюджет маблағи тежалди.

Мактабгача ва мактаб таълими тизимида 10 дан ортиқ хизмат турлари тўлиқ электрон шаклга ўтказилди. Бу соҳада мурожаатлар сони 2,5 каррага камайди.

Олий таълим тизими ҳам рақамлаштирилди. Аввал тест топшириб, тўплаган балига қараб, кейин олийгоҳни танлаш жорий қилинди. 35 турдаги ҳужжатларнинг инсон омили-сиз олиш-га ўтилгани учун соҳадаги мурожаатлар 2,2 барабар камайди.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги инспектори "боди-камера"да хизмат ўтаётгани, авторакатлар аукционда сотилаётгани, қогоздаги баённома йўқ бўлгани учун коррупция омиллари кескин камайди.

Аҳоли ва тадбиркорларга "халқ хизматидаги давлат" тамойили асосида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Хусусан, 120 турдаги ҳужжатларни талаб қилиш, 160 дан ортиқ лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди. Натижада 200 мингга яқин янги тадбиркорлар бозорга кириб келди. Чет эл иштирокидаги корхоналар қарийб 5 карра ошиб, 23 мингга яқинлашди.

Электрон давлат хизматлари сони 15 карра ортиб, 721 тага етди, улардан фойдаланувчилар эса, 11 миллиондан ошди. Булар орқали аҳоли, тадбиркорлар, хорижий ҳамкорларимиз, халқаро ташкилотлар ва инвесторларнинг ислохотларга ишончи мустаҳкамланди. Сўнгги етти йилда 120 миллиард доллардан ортиқ инвестиция киргани, иқтисодиётимиз 2 карра ўсиб, ўтган йили 115 миллиард долларга етгани бунинг исботи.

Шунингдек, йиғилишда ҳуқуқ-тартибот идоралари асосан, коррупцияни аниқлаш ва жазолаш билан ишлаб, коррупциявий омиллари таг-томири билан йўқотадиган превентив чораларга эътиборсиз қолаётгани қайд этилди. Аслида эса коррупциявий жиноятларнинг 75 фоизи туман ва маҳаллада маиший коррупция шаклида содир этиляпти. Шу боис энди Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашлари таркиби тўлиқ янгиланади. Уларга вилоят халқ депутатлари кенгаши раислари бош бўлади.

Ҳудудий кенгашлар коррупциявий омиллари аниқлаб, уларга барҳам бериш учун қонунчиликни ўзгартириш, жазо муқаррарлигини таъминлаш бўйича Миллий кенгашга таклиф киритади.

Бундан саккиз йил аввал ҳудудларни кенг қамровли ривожлантириш бўйича секторлар фаолияти йўлга қўйилган эди. Бу тизим ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга қўмаклашди. Шу билан бирга, сўнгги йилларда ҳудудлар салоҳияти ошди. Шу боис йиғилишда энди прокурор, ички ишлар ва солиқ раҳбарлари секторлар фаолияти билан шуғулланмаслиги айтиб ўтилди. Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш бўйича қўшимча вазифалар қўйилди.

Юқорида шу кунгача коррупцияга қарши курашда қилинган ишларнинг айримлари билан танишиб чиқдик. Албатта, бу билан тўхтаб қолинмайди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бу ислохотлар янги қараш ва йўналишларда давом эттирилади. Жумладан, давлат харидлари соҳасида коррупциянинг олдини олиш мақсадида Эксперт комиссияси тузилади. Илғор тажриба асосида давлат харидларида товарларнинг ўртача бозор нархлари кўриниб турадиган электрон платформа яратилади. Бунда, давлат харидларида сотиб олинadиган товар ва хизматлар нархи ўртача бозор нархидан кўпи билан 20 фоиздан ошмаслиги шарт. Ушбу талабни бузганлик учун қонун билан жавобгарлик ва жарималар жорий қилинади.

Бундан ташқари энди, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағ ҳисобидан асосий воситаларни харид қилиш бўйича талаблар ҳам кучайтирилади. Давлат идораларининг харидларида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган транспорт ва мебелга устуворлик берилади.

Албатта, коррупцияга қарши курашда энг муҳим жиҳат бу давлат хизматидаги профессионал ва фидойи кадрларни танлаш ҳамда уларни "ҳалоллик вакцинаси" билан эмлаш ҳисобланади. Шу боис энди давлат хизматида ишга олишдаги тартиб ва ёндашувлар такомиллаштирилади. Шунингдек, тез орада давлат хизматчилари даромадини декларациялашга оид қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилади. Шунингдек, фикри тоза, коррупцияга тоқатсиз янги авлодни тарбиялаш мақсадида таълим масканларида ҳалоллик ғояларини сингдириш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ишлари амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбари йиғилишдаги нутқида коррупцияга қарши курашиш умуммиллий вазифа, ҳар бир ватанпарвар юртдошимизнинг виждон иши ҳисобланишини таъкидлаб шундай деди:

– Ҳаммамиз ягона куч бўлиб ҳаракат қилсак, албатта, катта ижобий самарага эришамиз. Шу боис маҳалла фаоллари, нуронийлар, зиёлилар, ёзувчи ва шоирлар, санъат ва маданият ходимлари, тадбиркорлар, таниқли шахслар, раҳбарлар, депутат ва сенаторлар – умуман бутун жамоатчилик бирлашиб, коррупцияга "жамият танасидаги саратон" сифатида қарши керак.

Толиб БАЙЗАКОВ,

Самарқанд вилоят суди раиси ўринбосари,
жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси.

ЖАМИЯТ ТАНАСИДАГИ САРАТОН

2025 йил 5 март куни бўлиб ўтган Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий кенгаш йиғилишида Президент Шавкат Мирзиёев коррупцияга қарши курашишни давлат сиёсатининг ажралмас қисми сифатида белгилаб, 55 та ташаббусни илгари сурди.

Улар доирасида 5 та қонун, 12 та фармон ва қарорлар ишлаб чиқилади. Коррупцияга қарши курашишда парламент, Миллий ва ҳудудий кенгашлар, фуқаролик жамияти институтларининг роли оширилади ва бир қанча ҳуқуқий асослар яхшиланади. Жумладан, декларациялаш, ноқонуний бойлик орттиришга оид янги тартиблар киритилиши натижасида коррупция омиллари чекланади. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва ташкilotлардаги ички назорат тузилмалари фаолияти кучайтирилади.

Маиший коррупцияга қарши курашиш бўйича вазирлик, идоралар раҳбарлари масъулияти оширилади. Давлат хизматлари даражасини аҳоли баҳолайдиган тизим қилинади, энг ёмон кўрсаткичга эга соҳа раҳбарлари бўйича чора кўрилади.

Назорат инспекциялари мустақиллиги оширилади. Йирик инвестиция лойиҳаларида, аукционларда коррупциянинг олдини олувчи механизмлар жорий этилади. Бундан ташқари, давлат харидлари тартибга солиниши, тўғридан-тўғри харидлар чекланиши ҳисобига бюджет маблағлари тежалиши таъминланади. Давлат пулини мақсадсиз сарфлаш ҳолатларига барҳам берилади.

Секторлардан озод бўлган куч ва воситалар жиноятчиликка қарши курашишга сафарбар этилиб, жамиятда барқарорлик муҳити ва одамларнинг розилиги ортади. Ноқонуний текширувлар устидан прокурор назорати кучайтирилиши орқали жойларда бизнес ва инвестиция муҳити яхшиланади.

Келажақда ушбу қилинадиган ишлар самара берса халқаро рейтингларда мамлакатимиз ўрни яхшиланади ва 2027 йилда UNCAC конференцияси мезбонлигига Ўзбекистон номзодини маъқуллаш учун замин ҳозирлайди.

Албатта, Президентимиз томонидан таклиф қилинган чора-тадбирлар шаффоф ва ҳисобдор давлат бошқарувини яратишга, фуқароларнинг давлатга бўлган ишончини мустаҳкамлашга ва Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга хизмат қилади.

Белгиланган чора-тадбирлар ҳозир фақат қоғозда ҳолос. Унинг амалиётда қўлланилиши, ҳаётимизга кириши бу Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросига боғлиқ. Кундалик турмушимизда, ўқишда, ишда, турли вазиятларда бу иллатлардан узоқ бўладиган бўлсак жамиятда адолат ҳукмронлик қилади.

Лекин, шуни таъкидлаб ўтиш керак-ки, суд тизимидаги коррупция ҳуқуқ-тартибот соҳасидаги энг мураккаб ва нозик муаммолардан бири ҳисобланади. Жамиятнинг суд тизимида бўлган ишончи қабул қилинган қарорларнинг адолатлилиги, асослилиги ва ҳолислигига боғлиқ. Энг оғир жиҳати ҳозир ижтимоий тармоқлар ривожланган давр. Бугун чиққан янгиликдан эртаси куни бутун Ўзбекистон фуқаролари хабардор бўлиши мумкин. Яъни, йиллаб йиғилган суд обрўси бир марта юз берган таъмагирлик туфайли нафақат тўкилади, балки бир неча йил одамларнинг онгида судга ишончсизлик кайфиятини келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам суд тизимида бу иллатга қарши курашиш борасида доимо ишлар қилиниб, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари

жорий этиб келинади, бу ҳолатлар эса қарор қабул қилишда инсон омилини камайитиришга хизмат қилмоқда. Хусусан, 2021 йилдан бошлаб ишлар судьялар ўртасида автоматик тарзда тақсимланадиган тизим жорий этилди ва натижада айрим судьяларга таъсир ўтказиш орқали коррупцияга йўл қўйиш имконияти йўққа чиқди.

Бундан ташқари, суд тизимида кадрлар сиёсати бўйича ҳам кенг қўлмалли ислохотлар бошланган. Судья лавозимига номзодларга қўйиладиган янги талаблар жорий этилган. Жумладан, мажбурий психологик тест синовлари талаб қилинмоқда. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бундай ёндашув кадрларни танлаш босқичида коррупция хавфларини аниқлаш имконини беради. Германия, Португалия, Австрия ва бошқа мамлакатларда номзодлар стрессга чидамлилиги ва этикага риоя қилиш қобилияти бўйича синовлардан ўтишлари керак. Қозоғистон ва Молдова каби давлатларда эса номзодлар полиграф текширувидан ўтади.

Шунингдек, ҳукуматимиз томонидан сунъий монополия, ёпиқ схемалар, умуман коррупцияга имкон берувчи барча бўшлиқларга барҳам берилиши борасида ҳам ишлар қилиняпти. Сабаби, ушбу иллатлар жамиятда адолатсизлик, тенгсизлик ва аҳолининг норозилигига сабаб бўлмоқда. Юқоридаги каби ҳолатлар маҳаллий тадбиркорларни заифлаштириб хорижлик рақобатчиларининг олдида имкониятларини чеклайди. Бу эса юртимиз бозорига кириб келган хорижлик тадбиркорлар билан рақобатга катта тўсқинлик қилади. Бу вазият давом этаверса ички бозоримизнинг айрим соҳаларидан 5-10 йилнинг ичида хорижлик тадбиркорлар маҳаллий ишбилармонларимизни чиқариб ташлаши мумкин. Мазкур ҳолат эса кейинчалик ўнглаш қийин бўлган салбий оқибатларга олиб келиши шубҳасиз.

Шунинг учун ҳам ҳукумат доирасида ушбу иллатга қарши курашилмоқда. Умуман олганда, фуқароларимизда коррупцияга қарши курашишда ҳуқуқий онг ҳамда ҳуқуқий маданиятнинг етарли даражада эмаслиги жамиятда адолат мезонининг бузилишини кўпайтиради. Шунингдек, “Жамиятда порахўрлик иллатини енгиб бўлмайди”, деган фикрнинг ёшлар онгида шаклланиб қолгани катта камчилигимиздир.

Бу борада силжиш қилинмаса, ушбу иллат ортимиздан соядек эргшиб юраверади. Токи, оила, боғча, мактабда ўғил-қизларимиз онгига тамагирлик, порахўрлик ёмон иллатгина эмас, балки у жамият таназзули эканлиги ҳақидаги тушунчани сингдирмас эканмиз, мақсадга эриша олишимиз қийин кечади.

Хулоса қилиб айтганда коррупциянинг олдини олишда кенг қамровли ёндашув зарур, сабаби бусиз ушбу иллатни енгиб бўлмайди. Дуч келган битта соҳани танлаб, курашадиган бўлсак, коррупция занжирини асло узиб бўлмайди. Чунки у бутун жамият танасига ёйилган саратон кабидир. Бунинг учун барча жабҳаларда унга қарши биргаликда курашиш лозим.

Назокат БАЙЗАКОВА,

Тошкент туманлараро иқтисодий суди судьяси.

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК – ҚАДИМ ИЛЛАТНИНГ КУШАНДАСИ

Бугун мамлакатимизда бутун дунёда бўлгани сингари коррупцияга қарши кураш олиб борилмоқда. Бу борада Президентимиз ҳам турли лойиҳа ва чора-тадбирларга бош бўлиб янги замонавий тартибларни йўлга қўймоқда. Келинг шу ўринда бир неча давлатларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги чора ва услублари ҳақида тўхталамиз.

Австралияда федерал тузилма ёки коррупцияга қарши кураш органларининг марказлаштирилган тизими йўқ. Ҳукумат тузилмалари фаолиятини назорат қилиш Австралия миллий жамоат ташкилотлари, парламент ва оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилади. Ҳар қандай фуқаро бундай комиссияга шикоят қилиш ёки давлат мансабдор шахси томонидан содир этилган коррупция ҳаракати ҳақида хабар бериш ҳуқуқига эга.

Ушбу мамлакатда коррупцияга қарши асосий таълим дастури Австралия Миллий университети давлат сиёсати факультетида бўлиб ўтадиган “Коррупция ва унга қарши кураш усуллари” мавзусидаги махсус курсдир. Тренинг давомида тингловчилар коррупция ҳодисасига турли ёндашувлар ва унинг намоён бўлишига қарши кураш усуллари билан танишиш имкониятига эга бўладилар.

Австрияда ҳам коррупцияга қарши кураш соҳасида уч ҳафталик маляка ошириш курслари мавжуд. Ўқитувчилар сифатида қоида тариқасида Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, олимлар, психологлар, иқтисодий жиноятларга қарши курашиш соҳасидаги мутахассислар тақлиф этилади.

Австрия федерал коррупцияга қарши кураш бюроси ходимлари 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар учун “Коррупцияга қарши тренинг” лойиҳасини ишлаб чиққан. Бошланғич лойиҳа шакли талабалар ва эксперт-психологлар, социологлар, адвокатлар, криминологлар ва ўқитувчиларнинг фикрлари билан тўлдирилган. Лойиҳа талабаларни коррупцияга қарши курашиш ва иқтисодий жиноятлар тушунчалари ва коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари билан таништириш учун мўлжалланган. Шунингдек, талабаларга коррупция билан тўқнашувда ва фуқаронинг ушбу ҳодисага қарши курашишдаги роли тўғрисида хатти-ҳаракатлар намойиш этилади.

Ушбу тренингни мақсади юқори синф ўқувчиларининг фуқаролик жавобгарлигини ошириш, инсон ҳуқуқлари ва жамоат бурчларини тушуниришдан иборат. Ўтказилган тренинг ёш томошабинлар, яъни 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар учун кенгайтирилиши режалаштирилган.

Буюк Британия коррупцияга қарши кураш сиёсатида давлат таълимнинг яна бир хусусияти аҳолининг эътиборини ички коррупция муаммосидан қасддан чалғитишдир. Давлат коррупцияга қарши курашиш соҳасида таълим дастурларининг ташқи йўналишини сўзсиз қўллаб-қувватлайди.

“Британия коррупцияга қарши кураш форуми”, “Transparency international”, “Қашшоқликка қарши муҳандислар”, “Бош инфраструктура коррупцияга қарши кураш маркази” ва бошқалар каби нодавлат ташкилотлари Лондоннинг коррупцияни глобал бартараф этиш гоясининг энг фаол намоёндалари ҳисобланади. Кўпинча Британия нодавлат ташкилотлари давлат органлари, бизнес ва хорижий давлатларнинг фуқаролик жамияти институтлари учун коррупцияга қарши таълим дастурларини бегараз амалга оширмоқдалар.

Индонезия таълим муассасаларида коррупцияга қарши дастурлар коррупцияга қарши кураш комиссиясининг Индонезия Миллий таълим вазирлиги билан ҳамкорлигида амалга оширилади. Тегишли курслар

ихтиёрий равишда мактаблар ва университетларнинг ўқув дастурларида киритилади ва факультатив равишда олиб борилади. Уларнинг етакчи ўқитувчилари ва ўргатувчилари Жакарта ва бошқа бир қатор шаҳарлардаги коррупцияга қарши кураш комиссиясида олдиндан ўқитилади. Ҳозирги вақтда коррупцияга қарши таълим дастурлари мамлакатнинг 33 та вилоятларидан 11 тасида амалга оширилмоқда.

АҚШнинг бошланғич ва ўрта мактабларида ижтимоий этика бўйича машғулотлар олиб борилмоқда. АҚШ расмий ахлоқий идораси ўз веб-сайтида ижро этувчи органларда ходимлар учун зарур ахлоқий фазилатларга эга бўлиш ҳақида маълумот беради. Деярли барча АҚШ федерал органларида мунтазам равишда (одатда йилига бир марта) коррупцияга қарши кураш бўйича тренинглар ўтказилади.

Кўпгина идораларда суиистеъмолликни аниқлаш учун ички назорат хизмати (Internal Revenue Service) каби махсус бўлинмалар ташкил этилган бўлиб, доимий равишда расмий мувофиқлик масалалари бўйича масъул ходимлар ишлайди, уларга ёрдам ёки маслаҳат учун мурожаат қилинади. Агар расмий шахс нотўғри иш қилган бўлса-да, бунинг учун ички назорат хизмати ходими томонидан олдиндан кўрсатма берилган бўлса, у жазоланмайди. Ушбу қоида беҳосдан хатога йўл қўядиган ҳалол ходимларни рағбатлантиришга қаратилган.

Хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиб, айтиш мумкинки, коррупцияга қарши курашиш жараёни аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги билан бирга қатор вазифаларни амалга ошириш лозим:

биринчидан, одамлар онгига ҳуқуқий тушунча, тасаввур, баҳолаш, фикр юритиш каби жараёнларгина шаклланиб қолмасдан, балки ҳуқуқий тизимнинг турли соҳалари (ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқий амалиёт, суд, суд жараёни, жазо тайинлаш, адлия органлари хизмати, прокуратура ва бошқалар) ҳақида ҳам тушунча бўлиши зарур;

иккинчидан, шахс ҳуқуқий онгининг ривожланиши мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг келажига таъсир этади. Шу сабаб амалдаги қонун ҳужжатларидан оқилона фойдаланиш лозим;

учинчидан, шахс ҳуқуқий таълим орқали ҳуқуқ асосларини, унинг асосий нормаларини билиб олади. Шундагина ҳуқуқий билимларни ҳаётга татбиқ этиш, қонунга риоя этишни шакллантириш, ҳуқуқбузарликка нисбатан мурасасизликка эришилади;

тўртинчидан, ҳуқуқий талаблар онгда акс этиб, шахс томонидан англанади, тушунилади ва ўзлаштирилади, инсоннинг ҳуқуққа муносабатини белгиловчи таассурот ва ишончни пайдо қилади. Бу шахс ҳуқуқий онгини шакллантиришда янги усул ва воситаларни тадқиқ этишни тақозо этмоқда;

бешинчидан, конституциявий саводхонлик ҳуқуқий онгни шакллантиришда муҳим омил эканлиги сабабли ушбу соҳадаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари излаш керак.

Айнан шунинг учун ҳам шахс ҳуқуқий онгини шакллантириш орқали мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ислохотларни тўғри англаймиз, уларга мослашамиз.

Алишер ҚАҲҲАРОВ,

жиноят ишлари бўйича Нишон туман суди раиси.

СУДЬЯЛАР ҚАЛҚОНИ БЎЛГАН ОДОБ КОДЕКСИ

Судьялик касби нозик касб бўлиб бунда арзимаган кичик хато ҳам нафақат судьянинг ўзига балки, бутун тизимга салбий таъсир қилиши мумкин. Судьяларнинг иш фаолиятида бундай ҳолатлар юз бермаслиги учун Судьялар одоб кодекси қабул қилинган.

Ушбу кодекснинг “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик” номли 11-моддасида бу борада яхши кўрсатма қайд этилган:

Судья ўз фаолиятида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳуқуқ, қонунчилик, суд тизими, суд амалиёти масалалари бўйича ўз ихтисослиги соҳасидаги шахсий тажрибаси ва билимларига асосланган ўз нуқтаи-назарини билдириш орқали ҳамкорлик қилади. Бунда у мансабдор шахслар томонидан ўзига бирон-бир таъсир кўрсатилишига, шунингдек ҳолислиги, мустақиллиги ва беғаразлигига шубҳалар туғилишига йўл қўймаслиги лозим.

Судья давлат органлари фаолиятини омма олдида танқид қилиш, фикр-мулоҳаза билдириш ва баҳолашдан ўзини тийиши зарур.

Агар давлат органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тузилган турли ишчи гуруҳлари ва комиссиялар ишидаги иштироки судьянинг касбий мажбуриятларини бажаришга тўсқинлик қилса, жамиятнинг суд ҳокимияти обрўсига бўлган ишончига путур етказса ёки одил судловнинг ҳолислиги, мустақиллиги ва беғаразлигига шубҳа туғдирса, судья улар фаолиятида иштирок этмаслиги лозим.

Энди ушбу модданинг муҳим жиҳатига тўхталдиган бўлсак, судья одил судловни амалга ошириш фаолиятини олиб бориш жараёнида ўз лавозими, меҳнат фаолияти билан боғлиқ иш тажрибасидан келиб чиқиб, қонун чиқарувчи, ижро ҳокимияти, турли органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга оширади.

Судья ушбу тузилмалар билан ҳуқуқ, қонунчилик, суд тизими, суд амалиёти масалалари юзасидан ихтисослиги соҳасидаги шахсий тажрибаси ва билимларига асосланган ўз нуқтаи-назарини билдириш орқали ҳамкорлик қилади. Мазкур ҳамкорлик судьянинг мустақиллигига таъсир қилмаслиги керак бўлади. Бу ўринда ушбу ҳамкорлик қандай асосларга кўра юзага келиши билан боғлиқ саволлар туғилиши табиий.

Бунга аниқлик киритиб ўтадиган бўлсак, судья ўз фаолиятида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳуқуқ, қонунчилик, суд тизими, суд амалиёти

масалалари бўйича ихтисослиги соҳасидаги шахсий тажрибаси ва билимларига асосланган ўз нуқтаи-назарини билдириш орқали ҳамкорлик қилиши давлат органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тузилган турли ишчи гуруҳлари ва комиссиялар ишидаги иштироки натижасида келиб чиқади.

Ўз навбатида, ушбу фаолият судьянинг мустақиллигига таъсир этмаслиги зарур. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонунини 1-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

Шунингдек, мазкур 11-моддада, судья давлат органлари фаолиятини омма олдида танқид қилиш, фикр-мулоҳаза билдириш ва баҳолашдан ўзини тийиши зарур эканлигининг белгиланиши судьянинг муайян давлат органлари фаолиятига шахсий муносабатини билдиришини чеклайди. Сабаби, судья томонидан ҳар қандай давлат органлари фаолияти билан боғлиқ низоли масалалар бўйича ҳал этилиши лозим бўлган иш ҳужжатлари мавжуд бўлиши мумкин. Унинг қайсидир давлат органига нисбатан танқидий муносабати судьялик фаолияти давомида қабул қилган қарорларининг асосли ва адолатли эканлигини шубҳа остига олиши мумкин.

Судьяларнинг одоб-ахлоқи ҳозирги ривожланган жамият учун жуда муҳим ҳисобланади. Судьялик одоб-ахлоқи судьялик жамияти вакилларининг касбий фаолиятини амалга ошириш жараёнида унинг нормаларига амал қилиши учун зарурдир. Судьялик одоб-ахлоқи судьялар ўз ташаббуси билан унинг меъёрларига мурожаат қилиб, уларни ҳаётга татбиқ этишга интилгандагина самарали бўлади. “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 62-моддасида судьяларнинг мажбуриятлари ўз аксини топган. Ушбу моддага кўра судья ўзига юклатилган ваколатни амалга ошириш мобайнида, бундан ташқари хизмат вазифасидан ташқари ҳар қандай муносабатларда Судьялик одоби кодекси нормаларига риоя этиши, судьянинг шаъни ва кадр-қимматини тушишига олиб келадиган ҳаракатлар ёки унинг ҳолислиги, беғаразлиги ва адолатлилигига шубҳа уйғотиши мумкин бўлган, суд ҳокимияти обрўсига путур етказиши эҳтимоли бор бўлган барча ҳаракатлардан тийилиши лозим.

Ҳамид БОБОҚУЛОВ,

Қашқадарё вилояти жинойат ишлари бўйича судлов ҳайъатининг судьяси.

ХИТОЙ ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ ҚўЛЛАШ ҲОЛАТИ ВА АФЗАЛЛИКЛАРИ

Сунъий интеллект (кейинги ўринларда СИ деб юритилади) жаҳон бўйлаб одамларнинг ҳаётига тезкор кириб бормоқда. Хусусан, 2024 йилда Европа Иттифоқидаги корхоналарнинг 13,48 фоизи ва йирик корхоналарнинг 41,17 фоизи сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида сунъий интеллектдан фойдаланиш бора-сида Хитой тажрибаси ўзининг илғор ва самардорлиги билан алоҳида ажралиб туради.

2024 йилнинг май ойида Хитой Олий халқ судида бўлиб ўтган матбуот анжуманида СИ асосида ишлайдиган янги суд-ҳуқуқ платформаси намойиш қилинди. Унга кўра, ушбу платформа Хитой кибермакон идорасида расман рўйхатдан ўтказилган.

Сўнгги ўн йил ичида Хитой судлари бир неча турли онлайн платформаларни ҳам яратди, жумладан, суд қарорларини қидириш ва суд мажлисида масофавий қатнашиш имкониятлари шулар жумласидандир. Бу онлайн платформалар ҳуқуқий жараёнларни соддалаштириб, тарафлар учун ишни кузатиб бориш ва ҳуқуқий хизматлардан фойдаланишда қулайроқ шароит яратишга мўлжалланган.

Хитой Халқ Республикасининг прокуратура органлари ҳам ўз фаолиятида сунъий интеллект (кейинги ўринларда СИ деб номланади) технологияларини жадал равишда жорий этишни устувор йўналиш сифатида белгиланган. “Ақлли прокуратура” (智慧检务) номли стратегик дастур Хитой Олий халқ прокуратураси томонидан расман ишга туширилган бўлиб, унда 2025 йилга қадар прокуратура фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш ва интеллектуаллаштириш мақсади белгилаб қўйилган. Мазкур Дастур доирасида “қўл меҳнатини машиналар билан алмаштириш, инсон ресурсларини эса сунъий интеллект билан тўлдириш” орқали қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда адолатни амалга оширишда мутлақо янги ёндашувларни яратиш назарда тутилган.

Бошқача қилиб айтганда, Хитой прокуратурасида СИ тизим фаолиятининг самарадорлигини ошириш, қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг сифатини яхшилаш ва ҳуқуқни қўллашда қонунийлик ва адолатни таъминлаш каби мақсадларни кўзда тутди.

Қуйида Хитой прокуратурасида СИни қўллашнинг асосий йўналишлари, ишлатилаётган технологияларнинг аниқ мисоллари, уларнинг ҳуқуқни қўллаш самарадорлигига таъсири, шунингдек, бу борада вужудга келаётган муаммо ва хатарлар, аҳолиқий ҳамда ҳуқуқий жиҳатлар кўриб чиқилади.

“Ақлли прокуратура” ва фаолиятни рақамлаштириш.

“Ақлли прокуратура” ташаббуси доирасида Хитой прокуратура органлари фаолиятида СИни жорий этиш бўйича бир неча асосий йўналишлар белгилаб берилган.

Биринчи йўналиш – тергов ва иш юритишни “ақлли” интеллектуал қўллаб-қувватлашни ташкил қилади. Унда нутқни таниб олиш, катта маълумотлар таҳлили ва бошқа СИ ечимларидан бевосита далиллар йиғиш, баҳолаш, айбловни тайёрлаш ва судда давлат айбловини қўллаб-қувватлаш жараёнида фойдаланишга асосий эътибор қаратилади. Масалан, айбланувчи ёки гумонланувчи шахсни сўроқ қилишда уларнинг барча гаплари бир вақтнинг ўзида матн шаклига

келтирилишини таъминлайдиган технология жорий этилган. Бу ўз навбатида прокурорларни сўроқ баёнларини қўлда тўлдириш каби кўп вақт ва куч талаб қиладиган меҳнатдан халос этди.

Иккинчи йўналиш – прокуратура ичидаги интеллектуал бошқарув. Унга кўра, ягона электрон иш бошқаруви тизими Хитойдаги барча прокуратура идораларида жорий этилган бўлиб, СИ элементлари жойлаштирилган илова-дастурлар учун базавий платформани ташкил этади. Ушбу тизим ишни қабул қилиб олишдан то судга юборишгача бўлган бутун электрон жараёни қамраб олади ва статистика, ҳисобот, назорат каби модулларни ўз ичига олади. Катта маълумотлар таҳлили ёрдамида у бошқарув билан боғлиқ кўплаб такрорий вазифаларни автоматлаштириш орқали ходимлар ишининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Масалан, баъзи минтақаларда “ишларни бошқариш роботи” (案管机器人) номли катта маълумотлар асосида ишловчи кузатув тизими жорий қилинган. Бу тизим ҳар бир ишнинг кўриб чиқилиши жараёнини автоматик тарзда назорат қилиб, процессуал муддатлар яқинлашиб қолганида ходимларга огоҳлантириш беради, тергов ёки судда ишни кўришда пайдо бўлиши мумкин бўлган хатарларни ёки хато-қусурларни кўрсатиб беради.

Учинчи йўналиш – фуқаролар учун интеллектуал хизматларни амалга оширишдан иборат. Прокуратура аҳолига ўз хизматларидан фойдаланишда қулайлик яратиш мақсадида замонавий коммуникация технологияларини жорий этмоқда. 12309 Прокуратура хизмат маркази (ПХМ) ягона Интернет-портали ва “онлайн-прокуратура” мобил иловалари ташкил этилган бўлиб, Ушбу онлайн платформа 12309 Хитой Прокуратура веб-сайти, “Прокуратура 12309” мобил иловаси (APP), 12309 Прокуратура Хизмат Марказининг WeChat расмий саҳифаси орқали 12309 Прокуратура Хизмат Телефони ҳамда бошқа шаклларни қамраб олади. Онлайн платформа жамоатчиликка ахборотни очиқлаш, шикоятлар ва мурожаатлар, ҳуқуқий маслаҳатлар, назорат ҳамда бошқа бир қатор хизматларни қулай тарзда кўрсатиб, тўлиқ “бир дарча” хизматини тақдим этишга мўлжалланган. Фуқаролар 12309 Прокуратура хизмат телефони орқали қўнғироқ қилиш йўли билан, шунингдек, матнли хабар, факс ёки бошқа усуллар орқали прокурорлик хизматларини олишлари мумкин.

Ниҳоят, тўртинчи йўналиш – прокуратура фаолиятининг барча соҳаларида технологик қўллаб-қувватлашни амалга ошириш. Бу ерда замонавий ахборот технологиялари инфратузилмаси – катта маълумотлар марказлари, булутли сақлаш тизимлари, СИ бўйича тажриба лабораторияларини ташкил этиш назарда тутилади. Олий прокуратура ўз кўрсатмаларида “ақлли прокуратура” мақсадларига эришиш учун бир-бири билан боғлиқ учта тизимни – назарий, режавий ва амалий тизимларни ривожлантириш зарурлигини

таъкидлайди. Шунингдек, жиноят ишини тўлиқ интеллектуал юритиш, ресурсларни ҳар томонлама ақлли бошқариш, ҳар қандай шароитда доимий интеллектуал хизмат кўрсатиш ва тўлиқ технологик қўллаб-қувватлаш каби умумий архитектурани шакллантириш зарурлиги юзасидан кўрсатмалар берган. Шу тариқа СИ прокуратура ишининг ички бошқарув жараёнларидан тортиб, фуқаролар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар билан ўзаро ҳамкорлигигача бўлган барча жабҳаларга босқичма-босқич жорий этилаётганини кўриш мумкин.

Шунингдек, прокуратура фаолиятида бир қанча технология ва тизимлар ҳам қўлланилмоқда. Хусусан, “Сунъий интеллект – прокурор” томонидан айблов эълон қилиш тизими шулардан биридир. Бу борада энг шов-шувли мисоллардан бири – Шанхайда амалга оширилаётган “сунъий интеллект – прокурор” прототиби синови бўлди. Пудун (普敦) тумани халқ прокуратурасида ишлаб чиқилган ушбу тизим жиноят иши фактлари тавсифи асосида айбловни мустақил шакллантириш қобилиятига эга.

Шанхайлик профессор Ши Юнг (Shi Yong) ва унинг жамоаси томонидан ишлаб чиқилган “сунъий интеллект – прокурор”нинг энг катта афзаллиги шундаки, унинг ишлаши учун шунчаки оддий стол компютери кифоя қилади. Мазкур тизим 2015-2020 йиллар мобайнида қўрилган 17 мингта иш асосида ўқитилган бўлиб, айти пайтда Шанхайда энг кўп учрайдиган қуйидаги саккиз турдаги жиноятни таниб, улар бўйича айблов эълон қилиш қобилиятига эга: тўлов карталари билан боғлиқ фирибгарлик, ноқонуний қимор, бепарво ҳайдаш (хавфли автоидарчилик), қасддан шикаст етказиш, ўғрилик, хизмат вазифасини бажаришга тўсқинлик қилиш, шунингдек, “оммавий тартибсизлик содир этиш”. Ишлаб чикувчилар бу “сунъий интеллект – прокурор” айбловни “97 фоиздан ортиқ аниқлик билан” эълон қилиш қобилиятига эга эканини иддао қилишган.

Албатта, айблов ҳулосаси устидан якуний қарорни ҳамон одамлар қабул қилишади, бироқ бу каби “электрон ёрдамчи” Хитой прокурорларини анъанавий ишларни бажаришдан озод этиб, асосий эътиборни мураккаброқ ишларга қаратиш имконини беради.

Жазони белгилашда ёрдам берувчи интеллектуал тизимлар.

Хитойда СИни суд ҳукмини тайёрлаш ва жиноят иши бўйича жазо муддатини белгилаш билан боғлиқ тавсияларни тайёрлашда қўллаш ҳам ўта муҳим масалалардан биридир.

Хитойда “айбни тан олиб, енгилроқ жазо олиш” тизими амал қилувчи бир қатор провинцияларда судга жазо бўйича таклиф тақдим этишда прокурорга ёрдам берадиган “ақлли” тизимлар жорий қилинган. Масалан, Олий халқ прокуратураси белгилаган “илмий, интеллектуал ва инсонпарвар” тамойиллари асосида Хубэй (湖北) провинцияси прокуратураси 2018 йилдан буён “ақлли прокуратура” мажмуаси таркибида автоматик равишда жазо муддатини ҳисоблайдиган интеллектуал тизимни ишлаб чиқиб, ишга туширган.

“2019 йилда интеллектуал сиёсий-ҳуқуқий инновация лойиҳаларини саралаб олиш” миллий танловида Хубэй провинцияси, Хуанши шахри прокуратураси томонидан яратилган “Интеллектуал давлат айбловини қўллаб-қувватлаш ти-

зими” бутун мамлакат бўйича тақдим этилган 30 дан ортиқ интеллектуал прокуратура инновация лойиҳалари орасида ажралиб чиқиб, “Мамлакатдаги ўнта энг яхши интеллектуал прокуратура инновация лойиҳаси”дан бири сифатида танлаб олинди.

“Интеллектуал давлат айбловини қўллаб-қувватлаш тизими” иш шарҳи, ҳукм таҳлили ва ўхшаш ишларни таққослаш каби 7 та модул, шунингдек аудио-видео далилларни кўриб чиқиш, ҳужжатларни ақлли таҳрирлаш ва “учта ҳужжатни” таққослаш сингари 15 та махсус функцияни ўз ичига олади. Бу “бир жуфт дастур орқали барча хизматлар”ни амалга оширишга ёрдам беради.

Далилларни текшириш жиҳатдан тизим “учта хоссаси”ни эътибор марказида ушлаб туради. Биринчидан, қонунийликни текшириш бўйича, 21 хил далил тури учун 100 дан ортиқ текширув тавсиялари мавжуд бўлиб, 579 та далил камчилиги рўйхатга олинган, улардан 13 тасини автоматик аниқлаб, огоҳлантириш бера олади. Иккинчидан, далилларнинг дахлдорлигини текширишда ҳар бир жиноят бўйича жазо элементлари ўрнатилади ва далилларнинг исботлаш лозим бўлган фактлар билан ўзаро боғлиқлиги кўрсатилади. Учинчидан, далилларнинг объективлигини текширишда ўзаро зид далиллар автоматик равишда аниқланиб, умумлаштирилади ва иш таҳлили харитаси шакллантирилади. Шу тариқа ишдаги далиллар бўйича тўлиқ манзара ҳосил бўлади. 15 та функция орасида “ҳукм таҳлили ва қарор қабул қилиш” ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимлар учун “энг сеvimли янги функция”га айланди.

Далиллар таҳлили ва процессни юритиш бўйича комплекс тизимлар.

Хитой прокуратураси СИ ечимларини бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва судлар билан ҳам ҳамкорликда қўллаб келади. Масалан, Шанхайда “206” шартли номи билан танилган интеграциялашган СИ платформаси оғир жиноят ишларини тергов қилишда ҳамда суд жараёнида фойдаланилмоқда. Ушбу комплекс процесс иштирокчиларига (терговчи, прокурор, судья) суд мажлиси вақтида керакли далиллар ва маълумотларни тезкор тарзда топиш имконини беради: овозли буйруқ орқали дастур мониторинг камера кузатуви ёзувлари ёки суд-тиббий экспертизаси ҳулосаси каби зарур материалларни чиқариб кўрсатади. Шунингдек, “206” платформаси суд мажлиси ҳамда сўроқ пайтида гапирилаётган нутқни автоматик равишда матнга айлантиради ва хатто гапираётган шахс судья, прокурор ёки гувоҳ эканини ҳам ажрата олади.

Юқорида зикр этилганлардан ташқари, Хитойнинг “ақлли прокуратура” амалиётида бошқа кўплаб СИ воситалари ҳам мавжуд. Масалан, интеллектуал қидирув тизимлари ўхшаш ишларни топиш ва ҳуқуқий прецедентларини аниқлашда прокурорларга тезкорлик билан ёрдам бериб келмоқда. Бундай механизмлардан бугунги кунда прокуратура органлари “кучсиз СИ” даражасида фойдаланиб келмоқда. Хитойлик мутахассисларнинг фикрича, прокуратура органларида бу каби ёндашув қарорлар илмий асосланган бўлишига ёрдам бериб, прокурорларнинг субъективликка берилиб кетишининг олдини олади.

Айти пайтда Хитойда кузатув камералари орқали жамоат жойларида назоратни амалга оширишда СИ имконияти-

дан кенг қўлланилмоқда. Шунингдек, расмий маълумотларга кўра, ҳукумат ходимлари орасида коррупцияни аниқлаш мақсадида ва қамоқхоналарда зўравонликни камайтириш учун ҳам СИ технологияларидан фойдаланади.

2023–2024 йилларда Хитойда ChatGPT каби йирик тил моделларининг маҳаллий аналоглари (DeepSeek ва бошқалар) пайдо бўлди ва айрим илғор прокуратура идоралари (Шэньчжэнь)да уларни иш ҳужжатларини тайёрлашда рутин вазифаларни автоматлаштириш мақсадида тестдан ўткази бошлашди.

Сунъий интеллектнинг Хитой прокуратураси ишига ва ҳуқуқни қўллашга бўлган таъсирини сезиларли даражада деб баҳолаш мумкин.

Хитой прокуратура органлари фаолиятида сунъий интеллект (СИ)ни жорий этиш мазкур тизим фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва иш сифатини яхшилаш бора-сида сезиладиган ижобий ўзгаришларни олиб келган.

Биринчидан, иш юритиш сезиларли даражада тезлашди ва тизим ходимларининг ортиқча вазифалардан озод бўлишларига ёрдам берди. Масалан, узоқ масофали тергов изоляторига бориш, у ерда гувоҳ ёки гумондорни соатлаб сўроқ қилиш, барчасини қўлда баённомага киритиш каби жараёнлар эндиликда онлайн-видеоконференция ва автоматик овоздан матнга айлантириш технологиялари билан бир неча дақиқада амалга оширилади.

Иккинчидан, ҳуқуқни қўллашнинг аниқлиги ва бирхиллиги таъминланган.

СИ орқали иш бўйича далиллар ва тавсиялар таҳлилини амалга оширишда субъективликни камайтириш имкони яратилди. Масалан, жазо чорасини белгилаш бўйича автоматлашган тизимлар томонидан ишлаб чиқиладиган тавсиялар орқали бир хил турдаги жиноятлар учун бир хил жазо тайинлаш таъминланди, “ўхшаш иш – турлича жазо” муаммосини бартараф этишга эришилди.

Учинчидан, прокуратура органлари фаолиятида очиқликни таъминлаш ва қонунийлик устидан назорат кучайди. Рақамли тизимлар барча жараёнларни тўлиқ қайд этиши туфайли ҳар қандай қонунбузарлик тез муддатларда фош бўлади ва ёзиб олинади. Масалан, ишни назорат қилиш роботи муддатларни бузиш ёки хато қилиш эҳтимоли пайдо бўлганда автоматик огоҳлантириш беради. Раҳбарлар эса ўз навбатида бунга нисбатан зудлик билан чора кўришлари, хатони зудлик билан бартараф қилишлари мумкин бўлади. Шу тариқа тергов жараёнида ёки судда қонунга хилоф ҳаракатлар ўзига хос “превентив” тарзда бартараф қилинади. Шу билан бирга ягона тизим терговдан тортиб, то ишни судда кўришгача бўлган барча босқичларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлайди. Бу эса прокуратура органларига полициянинг далиллар йиғиш жараёни ёки судда ишнинг ўз вақтида кўрилиши устидан мониторинг ўрнатиш имконини беради.

Тўртинчидан, ходимларнинг иш юкламалари енгиллашди ва ресурслар оптималлашди. Анъанавий равишда Хитой прокуратураси иш ҳажмининг юқорилиги ва ходимлар етишмаслиги билан боғлиқ муаммоларга дуч келмоқда. СИ “қўп иш – кам одам” муаммосини ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этди.

Ҳужжатларни тайёрлаш, маълумотларни қидириш ва ҳисоблаш каби бир қатор вазифаларнинг автоматлаштири-

лиши эвазига прокуратура ходимлари инсон ресурси талаб этиладиган ва мураккаброқ масалалар устида ишлаш имкониятига эга бўлмоқдалар. Шанхайдаги “прокурор – СИ” ишлаб чиқувчисининг таъкидлашича, ушбу тизим айрим босқичларда прокурор ўрнини маълум даражада боса олади, прокурор эса бутун диққат-эътиборини мураккаб ишларни пухта кўриб чиқишга қаратади.

Шу тариқа прокуратура органларининг умумий самарадорлиги ошиб, бир хил штат билан ҳам кўпроқ иш ҳал этиш мумкин бўлади. Бу, ўз навбатида, бутун жамият манфаати-га хизмат қилади: суд жараёнлари жадаллашади, судьялар иш юкламаси енгиллашади, қонунларнинг ижро этилиши таъминланади. Расмийлар “ақлли прокуратура” жамиятда қонун устуворлиги ва адолатни таъминлашнинг самарадорлигини оширади” дея таъкидлашмоқда, катта маълумотлар таҳлили асосида қарор қабул қилиниши эса фуқаролар ўртасида прокуратурага нисбатан ишончнинг ошишига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, Хитой прокуратурасида СИ жиноят учун жазони ҳисоблаш каби тор ихтисослашган дастурлардан тортиб, ҳуқуқни қўллаш жараёнини тўлиқ кузатиб борадиган комплекс тизимларгача бўлган босқични қамраб олган турли шаклларда намоён бўлмоқда. Бу эса прокуратура фаолиятининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишга жиддий ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Музаффар МАМАСИДДИҚОВ,

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси бошлигининг ўринбосари, ю.ф.д., профессор,

Музаффар ИСЛАМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ахборот хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php?title=Use_of_artificial_intelligence_in_enterprises#:~:text=Highlights,the%20information%20and%20communication%20sector.
2. Use of artificial intelligence in enterprises // <https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained>
3. 2025 State AI Wave Building After 700 Bills in 2024 // <https://www.bsa.org/news-events/news/2025-state-ai-wave-building-after-700-bills-in-2024#:~:text=Key%202024%20Statistics,%3A%20State%20lawmakers,through%20one%20chamber%20in%20statehouses.>
4. China launches artificial intelligence platform to boost judicial efficiency. The Supreme People's Court of the People's Republic of China // <https://english.court.gov.cn>
5. China: artificial intelligence to replace prosecutors? (Хитой: сунъий интеллект прокурорларни алмаштирадими?) // <https://www.actuia.com/en/news/china-artificial-intelligence-to-replace-prosecutors/>
6. Introduction to the 12309 Procuratorial Service Center // https://en.spp.gov.cn/2023-12/25/c_950465.htm
7. China develops AI prosecutor that can charge people with 97% accuracy // <https://www.joe.co.uk/news/china-develops-ai-prosecutor-that-can-charge-people-with-97-accuracy-308735>
8. Ван Цзинь. Обеспечение всестороннего, скоординированного и полного развития прокурорской работы с первоклассным интеллектуальным прокурорским строительством // https://www.spp.gov.cn/spp/zd gz/201907/t20190723_425937.shtml
9. 壮丽70年·追梦路上的检察院|湖北黄石:用智慧检务激发检察事业发展新动能. 时间:2019-07-23 作者:郭清君 戴小巍 曾琼 来源:检察日报【字体:大 中 小】// https://www.spp.gov.cn/spp/zd gz/201907/t20190723_425937.shtml

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ СОҲАСИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада давлат хизматлари соҳасида коррупцияга қарши курашда рақамли технологияларни қўллашнинг ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган. Давлат хизматларини тақдим этиш бўйича электрон сервислар фуқаролар ва мансабдор шахслар ўртасидаги алоқаларни камайитириши натижасида маиший коррупция даражасининг пасайишига олиб келиши очиб берилган. Шунингдек, Адлия вазирлиги ситуацион марказининг давлат хизматлари соҳасида коррупциянинг олдини олишдаги ўрни, манфаатлар тўқнашувининг олдини олишни такомиллаштириш бўйича таклифлар, Big data нинг аҳамияти ҳам ўрганилган.

Калит сўзлар: коррупцияга қарши кураш, рақамли технологиялар, давлат хизматлари, сунъий интеллект, электрон сервислар, блокчейн, манфаатлар тўқнашуви, BigData.

Давлатнинг коррупцияга қарши ҳуқуқий сиёсати илмий-техника тараққиётининг ютуқларига боғлиқ бўлиб, бу жиноятчиликка ва коррупцияга қарши кураш соҳасида янги технологиялардан фойдаланишга имкон беради.

Ҳозирда давлат ва бизнес тузилмалари ўз фаолиятларида кўплаб турдаги рақамли технологиялардан фойдаланмоқда. Асосий рақамли технологиялар қуйидагилар: катта маълумотлар, предиктив аналитика; сунъий интеллект; роботлаштириш; смарт-макон; виртуал ва тўлдирилган реаллик; чат-ботлар; нарсалар интернет; блокчейн; оптик таниш.

Интернет майдонлари, махсус сайтлар ва турли онлайн технологиялар фуқаролардан коррупция ҳолатлари ҳақида маълумот олиш, фуқароларни коррупцияга қарши фаол ҳаракатларга жалб қилишга хизмат қилади.

Давлат хизматларини электрон шаклда кўрсатиш, электрон навбатлар жорий этиш ва расмий қўшимча тўловли хизматлар қатори маиший коррупция секторларини тугатади. Давлат хизматларини тақдим этиш бўйича электрон сервислар фуқаролар ва мансабдор шахслар ўртасидаги алоқаларни камайтиради, бу эса маиший коррупция даражасининг пасайишига олиб келади.

Давлат хизматларини электрон тарзда тақдим этиш маъмурий қарашлар ва кадрлар шахсий муносабатларини камайитиришга, маъмурий қарорларни тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнида очиқлик даражасини оширишга, шунингдек, хизмат олувчилар ёки назорат қилувчи органларга уларнинг бажарилиши жараёнини хабардор қилишга имкон беради.

Коррупция даражасини пасайтиришнинг яна бир усули давлат хизматларини рақамлаштириш дастурини жорий қилишдир. Янги ахборот технологияларининг пайдо бўлиши кўплаб коррупциявий ҳатарларни бартараф этиш имконини беради. Инновацион технологияларни давлат секторида жорий этиш ва коррупция даражаси ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганиш натижалари электрон ҳукумат мавжуд бўлган ҳолларда коррупция ҳолатларининг камайишига далилдир.

Г.К. Изтурганова ахборот технологияларидан фойдаланиш коррупцияга қарши анъанавий усуллардан (масалан, маъмурий ислохотлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолияти каби) кўра кўпроқ таъсир қилади деган фикрни билдиради.

Албатта бу анча баҳсли. Бу борада бошқа қарашни илгари сурадиган олимлар ҳам бор. Сабаби айнан диалектика қонун-

лари таъсири оқибатида ахборот технологиялар бир тарафда коррупцияга қарши курашда катта имкониятлар тақдим этаётган бўлса, иккинчи тарафдан уларнинг ўзи коррупциявий жиноятлар содир этишда фаол қўлланила бошланган. Ҳатто, баъзи тадқиқотчилар рақамли технологиялар коррупцион алоқаларда ёрдамчига айланаётганлигини таъкидлашмоқда.

Фикримизча, коррупцияга қарши курашда замонавий рақамли технологиялардан фойдаланиш объектив зарурият, шу билан бирга унинг аҳамиятини бўрттирмаслик, айни пайтда бу технологиялар коррупциявий қилмишлар содир этишда кенг қўлланилаётганлигини ҳисобга олган ҳолда, бунинг олдини олишга қаратилган зарур чоралар кўриб бориш лозим бўлади.

Маълумки ситуацион марказлар стратегик бошқарувда вазиятчи ёндашувни амалга оширишнинг энг самарали воситаларидан биридир. Ҳозирги пайтда давлат хизматлари кўрсатиш тизимининг муҳим институционал бирлиги ҳисобланган Давлат хизматлари марказлари ва ФХДЁ органларига қунига 300 дан 1500 тагача мурожаатчи ташриф буюради. Уларга кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ва тезкорлигини мониторинг қилиб бориш, муаммоларни ўз вақтида аниқлаш мақсадида Адлия вазирлигида Ситуацион марказ ташкил этилган.

Ушбу марказнинг интеграциялашган омбори турли манбалардан олинган маълумотларни бирлаштиради ва менежментни қизиктирадиган вазиятни билишга кўмак берадиган рақамлар, маълумотлар визуал ва интерактив панелларда намоиш этилади. Тақдим этилаётган хизматларнинг масофавий мониторинги, прогнози ва таҳлилини автоматлаштиришга ҳисса қўшади. Айни пайтда ушбу марказ орқали ходимлар фаолияти самарадорлигига, ахлоқ қоидаларига риоя этилаётганлигига баҳо бериб борилади.

Бу вазият динамикасини белгилайдиган асосий муаммолар ва масалаларни аниқлаш, унинг ривожланишига таъсир қилиши мумкин бўлган қарорларни қабул қилиш имконини беради.

Адлия вазирлиги тизимида жорий қилинган бу марказ 208 та ДХМлар ҳамда уларнинг 138 та филиаллари ва 240 та ФХДЁ органларида ўрнатилган 3 000 дан ортиқ видеокамералар орқали ушбу тузилмалар фаолияти, ходимларнинг ҳулқ-атвори, мижозлар билан мулоқотини мониторинг қилиб боради. Ситуацион марказнинг муҳим ижобий амалий ва психологик натижаларидан бири коррупциявий ҳатарларнинг олдини олишда, шубҳали ҳолатларга аниқлик киритишда намоён бўлмоқда. Хусусан, 2024 йилда бу марказ орқа-

ли жами 426 та қоидабузарликлар аниқланган бўлса, уларнинг 62 таси коррупциявий характердаги қоидабузарликларга оид (ортиқча пуллик хизмат ундириш, нақд пул олиш, келмаган фуқаро номидан ариза тўлдириш ва ҳ.к.).

Манфаатлар тўқнашувини замонавий технологияларни қўллаган ҳолда аниқлаш катта аҳамиятга эга. Интернетдаги “виртуал излар”, кидирув сўровлари, тармоқ хизматлари, юзларни таниш тизимлари, жойлашувни аниқлаш, синфдошларни кидириш, қариндошлик алоқалари, молиявий операциялар ёрдамида махсус ишлаб чиқилган дастурлар орқали манфаатлар тўқнашувини кузатиш ва ҳуқуқ-тартибот органларига коррупция схемаларини текшириш учун сигнал бериш мумкин.

Республикаимизда ҳам давлат хизматлари кўрсатиш тизимида маълум бир дастурий такомиллаштиришлар орқали тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда тадбиркорлик субъектлари, юридик шахсларни рўйхатга олиш ахборот дастури - bobirdarcha.uz тизимида манфаатлар тўқнашувини тартибга солувчи қонунчилик нормалари бузилиши ҳолатларига йўл қўймаслик, яъни тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланган шахсларнинг тадбиркорлик субъектларини регистрациясига автомат тақиқ қўйиш, охириги бенефециарларни аниқлаш механизмларини жорий қилиш мумкин.

Рақамли технологияларнинг асосий элементи бу катта маълумотлар ёки BigData деб номланган маълумотлар массивларини яратишдир. Бундай турдаги маълумотларни яратиш бошқа замонавий технологиялардан, хусусан сунъий интеллект технологияларидан фойдаланишга ҳам имкон беради. Хитой коррупцияга қарши курашиш учун сунъий интеллектдан фойдаланишда энг катта муваффақиятга эришмоқда.

Ахборот инфратузилмаси ривожланиши билан ижтимоий муносабатлар субъектлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тизимининг хусусияти тобора шаффоф бўлиб боради. Бу, ўз навбатида, Big Data массивлари орқали мансабдор шахслар фаолияти устидан коррупцияга қарши назорат ўрнатиш имкониятларини яратади, чунки бу восита фрагментар маълумотлардан тизимли коррупция фаолиятининг умумий манзарасини олишга имкон беради. Яъни, турли хил маълумотларни бирлаштириб ва таҳлил қилиб, тизимдаги коррупция ҳолатларини яхшироқ тушуниш ва уларни кўпроқ очиш имкони пайдо бўлади. Бу эса коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширади ва давлат хизматларининг янада шаффоф ва оқилона бўлишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармони билан тасдиқланган “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясида айрим давлат органларида катта ҳажмдаги маълумотларни бошқариш ва таҳлил қилиш имконини берувчи “Big Data” технологияларини йўлга қўйиш бўйича чоралар белгиланган эди.

Қонунчилигимизда “Big Data” ёки “катта маълумотлар” дейилганда — ҳажми, хилма-хиллиги, тезлиги ва (ёки) ўзгарувчанлиги билан ажралиб турадиган, самарали сақлаш, бошқариш ва таҳлил қилиш учун талаб этиладиган кенг маълумотлар тўғлами тушунилади.

Катта ва очик маълумотлар коррупциянинг табиати - жумладан унинг сабабий боғлиқликлари ва миқёси ҳақида бизга аввалгидан кўра кўпроқ маълумот бериши мумкин. Бундай маълумотлар автоматлаштирилган мониторинг ва назорат қилиш воситалари учун асос бўлиб хизмат қила олади.

Давлат ва тижорат тузилмаларининг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларининг юқори даражада интеграциялаш-

ганлиги билан тавсифланадиган катта маълумотлар таҳлили ахборот технологиялари асосида коррупция хусусиятига эга ҳуқуқбузарликларни содир этиш ва тайёрлашда иштирок этган шахсларни аниқлаш имконини беради.

Катта маълумотлар билан ишлаш натижасида манфаатлар тўқнашувини ёки бошқа коррупция хусусиятига эга ҳуқуқбузарликлар мавжудлигидан далолат берувчи нотўғри (тўлиқ бўлмаган) маълумотларни тақдим этиш белгилари, хизматчилар ва бошқа шахслар учун коррупцияга қарши қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган тақиқлар, чекловлар ва мажбуриятларга риоя қилмаслик фактларини аниқлаш имконияти мавжуд.

Қайд этилганлардан келиб чиқиб, давлат хизматлари соҳасида коррупцияга қарши курашда рақамли технологияларни қўллашнинг жорий аҳволи танқидий таҳлиладан келиб чиқиб, хорижий давлатларда бу йўналишда эришилган ютуқларни ўрганган ҳолда алоҳида дастур ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Худоёр МЕЛИЕВ,

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги УРҚ-419-сонли Қонуни. <https://lex.uz/uz/docs/3088008>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5030957>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 октябрдаги ПҚ-358-сон “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” қарори. <https://lex.uz/docs/7158604>.
4. Борисова, Ю. Б. Экономическая теория: учебник для бакалавров / Ю. Б. Борисова. – М.: Глобус, 2021. С. 100.
5. Попова С.А., Акулин С.В. Новые формы коррупции, связанные с цифровыми технологиями // Юридическая наука, 2023. №3, с. 178-185.
6. Савина С.И. Цифровая форма реализации функций государства: теории ко-правовые аспекты и ее значение в государственно-правовой действительности // Юридическая наука и практика: Вестник Нижегородской академии МВД России. 2022. № 2 (58). С. 217—225. <https://doi.org/10.36511/2078-5356-2022-2-217-225>.
7. Кравченко А.Г., Овчинников А.И., Мамычев А.Ю., Воронцов С.А. — Использование цифровых технологий в сфере противодействия коррупции / Административное и муниципальное право. – 2020. – № 6. С. 55. DOI: 10.7256/2454-0595.2020.6.33458 URL: https://nbpublish.com/library_read_article.php?id=33458
8. Овчинников А. И. Противодействие коррупции в условиях цифровизации: возможности, перспективы, риски // Журнал российского права. 2019. № 11. С. 158—170. DOI: 10.12737/jrj.2019.11.12.
9. Трунцевский Ю.В. Информационно-телекоммуникационные технологии в сфере противодействия бытовой (повседневной) коррупции // Информационное право. 2017. № 2. С. 27–32.
10. Minbaleev A.V., Evisikov K.S. (2021). Anti-corruption information technologies. J. Sib. Fed. Univ. Humanit. soc. sci., 14(11), 1674–1689. DOI: 10.17516/1997-1370-0849.
11. Курбатова О.В., Сакулина Л.Л. Государственные услуги в условиях цифровизации государственного управления. Вестник Московского университета МВД России. №2020(4), с. 186-189.
12. Изтурганова Г.К. Роль информационной IT технологии в активизации антикоррупционного потенциала гражданского общества // Yessenov science journal №1 (44)-2023, с. 107-113, УДК 342.9, DOI 10.56525/RLKN9020.
13. Пашенцев Д.А., Трунцевский Ю.В., Цирин А.М. и др. Современные юридические и медиатеchnологии противодействия коррупции в Российской Федерации: научно-практическое пособие / отв. ред. И.И. Кучеров. Инфотропик Медиа, 2021. С. 125.
14. Евсиков К.С., Суворов А.А., Братчикова Л.Р. Цифровая трансформация противодействия коррупции, Известия ТулГУ. Экономические и юридические науки. 2022. Вып. 1, с. 67-81, DOI: 10.24412/2071-6184-2022-1-67-81.
15. Иванова А. А. Программирование противодействия коррупции: региональный аспект /А. А. Иванова. //Юридическая наука и практика. 2012. № 20. С. 64 – 68.
16. The Next Generation of Anti-Corruption Tools: Big Data, Open Data & Artificial Intelligence / André Petheram Walter Pasquarelli Richard Stirling. Research Report, May 2019, P5 https://www.oxfordinsights.com/wp-content/uploads/2024/02/Researchreport2019_TheNextGenerationofAnti-CorruptionTools_BigDataOpenDataArtificialIntelligence.pdf
17. Воронцов С.А., Кравченко А.Г., Мамычев А.Ю., Овчинников А.И. Разработка системы мер и юридических механизмов противодействия коррупции в условиях цифровизации государственного управления и экономики, Москва, 2020. С. 33. https://papers.ssrn.com/sol3/papers.cfm?abstract_id=3860374 (кўрилган сана: 02.01.2025й.)

АҚШда маънавий зиён миқдорини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари

АННОТАЦИЯ: мақолада АҚШда маънавий зиён компенсацияси миқдорини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган қонунларнинг ва ушбу масала бўйича яратилган тизимнинг ўзига хослиги очиб берилган. АҚШ қонунчилиги ва амалиётини ўрганиш, ушбу амалиётни мамлакатимиз қонунчилигига имплементация қилиш маънавий зиён компенсацияси миқдорини аниқлашдаги муаммоларга ечим бўлиши мумкин.

Калит сўзлар: маънавий зиён, зарар, иқтисодий зарар, ноиқтисодий зарар, оғриқ, компенсация, судья, миқдор, далил.

АҚШ инсон ҳуқуқ ва манфаатлари бузилганда компенсация қилишнинг энг юқори миқдорларини белгиланган давлатлардан бири ҳисобланади. Қўшма штатларда товопули руҳий азоб уқубатлар, обрў эътиборни йўқотиш, шахсий ҳаётга зарар етказиш, тан жароҳати етказиш ва бошқа ҳолатларда, ҳаттоки, келажакдаги зарарларни ҳам ҳисобга олган ҳолда ундирилади. АҚШ фуқаролик судларида судья эмас, балки суд хайъати аъзолари томонидан зарар миқдори аниқланиб, қарор қабул қилинади. Шу сабабли кўп ҳолатларда хайъат аъзолари томонидан белгиланган компенсация миқдори ўта юқори даражада бўлади. Агар компенсация миқдори белгиланган миқдордан ошиб кетган бўлса судья компенсация миқдорини камайтириш ҳуқуқига эга.

АҚШда давлатчилик ҳар бир штатнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги асосида қурилганлиги боис, ҳар бир штатнинг ўз қонунлари мавжуд ва маънавий зиён учун компенсация ундириш масаласи ҳам турлича ҳал қилинади.

Оклахома штатининг 2023 йилги Қонунлар жамланмаси (Statute) 23-61.2 боби 23 бўлими “Зарар” (Damage) деб номланган бўлиб, унга кўра тан жароҳатлари учун етказилган иқтисодий зарар қопланиши учун чегара белгиланмаган, ноиқтисодий зарарни компенсациялашнинг эса чегараланганлиги кўрсатиб ўтилган. “Ноиқтисодий зарар” бу — тан жароҳати етказилганидан келиб чиқадиган номоддий зарар бўлиб, фуқаролик даъвосининг предмети ҳисобланади ва оғриқ ҳамда азоблар учун, жамиятдан ажралиб қолиш, хунук бўлиб қолиш, таълим олиш, маслаҳат олиш, бошқариш қобилиятини йўқотиш, руҳий азоблар ва бошқа барча номоддий йўқотишлар учун етказилган зиённи ўз ичига оладиган зарардир.

23 бўлим бандларида тан жароҳатидан келиб чиқадиган барча фуқаролик ишларида ноиқтисодий зарарнинг миқдори 350 000 (уч юз эллик минг) АҚШ долларидан ошиб кетмаслиги лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Аммо жавобгарнинг даъвогарга нисбатан ҳаракати ёки ҳаракатсизлигида бошқаларнинг ҳуқуқларини бепарволик билан менсимаслик, кўпол эҳтиётсизлик, фирибгарлик, ҳамда қасддан ёки ёмон ният билан содир этилганлиги фактлари судья ва ҳакамлар хайъати томонидан аниқ далиллар билан исботланса, унда бундай ноиқтисодий зарарлар учун ҳам чекловлар белгиланмайдиган.

Тан жароҳати туфайли шахсга етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги ҳар қандай фуқаролик даъвосида ҳакамлар хайъати талаб қилинадиган фактлардан ҳулосалар

чиқаргандан сўнг, судья даъвогарнинг фойдасига ушбу иқтисодий зарарларни, ноиқтисодий зарарларни қоплаш тўғрисида қарор чиқаради.

Тан жароҳати туфайли шахсга етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги ҳар қандай фуқаролик даъво ишларида белгиланган ноиқтисодий зарарларни қоплашдаги чекловлар ҳақида хайъат аъзолари буйруқ олишлари ёки судда қатнашаётган адвокатлар ва бошқа тарафлар томонидан хабардор қилинишлари мумкин эмас.

Флорида штатининг 2024 йилги Қонунлар жамланмаси (Statute) 768.77 қисми охириги муфассал ҳулоса (Itemized verdict) деб номланиб унга кўра, судья жавобгарлик мавжуд бўлган ҳолатда даъвогарга етказилган зарарни деталларга ажратган ҳолда чуқур ўрганиб, даъвогарга тегиши керак бўлган иқтисодий (моддий) йўқотишлар ва иқтисодий бўлмаган (номоддий) йўқотишлар учун компенсация суммасини, агар мавжуд бўлса, даъвогар фойдасига ундириладиган жаримавий зарарларни қўшган ҳолда аниқлайди.

Деликт ёки шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган врачларнинг бепарволиги туфайли етказилган тан жароҳати ёки ўлим ҳолати бўйича зарарни ундиришга оид барча даъво ишларида судья даъвогарга тегиши керак бўлган суммани даъвогарга компенсация тўлаш учун мўлжалланган суммалар ва белгиланган бўлса, даъвогарга жарима тўлови учун тайинланган суммалар мезонларидан келиб чиқиб аниқлайди. Бунда даъвогарга компенсация тўлаш учун мўлжалланган суммалар йўқотилган иқтисодий зарар, ҳамда келажакдаги иқтисодий йўқотишлар, жорий қийматга камайтирилмаган, шунингдек тўлов мўлжалланган йиллар сони ёки унинг бир қисмидан иборат бўлади. Шунингдек, ноиқтисодий зиён учун компенсация миқдорини аниқлашда ўтган ва келажакдаги иқтисодий бўлмаган йўқотишлар, тўлов учун мўлжалланган йиллар сони ёки унинг бир қисми ҳам кўшиб ҳисобланади.

2009 йил 27 июлдан амалга киритилган Иллинойс штати Қонунлар тўпламининг (Illinois Compiled Statutes) 8 боби 705 бўлимига кўра, даъвогар бўйича судлар штатнинг қамоқхоналарида адолатсиз сақланганлиги учун тақдим қилинган барча даъвогарни кўриб чиқиш ва қарорлар чиқаришда мутлақ ваколатга эга ҳисобланади. Бунда шахсга Худудий суд томонидан жиноят содир этишда айбсизлик гувоҳномаси ҳамда штат губернатори томонидан авф тақдим қилиниши керак. Шундан сўнг оқланган шахсда компенсация ундириш ҳуқуқи пайдо бўлади, лекин суд белгиланган компенсация миқдори: беш йил ва ундан кам озодлиқдан

махрум қилинганларга – 85 350 АҚШ долларида; беш йилдан кўп лекин ўн тўрт йилгача озодликдан махрум қилинганларга – 170 000 АҚШ долларида; ўн йилдан ортиқ озодликдан махрум қилинганларга – 199 150 АҚШ долларида ортиқ бўлмаслиги лозим, шунингдек суд компенсация миқдорининг 25 фоизигача бўлган адвокатларнинг гонорарлари учун ҳақни ҳам ундириб беради. Бундан ташқари, суд ҳар йили АҚШ Меҳнат вазирлиги томонидан ўтган календарь йил учун барча шаҳар истеъмолчиларига истеъмол нархлари индексини инобатга олиб, лекин йиллик ўсишнинг 5 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда, мазкур максимал суммани мослаштириб боради. Агар истеъмол нархлари календарь йилда пасайиши кузатилса, унда суд компенсация миқдорини эски ҳолича қолдиради.

АҚШ қонунчилигида маънавий зиён ноиқтисодий зарарлар таркибига киритилиб, маънавий зарар термини ўрнига айна "рухий зиён" (psychological damage) термини ишлатилади.

Ўзбекистон қонунчилигида Маънавий зарарни белгилаш ва қоплаш ҳақидаги барча даъволар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 1021-1022 моддаларига асосланиб ҳал қилинса, АҚШ қонунчилиги бўйича эса ҳар бир ҳолат юзасидан алоҳида-алоҳида тартибга солинган қонунлар ва суд прецедентлари мавжуд.

АҚШда маънавий зиён компенсацияси миқдорининг максимал миқдори чегаралаб қўйилган, чегара белгиланмаган ҳолатлар ҳам мавжуд бўлсада, улар ҳам суд прецедентлари асосида тартибга солиб борилади. Хўш, қонунлардаги ушбу миқдорларни аниқлаш қандай амалга оширилади, деган савол туғилади. АҚШда маънавий зиён учун компенсация миқдорини белгилашнинг ўзига хос услублари бор. Мисол учун Джорджия, Алабама ва Колумбия округларида оғриқ ва азоблар учун компенсация миқдори икки хил усулда ҳисоблаб чиқарилади:

1. Кундалик тариф усули.

Кундалик тариф усули кунлик пул миқдорини белгилашга асосланади ва кейин бу миқдор жабрланувчининг оғриқ ва азоб чеккан кунлар сонига кўпайтирилади. Кунлик тариф жабрланувчининг ҳақиқий кунлик маошидан келиб чиқади. Мисол учун жабрланувчи бахтсиз ҳодисага қадар кунига 200 АҚШ доллари миқдорида пул ишлаб топган, лекин оғриқ ва азоблар туфайли ҳозирда ушбу суммани топа олмаётган бўлса ҳамда ушбу ҳолат 100 кундан бери давом этаётган бўлса, у $100 \times 200 = 20\,000$ АҚШ доллари ҳисобида компенсация пули олишга ҳақли бўлади.

2. Кўпайтирувчи усули.

Оғриқ ва азоб-уқубатларни аниқлашнинг яна бир ва одатда кенг тарқалган усули бу жабрланувчига зарарни аниқлашда "кўпайтирувчи" тайинлаш ва кейин ушбу суммани иқтисодий кўрилган зарарга кўпайтиришдир. Кўпайтирувчи, одатда, 1,5 дан 5 гача бўлади. Бунда 5 шкаласи фақат жуда жиддий зарарлар учун ажратилади. Бу усулни қўллаган ҳолда, 2 (икки) кўпайтирувчи тайинланган ва 300 000 АҚШ доллари миқдоридаги иқтисодий зарарга учраган жабрланувчи 600 000 (2 x 300 000) АҚШ доллари миқдорида оғриқ ва азоблар учун компенсация олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Кўпайтирувчи вазиятга қараб ўзгариб туришини инобатга олсак, ушбу усул қўлланилишида олинган жароҳатнинг оғирлиги, соғайишнинг давомийлиги, жароҳатларнинг кундалик ҳаётга таъсири ва бошқа томон жавобгарлигининг аниқлиги каби ҳолатлар ҳисобга олинади..

Тузатишлар оғриқ ва азоб уқубатлар даъволарда муҳим роль ўйнайди ҳамда кўпайтирувчига, кунлик тарифга ёки бошқа ҳисоб-китобларга таъсир қилиши мумкин. Даъво қийматининг ошиши ёки камайишига бир қанча омиллар ёрдам бериши мумкин, жумладан:

- бахтсиз ҳодисанинг оқибатлари, масалан, ноғиронлик ёки жароҳатлар;
- қайта тикланиш даврининг давомийлиги;
- жабрланувчининг арзлари, жароҳат ва ташхиснинг мослиги;
- даъвогарнинг ишончлилиги ва ўзига ишонтира олиши;
- судланганликнинг ва муносиб тиббий ёрдамнинг мавжудлиги.

АҚШда маънавий зиён компенсациясини ҳар бир штат ўз конституцияси, штат қонунларида белгилаб қўйилган компенсация миқдори ва миқдор белгиланмаган ишлар бўйича штатдаги суд амалиётидан келиб чиқиб аниқлайди. Судда барча далиллар ўрганиб чиқилади, гувоҳлар чақирилади, мутахассислар жалб қилинади, тарафларнинг иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлари текширилади, мазкур ҳодиса жабрланувчига бугунги кунга қадар қанча зарар келтирганлиги ва келажақда қанча иқтисодий ва ноиқтисодий зарар келтириши ҳисоб китоб қилинади.

Маънавий зиён учун компенсация ундириш амалиёти АҚШда қарийиб тўрт асрдан бери шаклланиб, ҳозирги кунда ўзининг юридик ечимини топган масалалардан биридир. Бизнинг мамлакатимиз ҳуқуқ тизимига эса бу соҳа эндигина кириб келмоқда. Инсон қадрини улуғлаш, унинг ғайриҳуқуқий ҳаракатлар оқибатида чеккан азобларини қоплаш, унда яна яшашга бўлган қизиқишни, адолатга, давлатга бўлган ишончини уйғотишининг ягона йўли бу – адолатли компенсация миқдорини белгилашдан иборатдир. Бу борада хорижий мамлакатлар, хусусан АҚШ қонунчилигини, амалиётини ўрганиш, ушбу амалиётни мамлакатимиз қонунчилигига имплементация қилиш маънавий зиён компенсацияси миқдорини аниқлашдаги муаммоларга ажойиб ечим бўлади.

Лола САИДОВА,

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети мустақил изланувчиси, PhD.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Оклахома штати 2023 йилги Қонунлар жамланмаси (Statute) 23-61.2 боби 23 бўлими.
2. АҚШ Флорида штатининг 2024 йилги Қонунлар жамланмаси (Statute) 768.77 қисми.
3. АҚШ Иллинойс штати Қонунлар тўпламининг (Illinois Compiled Statutes) 8 боби 705 бўлими.
4. © 2011– 2024 Apolinsky & Associates, LLC; стив@aa-legal.com
5. Оғриқ ва азоблар учун етказилган зарарни қандай ҳисоблаш мумкин. Roden Law 11 июль 2023 й. «Жароҳат» бўлимида. 10 сентябрь 2024 йилда янгиланган. © 2024 Roden Love LLC.



СУД ФАХРИЙСИ ИСМАТУЛЛА ҲАМИДОВИЧ МАМАНОВ ҚУТЛУҒ 70 ЁШДА!



*Самарқандим саховатинг,
Саболардин сўрайму?
Сихатинг сирларини,
Синологдин сўрайму?...*

Самарқанд ҳақида гап кетар экан, бевосита унинг гўзал масканларидан бири Хатирчи ҳам эсга тушади. Зеро, Хатирчи заминидан мамлакатимиз илму фанига ҳисса қўшган ва қўшиб келаётган кўплаб олиму уламолар, фозилу фузалолар, сиёсатчи ва давлат арбоблари билан бир қаторда суд-ҳуқуқ соҳасининг фидоийлари ҳам етишиб чиққан.

Ўтган асрнинг олтинчи йилларида, аниқроғи, 1955 йил 10 март куни Самарқанд вилояти Хатирчи туманидаги Тасмачи қишлоғида таваллуд топган ана шундай суд фахрийларидан бири – таниқли ҳуқуқшунос олим Исматулла Ҳамидович Мамановдир. Бу инсоннинг ҳаёт йўли ҳамиша шогирдларига, қолаверса, ёшлар учун намуна мактаби бўлиб келмоқда. Зеро, Исматулла ака нафақат ўзининг олдида қўйган мақсадлари йўлида интилиб яшаб келаётган республикаимизда таниқли ҳуқуқшунос олим, балки ҳалол ва намунали меҳнат фаолиятини амалга оширган суд фахрийси, садоқатли дўст ва меҳрибон оила посбони ҳамдир. Фикримизни Исматулла ака босиб ўтган ҳаёт йўлига муурожаат қилиш билан давом эттирамиз. Исматулла Маманов Хатирчи туманидаги А.Икромов номли жамоа ҳўжалиги ишчиси (1973-1974 йй), ҳарбий хизмат (1974-1976 йй), СамДУ юридик факультети талабаси (1976-1981 йй), СамДУ ўқитувчиси (1981-1987 йй), Тошкент давлат университети аспиранти (1987-1990 йй), Тошкент давлат юридик институти ўқитувчиси (1991-1993 йй), Тошкент юридик коллежи директори (1993-1995 йй), Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида бўлим ва бошқарма бошлиғи (1995-1999 йй), Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази директорининг биринчи ўринбосари (1999-2002 йй), Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми котибиятининг бошлиғи (2002-2004 йй), Тошкент вилоят судининг судьяси (2004-2020 йй) каби лавозимларда амалга оширган серқирра ва машаққатли, айна бир пайтда, мазмунли ва шарафли меҳнат фаолиятига эга.

Шу ўринда Исматулла аканинг туғилиб ўсган қишлоғи – Тасмачи ҳақида икки оғиз сўз. Қадимда Хатирчи устига бир томондан ёв бостириб келганида, бутун халқ ёвга қарши қўлларига тўқмоқ, калтак, камон олиб чиққан. Душман билан юзма-юз жангда бир паҳлавон йигит алоҳида мардлик ва жасорат кўрсатиб жанг қилиб, ғалабага эришган. Шунда ўша даврдаги Хатирчи беги ва ҳокими паҳлавон йигитни қақриб, тила тилагинини деганида, у йигит “менга бир ҳўкиз терисича ер берсангиз” деб илтимос қилган. Бутун халқ ҳам унинг тилагини маъқуллаб, “ер беринглар”, дея хитоб қилган. Шундан сўнг паҳлавон йигит ҳўкиз терисини олиб тасма қилиб кеса бошлаган ва ҳўкиз териси бизнинг қаҳрамонимиз Исматулла ака туғилган жойга келганда тугаган. Шу-шу ўша жой “тасма учи”, кейинчалик эса, “тасмачи” деб номланиб, қишлоқ номи шу тариқа пайдо бўлган. Энг муҳими, Хатирчи беги ва ҳокими ҳам мардлик қилиб, ҳар йили шу қишлоқ ерларидан олинган солиқларни паҳлавон йигитга тўлаб берган. Демокчимизки, Хатирчининг Тасмачи қишлоғи-

да умргузаронлик қилиб келаётган инсонлардаги мардлик ва меҳнатсеварлик фазилатлари аждодлардан қолган меросдир. Шу сабабли, Исматулла акадаги меҳнатсеварлик, самимийлик, камтарлик ва оқибатлилик каби фазилатларнинг шаклланишида бевосита Тасмачи қишлоғида, қолаверса, унинг оиласида ҳукм сурган маънавий муҳитнинг таъсири сезилиб туради. Чунки, ўтган асрнинг етмишинчи йилларида Исматулла ака эндигина ўн беш ёшга тўлаётган даврларда падарибузруквори Абдуҳамид отанинг (Аллоҳ раҳмат қилсин) хонадонига устозлари, яқин дўсту биродарлари, шогирдлари, қўйингки, ўша даврдаги дин пешволари бўлмиш имомлар, қорилар, ҳожилар тез-тез меҳмон бўлиб туришган. Жумладан, бухоролик Мухторжон қори Абдуллаев, андижонлик Абдурашид қори Баҳромов, иштихонлик Усмонхон қори Алимов, самарқандлик Мустафо Ҳожи Маликзода, шунингдек, бирга ўниб ўсган ва битта устоздан диний сабоқ олган қадрдонлари – Маҳмадийер Яхшиликков, Холмурод Қаҳҳоровлар ташриф буюриб, Қуръони Каримни қироат билан ўқиб хатм қилишган, Пайғамбаримиз Расулulloх (С.А.В.) ҳамда саҳобалар ҳаётлари ва васиятлари бўйича ёзилган асарлар, саҳиҳ ҳадисларни тўплаш билан боғлиқ тарихий ҳақиқатлар юзасидан самимий баҳс-мунозаралар қилишган. Хусусан, Исматулла аканинг падарибузруквори мулла Абдуҳамид отадан Облақул Ҳожи Умаров, Қозоқбой Ҳожи Ўрозов, Эшим Нурқувватов, Алим Алланазаров, Элмурод Бердонов, Боймурод Мирзақобилов, Абдуҳат Тожиев, Эшмон Фозилов, Парда Ўринов, Насриддин Ҳожи Низомов, Маҳмуд Қаршиев, Абдурахим Ҳожи Икромов, Баҳром Ҳожи Ёркулов ва бошқа кўплаб тақводор инсонларнинг диний сабоқ олганликлари бўлажак ҳуқуқшунос олим Исматулла аканинг илм олишга бўлган хоҳиш-истагини рағбатлантириб, унинг ёш қалбида ҳалоллик, поклик ва адолат туйғулари куртак отишига мустаҳкам замин яратган бўлиши табиий.

Бу йил айна гўзаллик фасли бўлмиш баҳорнинг илк кунларида самимий ва камтарин инсон, ҳуқуқшунос олим ва суд фахрийси Исматулла Ҳамидович Маманов нафақат ўзининг қутлуғ 70 ёшини қарши олмақда, балки келажақда саксондан сакраб, тўқсон билан дадил тўқнашиш ва юз билан ўйнаб-қулиб юзлашиш учун белини маҳкам боғлашга шайланиб турибди. Шу муносабат билан қадрдон дўстимиз ва устозимизни қутлуғ ёшлари билан самимий табриклаб, у кишига мустаҳкам соғлиқ, тинчлик-хотиржамлик ва оилавий бахт-саодат тилаймиз.

Бир гуруҳ дўстлари ва шогирдлари номидан

Холмурод ИСАНОВ,
юридик фанлар доктори.

ИЛМИ ВА АМАЛИ БИР ИНСОН

Халқимизда “Илм билан шуғулланиш, игна билан қудуқ қазिशдир” деган мақол бор. Бунда илм заҳматининг нақадар қийин, мураккаблиги шунчалик ўз ифодасини топганки, уни бундан ортиқ ифодалашнинг имкони бўлмаса керак. Агар инсон ўша илмлари қаторида амалиётни ҳам бирга олиб борса, назарий билимларини амалиётда қўллаб шогирдлар билан баҳам кўрса бу хизмат икки баробар таҳсинга лойиқ. Ҳар бир инсоннинг юқори мартабаю мансабга эга бўлиши замирида устознинг заҳмати беқиёсдир. Ҳеч ким ўз-ўзидан олим бўлиб қолмайди. Бежизга илм ўрганишни игна билан қудуқ қазिशга менгзамайдилар. Бу эса толибу илмдан ирода, қатъият, ғайрат шижоат талаб қилса устоздан меҳр, талабчанлик ва тоғдек сабр-бардош талаб қилади. Бу фазилатларга эга бўлган зотлар, яъни устозлар яратганнинг олдидан ҳам буюк даражаларга эга бўладилар.

Бугун муборак 60 ёшни қаршилаётган ана шундай инсонлардан бири Собир Боратович Холбаевдир.

Инсоннинг инсонийлигини англатадиган, билдирадиган томонлари борки, унинг номини фазилат дейдилар. Халқ нақлида “Яхши фазилат инсонга зийнат” деб зикр қилинганидек, инсонийлик фазилатлари унинг соҳибларига улуғлик ато этади. Улуғликни эса мерос қилиб бўлмайди. Унга фақат умр бўйи ҳалол, фидокорона меҳнат қилиб, ёниб яшаган кишиларгина эришади.

Собир Боратович ҳам мана шундай инсонлардан ҳисобланади. У киши ҳуқуқшунослик соҳасида, айниқса, суд-ҳуқуқ тизимида узоқ йиллар ҳалол ва фидокорона меҳнат қилиб, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида муносиб ҳисса қўшган. Меҳнат фаолияти давомида Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг судьяси, раиснинг биринчи ўринбосари, Бухоро вилояти ҳўжалик суди раиси, Адлия вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раисининг ўринбосари, БМТ Тараққиёт дастурининг Олий суд билан ҳамкорликдаги қўшма лойиҳасининг компонент раҳбари каби масъул лавозимларда ишлаган даврларида нафақат суд ишларини адолатли ва самарали ташкил этиш, балки судлар фаолиятини рақамлаштириш ва замонавий ахборот технологияларини жорий этишга ҳам алоҳида алоҳида эътибор қаратди. Бугунги кунда суд ишларини рақамлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар, эришилаётган муваффақиятлар ўша даврларда пойдевори қўйилган ташаббусларнинг мантикий давомидир.

Шунингдек, Собир Холбаев Адлия вазирининг ўринбосари сифатида фаолият олиб борган пайтларда ҳам юртимизда ҳуқуқий ислохотларни амалга ошириш, қонунчиликни такомиллаштириш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ривожлантириш йўлида самарали меҳнат қилди.

Бугун 60 ёшлик довонни қаршилаётган Собир Боратович нафақат тажрибали ҳуқуқшунос, балки ёш кадрларни тайёрлаш, судьяларнинг малакасини оширишда улкан ҳисса қўшиб келаётган устоз ва маърифатпарвар олимлардандир. У киши раҳбарлиги остида тайёрланган кўплаб ўқув ва амалий қўлланмалар бугунги кунда тингловчилар ва судьялар учун муҳим манба сифатида кенг қўлланиб келинмоқда. Бундай фидойилик ва илмга бўлган меҳр барча учун ибрат намунасидир.



Жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда одил судловни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун эса ҳар томонлама етук, малакали судьяларга эҳтиёж катта. Шу маънода Судьялар олий мактаби фаолиятида Собир Холбаевнинг муносиб ўрни бор. Чунки Судьялар олий мактаби ўз фаолиятини йўлга қўйган илк кунларданоқ у киши ушбу даргоҳда самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Ҳозирги кунда Судьялар олий мактабининг “Иқтисодий ҳуқуқ” кафедраси мудири сифатида ҳам катта илмий ва педагогик фаолият олиб бормоқда ва мамлакатимизда одил судловни таъминлашда муҳим омил бўлган малакали судьялар корпусини шакллантиришда жонбозлик кўрсатмоқда.

Яна шуни эътироф этиш лозимки, педагог сифатида ҳам Собир Боратович катта маҳорат эгасидир. У кишининг маърузалари ва амалий машғулотлари ҳар доим қизиқарли, тушунарли ва ҳаётий мисолларга бой бўлиб, тингловчилар учун йўл-йўриқ вазифасини ўтайди. Бу эса мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасида муҳим бўлган саналган мустаҳкам, иродали ва ишончли судьялар корпусининг шаклланишида алоҳида аҳамият касб этади.

Илҳом НАСРИЕВ,
юридик фанлар доктори.



АСОССИЗ ДАЪВОДАН МУҲОФАЗА – ТАДБИРКОР ҲИМОЯСИ УЧУН ЗАРУР АМАЛИЁТ

Тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоя қилиниши, жумладан давлат органининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)дан уларни самарали ҳимоя қилиш мамлакатимиздаги энг долзарб масалалардан биридир.

Судлар фаолиятида ҳам тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари учун ҳуқуқ ва кафолатларни қонуний ҳимоя қилиш нормаларини қўллашни кучайтириш, бу борада хусусий мулкдорларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда суд органлари ролини ошириш, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик ва молиявий фаолиятига ноқонуний аралашуви учун жавобгарлигини кучайтириш масалалари биринчи даражали аҳамиятта эга бўлган вазифа сифатида белгилаб олинган.

Мавзуни Заңгиота туманлараро иқтисодий судида қўрилган бир иш мисолида давом эттирсам.

Солиқ органи судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, масъулияти чекланган жамиятидан 530 000 000 сўм ҳисобга олинган қўшилган қиймат солиғи суммасини ундиришни сўраган.

Аниқланишича, солиқ органининг буйруғига асосан “Солиқ хавфини таҳлил қилиш тизими” асосида тоифаларга ажратилган маълумотларга таяниб, масъулияти чекланган жамиятининг 2020 йилнинг июль-декабрь ойларидаги фаолиятида қўшилган қиймат солиғи, 2022 йилнинг январь-декабрь ойларидаги фаолиятида жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ, 2022 йилдан 2023 йилнинг октябрь ойига қадар бўлган фаолиятида қўшилган қиймат солиғининг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва бюджетга тўлиниши камерал солиқ текширувидан ўтказилган.

Текширишда солиқ тўламаслик хавфи юқори бўлган ва кейинчалик Давлат солиқ қўмитаси томонидан қўшилган қиймат солиғи тўловчиси махсус гувоҳномаси бекор қилинган учта корхона билан тузилган битимлар асосида шубҳали молиявий операциялар амалга оширилганлиги ҳамда қонунга зид равишда расмийлаштириб берилган ҳисобварақ-фактуралар жавобгарнинг солиқ ҳисоботида акс эттирилганлиги натижасида жами 530 000 000 сўм қўшилган қиймат солиғи асоссиз ҳисобга олинганлиги аниқланган.

Текширув натижасига кўра, масъулияти чекланган жамиятининг шахсий кабинети орқали 530 000 000 сўм қўшилган қиймат солиғининг фарқ суммасига солиқ ҳисоботларига тузатиш киритиш ҳақида талабнома юборилган, аммо масъулияти чекланган жамияти талабномада кўрсатилган муддат давомида солиқ ҳисоботларига тузатиш киритмаган ёки ушбу фарқ суммасини инкор қилувчи асословчи ҳужжатларни тақдим этмаган, у аниқланган ҳуқуқни суистеъмол қилиш ва битим қалбакилиги ҳолати ҳамда унинг оқибатларини қўллашга (солиқ қарзига) хат билан эътироз билдирган.

Ишни кўриш жараёнида маълум бўлишича, солиқ органининг тегишли буйруғига асосан жавобгарнинг 2020 йилдаги молиявий-ҳўжалик фаолиятида солиқ қонунчилигига риоя этилиши ва назорати солиқ органларига юклатилган Ҳукумат қарорларининг бажарилиши юзасидан 2021 йил 28 октябрдан 2021 йилнинг 9 декабрига қадар солиқ аудити ўтказилиб, натижаси юзасидан 2021 йил 9 декабрда далолатнома расмийлаштирилган.

Маъмур далолатнома солиқ органи томонидан кўриб чиқилиб, 2022 йил 6 январда у юзасидан қарор қабул қилиниб, жавобгарга нисбатан унинг контрагентлари бўлган 5 та корхоналарга товар-моддий бойликлар берилганлиги тўғрисида электрон ҳисобварақ-фактуралар расмийлаштирилганлиги, бироқ контрагентлар томонидан қўшилган қиймат солиғи тўланмаганлиги, контрагентларнинг қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатидаги гувоҳномаси бекор қилинганлиги, товарлар кирим қилинмагани сабабли Солиқ кодексининг 14-, 15- ҳамда 266-моддаларига асосан қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисобланган. Ушбу қарор жавобгарнинг шикоятига асосан Ўзбекистон

Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан қайта кўриб чиқилиб, у ўз кучида қолдирилган. Шундан сўнг, жавобгар солиқ органларининг юқоридаги қарорларни ҳақиқий эмас деб топишни сўраб маъмурий судга мурожаат этган, маъмурий суднинг 2022 йил 2 мартдаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган. Ҳал қилув қарорининг қонунийлигига юқори инстанция судлари томонидан ҳуқуқий баҳо берилиб, у ўз кучида қолдирилган.

Заңгиота туманлараро иқтисодий судига даъвои тақдим этиш учун асос бўлган камерал солиқ текширувида эса суд қарорлари билан ҳақиқий эмас деб топилган аудит текшируви натижалари юзасидан қабул қилинган қарорларда аниқланган ҳолатлар натижасида жами 530 000 000 сўм қўшилган қиймат солиғи асоссиз ҳисобга олинганлиги аниқланганлиги баён этилган, ҳолбуки жавобгарнинг юқорида қайд этилган контрагентлари билан тузилган шартномаларга оид муносабатларига маъмурий суд томонидан тўлиқ баҳо берилган, ушбу суд ҳужжатлари қонуний кучда.

Бундан ташқари, жавобгарнинг 2020 йилдаги молиявий-ҳўжалик фаолияти юзасидан аудит текшируви ва айнан ўша давр учун камерал текшируви ўтказилган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги 489-сонли қарори билан тасдиқланган “Қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 18-бандига мувофиқ қопланиши назарда тутилган солиқ суммасининг асосланганлиги юзасидан солиқ органи камерал солиқ текширувини ўтказди. Камерал солиқ текшируви солиқ органининг текширув ўтказиш тўғрисидаги буйруғисиз амалга оширилади.

Бунда аризада кўрсатиб ўтилган солиқ даври бўйича қўшилган қиймат солиғининг тўғри ҳисобланиши юзасидан аввал солиқ аудити ўтказилган бўлса, қопланиши назарда тутилган солиқ суммасининг асосланганлиги юзасидан камерал солиқ текшируви ўтказилмайди.

Маълумки, суд далилларга ишнинг барча ҳолатларини жамлаб, уларни суд мажлисида қонунга амал қилган ҳолда ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолис кўриб чиқишга асосланган ўз ички ишончи бўйича баҳо беради.

Суд, ишдаги ҳужжатларни ўрганиб, маъмурий суднинг ҳал қилув қарори бошқа ишни кўраётган иқтисодий суд учун маъмурий суднинг ҳал қилув қарорида аниқланган ва ишда иштирок этувчи шахсларга тааллуқли бўлган ҳолатларга доир масалалар бўйича мажбурий эканлиги, шунингдек солиқ даври бўйича қўшилган қиймат солиғининг тўғри ҳисобланиши юзасидан аввал аудит текшируви ўтказилган бўлса-да, қопланиши назарда тутилган солиқ суммасининг асосланганлиги юзасидан камерал солиқ текшируви ўтказилганлигини инобатга олиб, солиқ суммаси ундириш талабини рад этишни лозим топган.

Шу билан бирга, суд томонидан ишни кўриш жараёнида аниқланган қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги ҳолати юзасидан хусусий ажрим чиқарилиб, у ижро этиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитасига юборилган.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида қабул қилинган бир қатор қонунлар, фармон ва қарорлар тадбиркорлик субъектларига янги имтиёз ҳамда қулайликлар бериш бораберида, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиришда ҳал қилувчи ўрин тутаётгани ҳам айна ҳақиқат.

Қонунга мувофиқ тўғри ва ҳалол ишлаётган тадбиркорлар доим суднинг ҳимоясида бўлиб, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашган, ваколат доирасидан четта чиққан мансабдор шахсларга нисбатан судларнинг таъсири янада кучайиб бораверади.

Сарвар СОЛИЕВ

Заңгиота туманлараро иқтисодий судининг раиси.

КОРПОРАТИВ НИЗОЛАРНИ СУДЛАР ТОМОНИДАН КЎРИБ ЧИҚИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш нафақат тадбиркорлик субъектлари сонини оширишни, балки уларни бошқариш билан боғлиқ корпоратив муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришни ҳам назарда тутди. Корпоратив низолар асосан иштирокчилар ўртасида ёки иштирокчилар билан корпорация бошқарув органлари ўртасида юзага келади ва корпорация фаолиятининг турли жиҳатларига, шу жумладан, стратегик қарорлар қабул қилиш, активларни тақсимлаш, компанияни бошқариш каби муҳим масалаларни ҳал этишга салбий таъсир қилиши мумкин.

Шу нуктаи назардан келиб чиқиб, мамлакатимизда корпоратив муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқларини амалга ошириш ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди, корпоратив низоларни умумий юрисдикция ва иқтисодий судлар томонидан ҳал этиш амалиётида мавжуд бўлган тааллуқлилиқ борасидаги айрим муаммолар бартараф этилди, корпоратив муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш механизми такомиллаштирилди.

“Корпорация” тушунчаси латин тилидан олинган бўлиб, муайян шахсларнинг бирлашмаси, жамият уюшмасини, уларнинг ҳамкорлик қилишини, улар ўртасидаги умумий манфаатлар мавжудлигини билдиради.

Рим ҳуқуқини ўрганаётган олимларнинг изоҳлашича, “корпорация” тушунчаси латинча “corpus habere” бирикмасидан келиб чиққан бўлиб, юридик шахснинг ҳуқуқларини билдиради.

Корпоратив муносабатлар деганда иштирокчилар (акционерлар) билан корпорация раҳбарияти ўртасида, иштирокчилар билан иштирокчилар ўртасида, корпорация ишчилари билан корпорация раҳбарияти ўртасида, корпорация билан давлат, давлат органлари, кредиторлар, ҳамкорлар, бошқа ташкилотлар, фуқаролар ўртасида бўладиган корпорация фаолиятига боғлиқ муносабатлар тушунилади.

Корпоратив низо – бу корпоратив муносабат иштирокчилари, яъни субъектлари ўртасида келиб чиқадиган турли хил зиддиятлар ёки мurosасизликлардир.

Корпоратив низолар билан боғлиқ ишлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юриталади) нинг 30-моддасида келтирилган турлари бўйича ҳакамлик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги ҳакамлик битими мавжуд бўлса, ҳакамлик судлари томонидан кўриб чиқилади, агар юқорида кўрсатилган битим мавжуд бўлмаса, у ҳолда иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилади.

ИПКнинг 30-моддасида корпоратив низоларга оид ишлар белгиланган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- юридик шахсни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ низолар;
- ҳўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) акциялар, улушлар, кооперативлар аъзолари пайларининг мансублиги, уларга юктамалар белгилаш ва улардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ низолар (бундан ҳўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав фондидаги акцияларни, улушларни, кооперативлар аъзоларининг пайларини ўз ичига олувчи мерос мол-мулкни ёки эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган низолар мустасно);
- юридик шахс иштирокчиларининг (муассисларининг, аъзоларининг) юридик шахс томонидан тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ва (ёки) бундай битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш ҳақидаги даъволари бўйича низолар;
- қимматли қўғозлар эмиссияси билан, шу жумладан эмитентнинг бошқарув органлари қарорлари юзасидан низолашиш билан, эмиссиявий қимматли қўғозларни жойлаштириш жараёнида тузилган битимлар, эмиссиявий қимматли қўғозлар чиқариш (қўшимча равишда чиқариш) натижалари бўйича ҳисоботлар (хабарномалар) юзасидан низолашиш билан боғлиқ низолар;
- қимматли қўғозларни номинал сакловчиларнинг акциялар ва бошқа қимматли қўғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш, қонунда назарда ту-

тилган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларни қимматли қўғозларни жойлаштириш ва (ёки) уларнинг муомаласи муносабати билан қимматли қўғозларнинг номинал сакловчилари томонидан амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятдан келиб чиқадиган низолар;

- юридик шахс иштирокчиларининг умумий ййгилишини қақариш тўғрисидаги низолар;

- юридик шахс бошқарув органларининг қарорлари устидан шикоят қилиш тўғрисидаги низолар белгиланган.

Таъкидлаш лозимки, меҳнатга ва меросга оид муносабатлардан келиб чиқадиган низолар корпоратив низо ҳисобланмайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлар билан ўзаро ёки фуқаролар ўртасида юзага келадиган низоларни суд орқали ҳал қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис, корпоратив муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқиш алоҳида ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Жумладан:

биринчидан, иқтисодий судга даъво билан юридик шахслардан ташқари фуқаролар ҳам мурожаат қилишлари мумкин;

иккинчидан, корпоратив низо тарафлари суд буйруғи тартибида ёки ариза билан мурожаат қилишлари мумкин эмас, фақат даъво тартибида мурожаат қилишлари мумкин;

учинчидан, жамиятдан чиқариш талаби билан судга фақат жами улушлари жамият устав фонди (устав капитали)нинг камида ўн фоизини ташкил этадиган жамият иштирокчилари мурожаат қилишлари мумкин.

тўртинчидан, корпоратив низоларнинг айрим турлари учун махсус даъво муддати жорий қилинган;

бешинчидан, корпоратив низолар билан боғлиқ ишлар фақат иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилади;

олтинчидан, корпоратив низолар билан боғлиқ ишлар соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилмайди.

Корпоратив низоларни иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқиши учун низо юридик шахс фаолиятдан келиб чиққан бўлиши талаб этилади.

Шунингдек, юридик шахсни ташкил қилиш билан боғлиқ низоларни корпоратив низолар деб ҳисоблаш учун ташкил этиладиган юридик шахс, яъни корпорация давлат рўйхатидан ўтган бўлиши лозим. Корпорация давлат рўйхатидан ўтмасдан туриб уни таъсис этаётган шахслар ўртасида шу корпорациянинг ташкил этилиши билан боғлиқ низо пайдо бўлса, корпорацияни ташкил этаётган шахслар юридик жиҳатдан таъсисчи мақомини олмангликлари ҳамда шу корпорация ҳам юридик шахс мақомига эга бўлмаганлиги сабабли ушбу низо корпоратив низо ҳисобланмайди ва бу тоифадаги низолар иқтисодий судга тааллуқли бўлмайди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, корпоратив низоларга оид муносабатларнинг салмоғи кенгайиб бораётганлиги ва уларни иқтисодий судлар томонидан ҳал қилишда турли муаммолар юзага келадиганлиги ҳамда қонун нормаларини қўллашда айрим камчиликлар мавжудлиги сабабли корпоратив низоларни ҳал қилишнинг амалдаги тартибини такомиллаштириш ҳамда замонавий ечимларини ишлаб чиқиш бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Хабибулло МАДАТОВ,

Жиззах вилояти Зомин туманлараро иқтисодий судининг раиси.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ КОЛЛИЗИЯЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ҲУҚУҚДАГИ БЎШЛИҚЛАРНИ ТЎЛДИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Қонунчиликдаги коллизияларнинг келиб чиқишига қуйидаги омилларни сабаб сифатида кўрсатиб ўтиш мумкин:

биринчидан, объектив сабаб; яъни ижтимоий муносабатларнинг доимий тарзда ривожланиб ва ўзгариб бориши. Бунда ҳуқуқ ижодкори доим ҳам тегишли ўзгаришларга мос равишда ҳуқуқ нормаларини шакллантириб боришга улгурмайди;

иккинчидан, субъектив сабаб; етарли тарзда ҳуқуқий маданият, демократик анъаналар ва тажрибанинг мавжуд эмаслиги; қонун ва бошқа норматив ҳужжатлар сифат даражасининг пастлиги; ҳуқуқдаги бўшлиқларнинг мавжудлиги; ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнининг лозим даражада мувофиқлашмаганлиги; норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қатъий ва тўлиқ тизимлаштирилмаганлиги; тегишли давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятидаги камчиликлар; бюрократизм ва бошқа омилларнинг юзага келиши.

Ўз ўрнида, қонунчиликдаги коллизиялар ҳуқуқий тизимнинг мўътадил фаолият юритишига ҳалақит бериб, фуқаролар ҳуқуқларининг муайян даражада чекланишига ва ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигининг пасайишига олиб келади ҳамда жамиятда ҳуқуқий тартибот ва қонунийлик, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ҳолатига салбий таъсир ўтказиши. Шу билан бирга, қонунчиликдаги коллизияларнинг мавжудлиги ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳам муайян бўшлиқларни келтириб чиқаради.

Россиялик олим В.В.Лапаеванинг фикрича, “юридик конфликтология доирасида қонунчиликдаги қарама-қаршиликлар юзага келиши ҳамда ривожланишига таъсири икки йўналишда амалга оширилади, яъни конфликтларнинг олдини олиш ҳамда уларни ҳуқуқий восита ва усуллар ёрдамида ҳал қилиш”.

Дарҳақиқат, давлат ижтимоий ҳаётнинг муҳим соҳаларига ҳуқуқий таъсир ўтказиши, яъни ушбу соҳалар доирасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш орқали келиб чиқиши мумкин бўлган зиддиятли ҳолат ва бўшлиқларнинг олдини олади. Бинобарин, конфликтли вазиятларни ҳал этиш ва қонунчиликдаги бўшлиқларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этиш бўйича муайян тажриба асосида ишлаб чиқилган ҳуқуқий нормалар типик ижтимоий конфликтларни ҳал қилишнинг энг оқилона, ҳуқуқий муносабатларнинг барча иштирокчилари манфаатларига жавоб берадиган усулларини ўзида қамраб олган бўлади. Шу жиҳатдан олганда, ижтимоий ҳаётнинг хилма-хил соҳаларидаги хулқ-атвор қоидаларини белгилаб берувчи ҳуқуқий нормалар тизими хулқ-атворнинг конфликтсиз усулларини кўрсатиб беради.

Ҳуқуқни қўллаш соҳасида қонунчиликдаги бўшлиқларнинг мавжудлиги амалиётнинг хилма-хиллигини ёки муайян муносабатни тартибга солишни мураккаблаштиришга олиб келади.

Бундай вазиятларни келтириб чиқарувчи ҳолатларни амалиётда жуда кўплаб кузатиш мумкин.

Хусусан, маъмурий суд амалиётида процессуал ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси билан тартибга солинган бўлиб, ушбу кодексда айрим процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун бўшлиқлар мавжудлигини кўриш мумкин.

Мазкур кодекснинг 99 ва 100-моддаларида суднинг иш юритишни тўхтатиб туриш мажбурияти ва ҳуқуқи асослари келтирилган.

Суд қуйидаги ҳолларда иш юритишни тўхтатиб туриши шарт:

1) мазкур ишни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, фуқаролик ишлари бўйича суд, жиноят ишлари бўйича суд, маъмурий суд ёки иқтисодий суд томонидан кўрилаётган бошқа иш ёки масала юзасидан, шунингдек тергов ҳаракатлари олиб борилаётган иш ёки масала юзасидан қарор қабул қилингунига қадар кўриш мумкин бўлмаганда;

2) ишда иштирок этувчи шахс вафот этганда, агар низоли ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқий ворисликка йўл қўйса;

3) ишда иштирок этувчи шахс муомала лаёқатини йўқотганда.

Суд қуйидаги ҳолларда иш юритишни тўхтатиб туришга ҳақли:

1) суд томонидан экспертиза тайинланганда;

2) ишда иштирок этувчи юридик шахс қайта таъин этилганда;

3) аризада бўлган фуқаро давлат мажбуриятини бажариш учун жалб қилинганда.

Амалиётда эса, суд томонидан иш юритишни тўхтатиб туришга мажбур бўлган ҳолатлар юзага чиқмоқда.

Ушбу кодексда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳолларда, суд алоҳида суд ҳужжати тарзида ажрим чиқаради, мураккаб бўлмаган масалаларда эса, ўз жойида ажрим чиқаради.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 92-моддасида келтирилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, суд дастлабки ҳимоя чораларини кўриши мумкин. Ариза судга шикоят топширишда ёки ишни кўриш жараёнида киритилиши мумкин.

Суд дастлабки ҳимоя чораларини кўриши тўғрисидаги аризани қаноатлантириши ёки рад қилиши мумкин ва ҳар икки ҳолатда ҳам суд ажрими чиқарилади.

Мазкур суд ажрими устидан шикоят қилиниши мумкин бўлиб, амалиётда у ёки бу тараф томонидан ушбу тоифадаги ажримлар устидан шикоят қилиш ҳолатлари кўп учрайди ва иш шикоят билан бирга, юқори инстанцияга юборилади.

Бироқ, юқорида қайд этилганидек, суднинг иш юритишни тўхтатиб туриш мажбурияти ёки ҳуқуқи асосларига бундай ҳолатлар киритилмаган.

Аслида эса, суд бу тоифадаги ажримларга нисбатан шикоят келганида, иш юритувни тўхтатишга мажбур ва суд томонидан қонуний асослар бўлмасада, иш юритишни тўхтатади.

Кўриб турганимиздек, ҳуқуқни қўллаш соҳасида юзага келадиган бу каби бўшлиқлар ҳуқуқни қўллаш амалиётини мураккаблаштиради ва турли ёндашувларни келтириб чиқаради.

Қонунчиликдаги конфликтларни ҳал қилиш ва келиб чиқиши мумкин бўлган бўшлиқларни бартараф этишда қонуншунос муайян усуллардан фойдаланади. Бинобарин, бундай усуллар сифатида уларни бартараф қилиш воситалари, механизмлари, тартиблари тушунилади. Конфликтлар ҳамда бўшлиқларнинг характерига қараб уларни йўқотишга имкон берувчи муайян усул, шакл ёки йўл танланади.

Тегишли адабиётлар ва мавжуд амалиётни таҳлил қилиш орқали қонунчиликдаги коллизиялар ва бўшлиқларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этишнинг қуйидаги усуллари кўрсатиб ўтиш мумкин:

- зиддиятли ҳужжатлар ўрнига янги норматив актни қабул қилиш;
- зиддиятли ҳужжатлардан биттасини бекор қилиш;
- жорий ҳужжатга ўзгартириш ва аниқлик киритиш;
- коллизия норм ва тамойилларни ишлаб чиқиш;
- коллизия ҳолатларда юзага келадиган баҳсларни кўриб чиқишнинг суд тартибини ўрнатиш (Конституциявий, ҳакамлик, ҳўжалик ва бошқа судлар);
- ҳуқуқ нормалари ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиш мақсадида мазкур нормаларнинг суд томонидан шарҳланиши;
- ҳуқуқ нормаларини уйғунлаштириш ва қонунчиликни тизимлаштириш;
- тегишли зиддиятли ҳужжат юзасидан суд ёки маъмурий тартибда шикоят қилиш;
- келишув ва муроасага келтирувчи тартибларни жорий этиш;
- тегишли ҳуқуқ субъектларининг қатъий конституциявий - қонуний ҳамда белгилаб қўйилган ваколатлар доирасида фаолият юритишини таъминлаш;

– қабул қилинаётган ҳужжатларни олдиндан манфаатдор томонлар билан келишиш ва юридик экспертизадан ўтказиш;

– ҳуқуқ ижодкорлиги субъектлари томонидан ўзлари қабул қилган ҳужжатларни вақти-вақти билан инвентаризация қилиб бориш;

– норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг самардорлигини таҳлил қилиб бориш;

– норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қўлланилиши натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган конфликтли ҳолатларни олдиндан кўра олиш кўникмаларини шакллантириш ва бошқалар.

Таъкидлаш жоизки, юқорида кўрсатиб ўтилган юридик механизмлар қонунчиликда юзага келиши мумкин бўлган конфликтларнинг қонуний йўл билан ҳал қилинишига ҳамда шу орқали ундаги бўшлиқларнинг олдини олиш ва бартараф этиш имконини беради.

Қонунчиликдаги конфликтларнинг олдини олиш уларни ҳал қилиш ва тугатишдан кўра фойдалироқ ҳамда мақсадга мувофиқдир. Шу жиҳатдан олганда, мамлакатимизда ҳуқуқий тартиботни таъминлаш ҳамда объектив ва субъектив сабаблар асосида келиб чиқиши мумкин бўлган қонунчиликдаги бўшлиқларнинг олдини олиш кўп жиҳатдан юридик қарама-қаршиликлар билан боғлиқ муаммолар юзасидан чуқур тадқиқотлар олиб бориш ва улар натижасида олинган назарий ишланмаларни амалиётга тадбиқ этишга боғлиқдир.

Маъруф ЭРГАШЕВ,

Тошкент вилояти маъмурий судининг судьяси.

**Дунё дорул-
ҳаводисдур ва
анга кўнгул
боғламоққа
зафлат
боисдур.**

**Алишер
НАВОЙЙ**



АЁЛЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИК ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Мамлакатимиз қонунчилигида хотин-қизларни зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича бир қатор норматив ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, 2019 йил 2 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни асосий норматив ҳужжатлардан бири ҳисобланади ва ушбу Қонуннинг мақсади хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

Унга кўра зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, кадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик) бўлиб у бир неча шакллarda амалга оширилади.

Хусусан, жисмоний зўравонлик хотин-қизларга нисбатан оғирлиги турли даражада бўлган тан жароҳатлари етказиш, хавф остида қолдириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, зўравонлик хусусиятига эга бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этиш, жисмоний таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказишнинг ўзга чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ва эркинликларига тажовуз қиладиган шаклда намоён бўлса, иқтисодий зўравонликда аёлларга нисбатан турмушда, иш ва бошқа жойларда хотин-қизларнинг нормал камол топиш учун озиқ-овқат, уй-жой ҳамда бошқа зарур шарт-шароитлар билан таъминланишга бўлган ҳуқуқини, мулк ҳуқуқини, таълим олиш ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишни чеклашга олиб келадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик)лар тушунилади.

Бундан ташқари мазкур иллатнинг кейинги пайтларда оммалашиб бораётган жинсий, руҳий зўравонлик каби турлари ҳам борки, улар хотин-қизларнинг шаънини, кадр-қимматини камситиш, шунингдек уларнинг хоҳиш-иродасини чеклашга қаратилган бошқа ҳаракатларда ифодаланади.

Яна зўравонликнинг тазйиқ каби тури ҳам борки, унга нисбатан қонунчилигимизда маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган.

Бунда тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазйиқ ўтказётган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан Қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжат “ҳимоя ордери” берилиши ҳам назарда тутилган. Тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахсга ҳимоя ордерининг нусхаси берилади. Ҳимоя ордерини берган ички ишлар органининг мансабдор шахси тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахсни ҳимоя ордерининг шартлари ҳамда уни бажармаслик оқибатлари тўғрисида хабардор қилади.

Қонунда тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи - ўзига нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилиши таҳдиди остида бўлган ёки тазйиқ ва зўравонлик натижасида жабрланган аёл куйидаги ҳуқуқларга эга эканлиги белгиланган:

Ўзига нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилганлиги ёки уларни содир этиш таҳдиди тўғрисидаги ариза билан тегишли ваколатли органларга ҳамда ташкилотларга ёхуд судга мурожаат этиш;

Махсус марказларда, шунингдек бепул телефон линияси орқали текин ҳуқуқий маслаҳат, иқтисодий, ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа ёрдам олиш;

Ички ишлар органларига ҳимоя ордери бериш тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилиш, ҳимоя ордери шартлари бузилган тақдирда эса, уларни бу ҳақда хабардор қилиш;

Содир этилган тазйиқ ва зўравонлик натижасида ўзига етказилган моддий зарарнинг ўрни қоплашиши ҳамда маънавий зиён компенсация қилиниши тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этиш.

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи етказилган моддий зарарнинг ўрни қоплаш ҳамда маънавий зиённи компенсация қилиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этганда давлат божи тўлашдан озод қилинади.

Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 59²-моддаси (оилавий (маиший) зўравонлик) ва 206¹-моддаси (тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талабларини бажармаслик) бўйича махсус норма билан жавобгарлик белгиланган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 59²-моддасига кўра хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзгор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилган мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид ҳуқуқни амалга оширишга тўсқинлик қилиш, мол-мулкига ва шахсий ашёларига қасддан шикаст етказиш, худди шунингдек ушбу шахслар соғлигининг ёмонлашувига олиб келган тарзда уларнинг шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлаш, уларни қўрқитиш, яқин қариндошларидан ажратиш қўйиш; хотинини (эрини), собиқ хотинини (собиқ эрини), бир рўзгор асосида биргаликда яшаётган шахсни ёки болани, шунингдек умумий фарзандга эга бўлган шахсни дўппослаш, ушбу шахсларга соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан баданга енгил шикаст етказиш учун ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоқ жазоси белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 126¹-моддасида ҳам оилавий (маиший) зўравонлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, унда хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзгор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилган мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид ҳуқуқни амалга оширишга тўсқинлик қилиш, мол-мулкига ва шахсий ашёларига қасддан шикаст етказиш, худди шунингдек ушбу шахслар соғлигининг ёмонлашувига олиб келган тарзда уларнинг шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлаш, уларни қўрқитиш, яқин қариндошларидан ажратиш қўйиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, шунингдек башарти бошқа жиноят аломатлари мавжуд бўлмаса, шахсни дўппослаш, ушбу шахсларга соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан баданга енгил шикаст етказиш, ўша ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш, қасддан баданга оғир шикаст етказиш учун жарима, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш жазолари белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, қонунчиликда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари тазйиқ ва зўравонликдан ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш борасидаги ишлар самарали ташкил этилган бўлиб, хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича жавобгарлик асослари тўлиқ белгиланганлигини қайд этиш лозим бўлади.

Шерзод АБДУҚОДИРОВ,

жиноят ишлари бўйича
Бўка туман судининг раиси.

ОИЛА СУДЛАРИ – ЎЗБЕКИСТОНДА ОДИЛ СУДЛОВНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги фармонида мувофиқ, 2024 йил 1 февралдан бошлаб, “оилавий судьялар” институтини яратиш бўйича тажриба лойиҳаси амалга оширила бошланганди. Ушбу ташаббус Самарқанд, Наманган ва Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судларда судьяларнинг оилавий ишларни кўришга ихтисослашувини назарда тутди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда оилавий низолар кўлами кенгаймоқда. Улар фақат ажралиш ва алимент ундириш билан чекланмай, болалар тарбияси, мол-мулкни тақсимлаш ва ота-она ҳуқуқини чеклашга оид масалаларни ҳам қамраб олмоқда. Бундай мураккаб ишларни ҳал қилиш судьялардан нафақат қонунларни яхши билишни, балки оилавий муносабатларнинг психологик ва ижтимоий жиҳатларини тушунишни ҳам талаб этади.

2018 йилда қабул қилинган “Медиация тўғрисида”ги қонун низоларни, шу жумладан оилавий низоларни ҳам, альтернатив йўл билан ҳал қилишнинг муҳим қадами бўлди. Медиация низоларни ҳал қилиш воситаси сифатида тарафларга мустақил равишда келишувга эришиш имкониятини беради ва суд жараёнларининг чўзилишига йўл қўймайди.

Бу айниқса, болалар манфаатлари ва бошқа заиф гуруҳларнинг ҳуқуқлари билан боғлиқ ишларда жуда муҳимдир.

Жаҳон тажрибаси кўрсатмоқдаки, ихтисослаштирилган оилавий судлар ва медиациядан фойдаланиш низоларни ҳал қилиш сифатини сезиларли даражада оширади. Масалан, Германияда оилавий судлар алоҳида бўлинмалар сифатида фаолият кўрсатади ва бу ерда судьялар оилавий ҳуқуқ ва психология соҳасида чуқур тайёргарликдан ўтади. Бу эса низоларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатларини ҳисобга олиш имконини беради.

Канадада оилавий судлар тарафларга нафақат ҳуқуқий ёрдам кўрсатади, балки медиаторлар ва болаларнинг адвокатлари хизматларини ҳам таклиф этади. Бундай ёндашув жараён иштирокчилари, айниқса, болалар учун стрессни энг паст даражага туширишга йўналтирилган.

Япония тажрибаси алоҳида эътиборга лойиқ. У ерда оилавий судлар 1947 йилдан буён фаолият кўрсатиб, юридик ва ижтимоий низоларни ҳал қилиш ваколатига эга. Японияда яраштирув комиссиялари ва психология соҳасидаги мутахассисларнинг иштироки орқали низолар самарали ҳал қилинади ва болалар манфаатлари ҳимоя қилинади.

Ўзбекистондаги янги ёндашувнинг асосий инновацияси “оилавий судьялар” институтининг жорий қилиниши бўлди. Самарқанд, Наманган ва Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро судларида амалга оширилаётган тажриба лойиҳаси доирасида ҳар бир судда икки нафар судья фақат оилавий ишларни кўришга ихтисослашган. Бу эса ҳар бир ишни чуқур ўрганиш, унинг психологик ва ижтимоий жиҳатларини ҳисобга олиш ҳамда низоларни ҳал қилишнинг энг мақбул йўллари ишлаб чиқиш имконини беради.

Бундан ташқари, медиация амалиёти жорий этилмоқда. У тарафларга суд жараёнларини чўзмасдан ке-

лишувга эришиш имкониятини беради. Шунингдек, психологлар ва ижтимоий ходимларнинг иштироки низоларни эрта босқичда таҳлил қилиш ва ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга.

Энг асосий вазифалардан бири малакали мутахассисларни тайёрлашдир. Судьялар, медиаторлар ва ижтимоий ходимлар нафақат ҳуқуқий билимларга, балки психология, конфликтология ва заиф гуруҳлар билан ишлаш кўникмасига ҳам эга бўлиши лозим.

Яна бир муҳим жиҳат инфратузилмани кенгайтиришдир. Медиация марказларини яратиш, мутахассисларни тайёрлаш ва аҳолини хабардор қилиш катта молиявий ва ташкилий манбаларни талаб этади. Бу вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун давлат ва нодавлат ташкилотларнинг фаол иштироки зарурдир.

Ўзбекистонда оилавий низоларни ҳал қилиш тизимини такомиллаштириш учун қуйидаги чораларни амалга ошириш зарур:

судьялар, медиаторлар ва ижтимоий ходимларнинг тайёргарлигини кучайтириш учун мунтазам ўқув курслари ва тренинглар ўтказиш;

“Оилавий судьялар” институтини жорий этиш бўйича тажриба лойиҳасини мамлакатнинг барча ҳудудларида кенгайтириш;

аҳоли ўртасида медиация афзалликлари ҳақида хабардорликни ошириш учун маълумот кампаниялари ва таълим лойиҳаларини ташкил этиш;

аризалар топшириш, медиация ўтказиш ва тарафларни маслаҳатлаш жараёнларини энг юқорида даражада яхшилаш учун замонавий технологияларни жорий этиш;

ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ва оилавий қадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган профилактика дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Хулоса қилиб айтганда, “Оилавий судьялар” институтининг яратилиши Ўзбекистон суд тизимини модернизация қилиш йўлидаги муҳим қадамдир. Янги ташаббус адолат сифатини ошириш, ишларни кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш ва фуқароларнинг суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш имконини беради. Ушбу ёндашув узоқ муддатли истиқболда оила институтини мустаҳкамлаш, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга ҳисса қўшади.

Иброҳим АЛИМОВ,

Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосари, иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъати раиси.

УЙ ҚАМОФИ ЭХТИЁТ ЧОРАСИНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ижтимоий адолатга асосланган Янги Ўзбекистон сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётида улкан ўзгаришлар рўй бераётган тарихий бир шароитда “инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича Асосий қонунимизда муҳрлаб қўйилган устувор тамойилларни ҳаётимизга изчил татбиқ этиш борасида юртимизда кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда”¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг алоҳида иккинчи бўлими “инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари”га бағишланган бўлиб, унинг 19-моддасига мувофиқ: “Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва қоғалатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади.

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар”².

Мамлакатимиз жамоатчилигининг бош мақсадига айланган ҳуқуқий демократик давлат, очик, эркин фуқаролик жамиятининг энг муҳим атрибуту – қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот устулиги моҳиятида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш ётади.

Лекин, фуқаролар ўзларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, шунингдек давлат ва жамиятнинг манфаатларига путур етказмасликлари шарт. Шу маънода қонунийликни таъминлаш, аввало ҳар бир фуқаронинг жамият олдидаги ички бир масъулиятига, белгиланган қонун ва қоидаларга итоат этишига, қатъий тартиб-интизомга амал қилишига чамбарчас боғлиқ эканлигини ҳам унутмаслик жоиз.

Жиноят-процессуал ҳуқуқ назариясига кўра, агар фуқаро жамият ва давлат олдидаги процессуал мажбуриятларини ўз ихтиёри билан бажармаса, бирон-бир ғайриқонуний хатти-ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этса, унинг эркинлигига нисбатан муайян эҳтиёт чораларини қўллаш орқали чеклашга тўғри келади.

Шу ўринда дастлаб юриспруденцияда эҳтиёт чораси тушунчаси ва унинг моҳияти ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш мақсадга мувофиқ. Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида ушбу юридик атамага қуйидагича таъриф берилган:

“ЭХТИЁТ ЧОРАСИ (ҳуқуқда) жиноят қилишда айбланувчи шахсга нисбатан қўлланиладиган процессуал мажбурият чорасидир”³.

“Эҳтиёт чораси айбланувчи, судланувчи суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан бўйин товланишнинг олдини олиш; унинг бундан буёнги жиноий фаолиятининг олдини олиш; унинг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал берадиган уринишларига йўл қўймаслик; ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадида қўлланилади”⁴.

“Моҳиятан, эҳтиёт чоралари – терговчи, прокурор ва суд томонидан айбланувчига нисбатан қўлланиладиган унинг ҳуқуқ ва эркинликларини вақтинча чекловчи чоралар бўлиб, улар дастлабки тергов ва суддан яшириниш, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиш, жиноий фаолиятни давом эттириш имкониятидан маҳрум қилиш, шунингдек ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадида қўлланилади”⁵.

З.Ф. Иноғомжонов ва ҳамда Г.З. Тўлагановларнинг фикрига кўра, “эҳтиёт чоралари – айбланувчига ёки судланувчига мажбурий таъсир кўрсатиш чоралари ҳисобланиб, ўз олдида: 1) дастлабки терговдан ва

суддан бўйин товлash; 2) келгусида содир этиши эҳтимол бўлган жиноий фаолиятининг олдини олиш; 3) иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал берадиган уринишларига йўл қўймаслик; 4) ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадларини қўяди”⁶.

Ҳуқуқшунос олимларимизнинг юқорида келтириб ўтилган хулосаларини умумлаштириб айтидиган бўлсак, эҳтиёт чоралари – жиноят-процессуал назариясидаги ниҳоятда муҳим тушунча бўлиб, мажбурият чорасининг алоҳида таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу институтнинг қонуний қўлланилиши ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилиб, фуқароларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (мансабдор шахсларнинг ҳаракатсизликлари)га йўл қўймасликка хизмат қилиш баробарида жиноятчиликка қарши курашнинг самарали ташкил этилишига муносиб шароит яратади.

Миллий қонунчиликка биноан, “эҳтиёт чораларига қуйидагилар кириди: муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат; шахсий кафиллик, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги; гаров; уй қамоғи; қамоққа олиш; вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш; ҳарбий хизматчининг ҳулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатуви. Бир шахсга нисбатан бир вақтнинг ўзида ана шу чоралардан фақат биттаси қўлланилишига йўл қўйилади”⁷.

Эҳтиёт чораларининг ҳар бир тури алоҳида хусусиятга эга бўлиб, айбланувчига нисбатан уларни танлашда ва қўллашда ҳисобга олинadиган ўта муҳим бир жиҳат борки, бу бевосита айбланувчининг субъектив ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқдир. Эҳтиёт чорасини қўллаш ваколатига эга ва бу муҳим жараёнда иштирок этадиган субъектлар (терговга қадар текширув органлари, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судья)га жуда катта масъулият юкланади.

Ўзбекистон қонунчилигига кўра бошқа эҳтиёт чораларига нисбатан янги институт сифатида шаклланган ва эҳтиёт чораларининг турлари орасида алоҳида хусусиятларга эга бўлган **уй қамоғи** жиноий жазоларни либераллаштириш, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни такомиллаштириш тенденциялари кучайиб бориши шароитида вужудга келди.

Уй қамоғи эҳтиёт чораси миллий қонунчилигимизга илк бор 2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги”



қонуни⁸ билан Жиноят-процессуал кодексига киритилди. Хусусан, мазкур кодексдаги "Эҳтиёт чораларининг турлари" деб номланган 237-моддага эҳтиёт чорасининг янги тури сифатида "уй қamoғи" ҳам қўшилди.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига киритилган янги 242¹-моддага асосан, уй қamoғи гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига нисбатан қamoққа олиш тарзида эҳтиёт чорасини танлаш учун асослар мавжуд бўлганида унинг ёши, соғлиги ҳолати, oilaviy аҳоли ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда қamoққа олиш номувофиқ деб топилган тақдирда қўлланилиши⁹ белгиланди.

Уй қamoғи бошқаларига нисбатан енгилроқ эҳтиёт чораси бўлиб, айбланаётган фуқарони қamoққа олмасдан, ўзининг уйда жамиятдан қисман ажратиб, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари муайян даражада чекланган ҳолда сақланади.

Ҳуқуқшунос олима Г.Тулаганованинг хулосасига кўра, "уй қamoғи"ни танлаш ва қўллаш ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари учун анча ноқулайликлар туғдиради, уларнинг зиммасига қўшимча вазифа ва ташвиш-тарaddудлар юклайди. Жумладан, бу эҳтиёт чораси қўлланган айбланувчини ва у истиқомат қилаётган – қamoқда сақланаётган уйни эртаю-кеч кузатиш, у жойда айбланувчи билан бирга яшаётганлар ва келиб-кетувчиларнинг ҳулқ-атворидан воқиф бўлиш зарурияти туғилади. Уй қamoғидаги шахс ҳеч қаерга чиқиб кетмаслигини, бошқалар билан аҳборот алмашуви ва мулоқотлари жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмаслигини кафолатлаш анча мушкул. Шу сабабли уй қamoғи расмий қamoққа нисбатан жуда кам ҳолларда қўлланади.¹⁰

Г.Тулаганованинг ушбу хулосаси бугунги ахборот-коммуникация технологияларининг шиддатли тараққиёти нуқтаи назаридан бироз баҳсли ва бунга қўшилиб бўлмайди. Чунки, айти пайтдаги замонавий ахборот технологиялари имкониятлари уй қamoғи тайинланган жазо ижроси устидан самарали назорат механизмини ўрнатишни жуда осон, қулай ва соддалаштириб юборди.

Мамлакатимизда ҳам уй қamoғи эҳтиёт чораси ва озодликни чеклаш жазоси қўлланилган шахсларни масофадан туриб назорат қилиш амалиётини йўлга қўйиш орқали жавобгарлиқнинг муқаррарлигини таъминлаш ва жазо ижроси устидан самарали назоратни ўрнатиш такомиллашмоқда.

Шу мақсадда 2024 йил 5 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Уй қamoғи эҳтиёт чораси қўлланилган ва озодликни чеклаш жазоси тайинланган шахсларни электрон браслет орқали масофадан туриб назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги¹¹ 813-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда 2025 йил 1 январдан бошлаб уй қamoғи эҳтиёт чораси қўлланилган ҳамда озодликни чеклаш жазоси тайинланган шахсларнинг эҳтиёт чораси ва жазони ижро этиш жойида бўлишини реал вақт режимида масофадан туриб назорат қилиш тартиби амалиётга босқичма-босқич жорий этилиши белгиланди. Ва ушбу қарорга мувофиқ уй қamoғи эҳтиёт чораси қўлланилган ва озодликни чеклаш жазоси тайинланган шахсларни электрон браслет орқали масофадан туриб назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Низомда уй қamoғи эҳтиёт чораси қўлланилган ва озодликни чеклаш жазоси тайинланган шахсларнинг эҳтиёт чораси ва жазони ижро этиш жойида бўлишини электрон браслет орқали масофадан туриб назорат қилиш; электрон браслет тақилиши белгиланган шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;

электрон браслет орқали масофадан туриб назорат қилиш тартибини бузиш учун жавобгарлик;

электрон браслетга шикаст етказилганда ёки йўқотилганда моддий зарарни ундириш тартиблари белгиланди.

Бу борадаги халқаро тажрибага эътибор қаратадиган бўлсак, хорижий давлатлар тажрибаси анча илгариб кетганлигининг гувоҳи бўласиз.

Хусусан, Европа давлатларида уй қamoғи нафақат эҳтиёт чораси балки, жазо чораси сифатида шартли ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилади. Уй қamoғини қўллаш бўйича Франция ўзига хос хусусиятларга эга. Уй қamoғига ҳукм қилинган шахс ишлаши, шу билан бирга кинотеатрларга бориши, дўстлари билан учрашиши мумкин. Бироқ, кечки вақтда ҳамда дам олиш кунлари яшаш жойидан чиқмаслиги лозим. Францияда уй қamoғини озодликдан маҳрум этиш муассасаларида тайинланган жазонинг ярмини ўтаб бўлганларидан сўнг, ўз яшаш уйларида оёқларида электрон браслет тақилган ҳолда ўтайдилар¹².

Юқоридагилардан келиб чиқиб, уй қamoғи эҳтиёт чорасини қўллаш ва бу жазонинг ижро этилиши самарадорлигини ошириш учун мазкур институтнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги таклиф-мулоҳазалар ишлаб чиқилди:

биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига алоҳида янги боб киритилиб, унда уй қamoғи эҳтиёт чорасини ўташ тартиби, унинг назоратини амалга ошириш механизми, хусусан электрон браслет тушунчасининг ёритилиши мақсадга мувофиқ;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 243-моддаси (Қamoққа олиш ёки уй қamoғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тартиби)ни қуйидаги алоҳида янги қисм билан тўлдириш:

содир этилган жиноятига қараб, жисмоний ва руҳий жиҳатдан касалманд фуқароларга, ёш болали аёлларга нисбатан уй қamoғини қўллаш билан боглиқ муайян имтиёзлар берилиши мумкин;

учинчидан, ушбу модданинг олтинчи қисмини қуйидаги тахрирда баён этиш:

қamoққа олиш ёки уй қamoғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома суд мажлисида, материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан тўрт соатдан кечиктирилмаган муддатда (қоида тариқасида видеоконференалоқа режимида), лекин ушлаб туришининг энг кўп муддатидан кечиктирмай қўриб чиқилади.

Фаёза ҚАМБАРОВА,

Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Президент Ш.Мирзиёевнинг Конституция қуни муносабати билан Ўзбекистон халқига байрам табриги, <https://president.uz/uz/lists/view/7751>, 06.12.2024.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси., Тошкент "Yuridik adabiyotlar publish" 2023., 12-бет.
3. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-e/ehityot-chorasi-uz/>.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, <https://lex.uz/docs/111460>.
5. Тулаганова Гулчехра., Жиноят процессида эҳтиёт чораларининг қўлланиши муаммолари: Ўқув қўлланма. / Масъул муҳаррир Ф.А.Абдумажидов, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби юридик фанлари доктори, профессор; –Т: ТДҲИ, 2005. - 160 б. 100-бет.
6. Иноғомжонова З.Ф.Тулаганова Г.З. "Жиноят процесси муаммолари". Т-2006 й.
7. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, <https://lex.uz/docs/111460>.
8. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги" Қонуни, <https://lex.uz/docs/2456411>.
9. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, <https://lex.uz/docs/111460>.
10. Тулаганова Гулчехра., Жиноят процессида эҳтиёт чораларининг қўлланиши муаммолари: Ўқув қўлланма. / Масъул муҳаррир Ф.А.Абдумажидов, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби юридик фанлари доктори, профессор; –Т: ТДҲИ, 2005. - 160 б. 12-бет.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Уй қamoғи эҳтиёт чораси қўлланилган ва озодликни чеклаш жазоси тайинланган шахсларни электрон браслет орқали масофадан туриб назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори. <https://lex.uz/uz/docs/7249299>.
12. У.С.Екубов, "Уй қamoғи эҳтиёт чорасининг келиб чиқиш тарихи", EURASIAN JOURNAL OF LAW, FINANCE AND APPLIED SCIENCES Innovative Academy Research Support Center UIF = 8.3 | SJIF = 7.984 www.in-academy.uz. Volume 4, Issue 5, May 2024 ISSN 2181-2853 Page 161.

МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Таъкидлаш лозимки, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг амалдаги таҳрири давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқлари тўлиқ ва ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш талабларига ва маъмурий юстиция соҳасидаги халқаро стандартларга етарли даражада жавоб бера олмаслигини кўрсатмоқда.

Шу нуқтаи назардан, маъмурий суд иш юритуви қонунчилигида тарафларнинг ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ ҳуқуқни қўллаш амалиётида юзага келаётган айрим муаммолардан келиб чиқиб, қуйидаги масалаларга ургу қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, суд амалиётида ишни ҳар томонлама, тўлиқ ва тўғри ҳал қилиниши учун зарур бўлган ҳолларда ҳам жавобгар мансабдор шахсларнинг иштирокини таъминлашда муаммолар юзага келиб, бу қонуний ва адолатли қарор чиқаришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли процессуал қонун ҳужжатларига қарори (ҳаракати, ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган давлат органи мансабдор шахси ёки унинг вакили суд мажлисида мажбурий иштирок этишига оид қоида киритиш лозим.

МСИЮТКнинг 47-моддаси маъносидан келиб чиқадиган бўлсак, давлат органлари ва бошқа шахслар фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадига ариза беради ҳамда аризачининг барча ҳуқуқларидан фойдаланади ва унинг мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Лекин суд амалиётида жуда кўп ҳолларда, давлат органлари ва бошқа шахслар фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадига маъмурий судларга ариза билан мурожаат қилиб, суд мажлисларида бевосита ўзлари қатнашишмайди ҳамда ишни ўзларининг иштирокисиз кўриб чиқиш ҳақида ариза билан мурожаат қилишади.

Маъмурий судларда 2023 йил ва 2024 йилнинг 1-чораги давомида ишда давлат органлари ва бошқа шахсларнинг иштирокига оид статистик маълумотлар ўрганилганда, 50 фоизидан кўпроғида давлат органлари ва бошқа шахслар судга аризачининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадига ариза тақдим этган бўлса-да, лекин суд мажлисларида ўзлари қатнашмаган.

Бундан кўринадики, айрим давлат органлари (прокуратура, адлия, савдо-саноат палатасининг ҳудудий бўлимлари ва бошқалар) ўзларига қонун билан берилган, яъни давлат божини тўлашдан озод қилиш ҳақидаги имтиёздан фойдаланишиб, дастлаб судга ариза тақдим қилишиб, суд мажлисларига қатнашмасдан келишмоқда.

Шунингдек, Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан ҳам ўз ҳуқуқларидан фойдаланиб айрим ҳолларда аризалар фақат номигагина судга киритилиб, аризачининг ҳуқуқ ва манфаатларини судда ҳимоя қилмасдан ўзларини иштирокисиз ишни кўриб чиқишни сўраб келишган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, МСИЮТКнинг 47-моддасига қонунда назарда тутилган ёки суд мазкур ишда иштирок этиши зарур деб топган ҳолларда, шунингдек давлат органлари ва бошқа шахсларнинг аризаси асосида қўзғатилган ишларда шу давлат органи ва бошқа шахслар иштирок этиши шартлигини белгилаш мақсади мувофиқ бўлар эди.

Иккинчидан, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунда маъмурий органлар томонидан маъмурий ҳужжат қабул қи-

линишида риоя қилиниши зарур бўлган тартиблар мустаҳкамланган. Қонуннинг 59-моддасида “агар манфаатдор шахс маъмурий ҳужжатнинг қонуний кучига ишониб, маъмурий ҳужжат асосида олинган мол-мулкдан фойдаланган, ўз мулкни тасарруф этиш учун битим тузган ёки маъмурий ҳужжатда белгиланган наф ва имтиёزلардан бошқача тарзда фойдаланган бўлса, унинг ишончи ҳимоя қилиниши лозимлиги” белгиланган бўлса-да, манфаатдор шахсларнинг маъмурий ҳужжатга бўлган ишончини ҳимоя қилиш механизмлари ишлаб чиқилмаган ва амалиётда қўлланилишида муаммолар мавжуд.

Статистик маълумотларга кўра, 2022-2023 йилларда юқоридаги қонуннинг ушбу моддаси асосида кўрилган жами 636 та ишнинг, 265 таси бўйича манфаатдор шахсларнинг талабларини қаноатлантириш рад этилган. Бундан кўринадики, қайд этилган қонуннинг 59-моддасида виждонан ҳаракат қилган манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятлари чекланган.

Шу сабабли маъмурий суд иш юритувига тўғридан тўғри қўлланишчи тамойил сифатида давлат органи ҳужжатининг қонуний кучига ишониб фаолият юритган шахсларнинг “ишончини ҳимоя қилиш” тамойилини жорий этиш лозим.

Учинчидан, маъмурий суд ишларини юритишда аризачи сифатида иштирок этиш учун, аввало, аризачининг процессуал ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлиши талаб қилинади. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва маъмурий суд ишларини юритиш қонунчилиги тамойилларига асосланади ҳамда уларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади. Судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқининг мавжудлиги конституциявий кафолат ҳисобланади ва бу фуқароларнинг суд ҳимоясида бўлишини таъминлайди.

Маъмурий судларда ишларни кўришда, судья биринчи навбатда аризачи жисмоний шахслар аризачининг процессуал ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга эканлигини текширишлари лозим бўлади.

Агар аризачи муомала лаёқатига эга бўлмаса, ариза МСИЮТКнинг 134-моддасига асосан қайтарилади ёки ариза иш юритишга қабул қилинган бўлса, ариза МСИЮТКнинг 105-моддасига асосан кўрмасдан қолдиришга сабаб бўлади.

МСИЮТКнинг 99-моддасида ишда иштирок этувчи шахс вафот этганда, агар низоли ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқий ворисликка йўл қўйса ёки ишда иштирок этувчи шахс муомала лаёқатини йўқотганда суд томонидан иш юритиш тўхтатиб туриши шартлиги назарда тутилган.

Маъмурий судлар ушбу ҳолатда иш юритишни тиклаши учун ишда иштирок этувчи шахснинг ҳуқуқий ворисини аниқлаши, муомала лаёқатсиз шахсга вакил тайинлаши лозим бўлади.

МСИЮТКнинг 43-моддасида процессуал ҳуқуқий ворислик тушунчаси келтирилган бўлиб, унда тарафлардан бири низоли ёки суд ҳужжати билан аниқланган ҳуқуқий муносабатдан чиқиб кетган

ҳолда (юридик шахснинг қайта ташкил этилиши, фуқаронинг вафот этиши ва мажбуриятлардаги шахслар ўзгаришининг бошқа ҳолларида) суд бу тарафни унинг ҳуқуқий вориси билан алмаштириши назарда тутилган.

Бунда судлар ишни аҳамиятидан келиб чиқиб, иш процессуал ҳуқуқий ворисликка йўл қўйиши ёки процессуал ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаслигини аниқлашлари лозим бўлади.

МСИЮТКнинг 27-моддасида маъмурий судлар томонидан ҳал этиладиган ишлар келтирилган бўлиб, ушбу ишларнинг барчаси ҳам ҳуқуқий ворисликка йўл қўймайди.

Масалан, нафақа тайинлаш бўйича ишлар ёки адвокатнинг лицензиясини тўхтатиб туриш ҳақидаги ишларда ҳуқуқий ворисликка йўл қўйилмайди ва улар индивидуал характердаги ишлар ҳисобланади.

Юридик шахс ўзининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолияти мақсадларига мувофиқ фуқаролик ҳуқуқ лаёқатида эга бўлади. Унинг ҳуқуқ лаёқати у тузилган пайтдан бошлаб вужудга келади ва уни тугатиш яқунланган пайтдан эътиборан тугатилади.

МСИЮТКнинг 131-моддасида агар ушбу Кодексад бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, судья аризани (шикоятни) иш юриштишга қабул қилиш тўғрисидаги, қабул қилишни рад этиш, қайтариш ёки судга тааллуқлилигига кўра бошқа судга ўтказиш ҳақидаги масалани ариза судга келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай яқна тартибда ҳал қилиши назарда тутилган.

Лекин суд амалиётида аризани қабул қилиши ёки қилмаслиги масаласини ҳал қилиш учун беш кунлик муддат жуда оз ҳисобланади.

Кодексининг 140-моддаси талаблари ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда судларда ишларнинг сифатли кўрилиши, суд қарорларининг қонуний кучида бўлишини таъминлаш учун маъмурий судларда дастлабки эшитув босқичини амалга киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ушбу босқичда, аризачининг талаблари аниқлаштирилади, аризадаги камчиликлар кўрсатилади, билдирилган талабларни исботлаш учун зарур далилларни тақдим этиш таклиф этилади, аризани қайтариб олиш ҳуқуқи тушунтирилади, ариза қайтариб олинган тақдирда, тўланган давлат божини қайтариш масалалари ҳал қилинади.

Маъмурий судларда дастлабки эшитув институтини амалиётга жорий этиш, фуқароларнинг шикоят келтириш билан боғлиқ узвий ҳуқуқларини ҳам таъминлашга хизмат қилади.

Судлар томонидан аризачининг процессуал ҳуқуқ лаёқатини аниқлаш ва ишни кўришда ҳуқуқий ворис сифатида жалб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

МСИЮТКнинг 39-моддасида тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари деб номланган бўлса-да, фақат тарафларнинг ҳуқуқлари кўрсатилган лекин мажбуриятлари тўлиқ акс этмаган.

Кўпгина хорижий давлатларнинг маъмурий қонунчилигида (масалан, Украина процессуал кодексиди) процесс иштирокчиларининг мажбуриятлари кўрсатилган бўлиб, унда процесс иштирокчиси ўз ҳуқуқларидан виждонан фойдаланиши шартлиги, суд процесс иштирокчилари ёки уларнинг вакиллари ёнқи маслаҳатчилари томонидан ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилишга, жараёни кечиктиришга ёки судни чалғитишга йўл қўймаслиги, ишнинг имкон қадар тўғри, тез ва тежамкор кўрилишига ғаразли аралашган процесс иштирокчисига суд жаримаси қўлланиши кўрсатилган.

Шу сабабли, МСИЮТКнинг 39-моддасида тарафларнинг ҳуқуқлари билан бирга юқоридаги мажбуриятларини кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бу ўз ўрнида тарафларни процессуал ҳуқуқларни суиистеъмол қилиш ҳолатларини олдини олиши, суд мажлисларини бекорга чўзилмаслиги, энг асосийси суд процессининг бошқа иштирокчиларини ҳуқуқларини бузмаслигини таъминлайди.

Бундан ташқари, суд амалиётида қасддан суд процесси чўзилишига ҳаракат қилиш учун асоссиз, нотўғри расмийлаштирилган даъво аризаси, шикоят, далилларни талаб қилиб олиш, экспертиза тайинлаш тўғрисида ўйлаб топилган илтимосномалар тақдим қилиш, судьяни рад этиш тўғрисида асосланмаган ариза бериш каби ҳолатлар суд процессида кенг тарқалган.

Бугунги кунда судлар томонидан ҳуқуқларни суиистеъмол қилиш чегарасини аниқлашлари ҳамда ҳуқуқни суиистеъмол қилган шахсларга нисбатан суд жарималарини қўллашлари бўйича қонун нормаларини ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Шунингдек, МСИЮТКнинг 39-моддасида аризачи далиллар тақдим этиш ва далилларни текширишда иштирок этиш каби процессуал ҳуқуқлари мавжуд.

Лекин, судлар томонидан электрон далилларга ҳуқуқий баҳо беришга оид процессуал нормалар мавжуд эмаслиги, маъмурий процессуал ҳуқуқда далиллар тушунчасига илмий таърифлар ишлаб чиқилган бўлса-да, бироқ ушбу ҳуқуқ соҳасида электрон далиллар тушунчаси, улардан фойдаланишнинг процессуал жиҳатларига оид концептуал қарашлар ишлаб чиқилмаган.

Шу сабабли, маъмурий суд ишларини юрийтиш тўғрисидаги қонунчиликда электрон далилни тақдим қилувчи аризачи электрон далил билан иш учун аҳамиятли бўлган қандай ҳолатларда аниқлаш мумкинлигини кўрсатиши, электрон далилни талаб қилиш тўғрисида илтимоснома тақдим этилганда эса, бу қайси электрон далил эканлигини кўрсатиши ва электрон далил муайян шахсда эканлиги тўғрисидаги асосини ҳам баён этиши шартлигини, суд томонидан давлат органлари, юридик шахслар ёки фуқаролардан талаб қилган электрон далиллар бевосита судга юборилиши, суд электрон далилни талаб қилиб олиш ҳақида илтимоснома тақдим этган аризачига электрон далилни судга тақдим этиш учун олиш ҳуқуқини берувчи сўров хатини ҳам бериши мумкинлигини, тарафлар, юридик ва жисмоний шахслар электрон далилларни ашёвий электрон сақловчи қурилмаларда (флешка, диск, уяли телефон ва ҳоказо) ёхуд ахборот телекоммуникация воситалардан фойдаланган ҳолда тақдим қилишлари мумкинлиги ҳақидаги қоидаларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Гулжаҳон МАДРАҲИМОВА

*Тошкент давлат юридик университети
мустақил тадқиқотчиси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишлари юрийтиш тўғрисидаги кодекс // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон(lex.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекс // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.12.2023 й. 03/23/887/0972-сон(lex.uz).
3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекс // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.12.2023 й. 03/23/888/0976-сон(lex.uz).
4. Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида" Қонуни, // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.08.2001 йил 257-2-сон(lex.uz).
5. Г.Мадрахимова Маъмурий суд ишларини юрийтишда процессуал ҳуқуқлардан инсофли фойдаланиш масаласи // Шарқ тарихи, сиёсати ва ҳуқуқи журнали, DOI: <https://doi.org/10.37547/supsci-ojhp1-04-07-07>, 2024 ISSN 2181-2780.

ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

АННОТАЦИЯ: мақолада муаллиф ҳуқуқий жавобгарлик контекстида юридик шахсларнинг маъмурий ҳамда жиноий жавобгарлиги билан боғлиқ масалаларни илмий-назарий таҳлил этади. Шунингдек, юридик шахсларнинг маъмурий жавобгарлигида айб омилининг илмий-амалий жиҳатларига эътибор қаратади.

Калит сўзлар: жавобгарлик, ҳуқуқий жавобгарлик, маъмурий жавобгарлик, жиноий жавобгарлик, айб, юридик шахснинг айби.

Умумий қоида бўйича ҳуқуқбузарлик тушунчаси айбли ҳуқуққа зид ҳаракат бўлиб, бундай ҳаракат ақли расо шахс томонидан ҳуқуқ нормалари талабларига мутлақ қарши ҳолатда содир этилади ва бу муқаррар равишда ўзининг оқибатига кўра юридик жавобгарликни келтириб чиқаради. Юқоридагилардан англашилади-ки, жавобгарлик айнан муайян ҳуқуқбузарлик содир этишнинг оқибати сифатида эътироф этилади. Бироқ, жавобгарликнинг келиб чиқишини мутахассислар ҳар хил талқин этадилар. Хусусан, айрим цивилист олимлар жавобгарликка мажбуриятлар шакли сифатида қараб, улар шартномалар ва зарар етказиш, шунингдек асоссиз бойлик орттириш оқибатида вужудга келади, – деган таъкидни берадилар. Бошқа бир гуруҳ криминолог ва жиноят ҳуқуқи бўйича мутахассислар эса жавобгарликни жиноий-ҳуқуқий қилмишнинг ҳуқуқий оқибати деб баҳолаб, уни содир этган субъектнинг ҳаракатларида барча таркибий қисмларнинг мавжуд бўлишини асосли равишда таъкидлайдилар.

Ҳуқуқий адабиётларда юридик шахсларнинг жавобгарлиги ҳақида гап кетганда кўпроқ оммавий жавобгарликка эътибор қаратилади. Шу боис улар корхона, ташкилот ва муассаса сифатида ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатларни амалга ошириш асносида жамият ва давлат манфаатларига жиддий зиён етказди.

Юридик шахслар маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлигини белгилаш ҳақида ғоялар ривожланиш босқичларига хос бўлган муҳим жиҳат шундан иборатки, қадимдан мазкур жавобгарлик у ёки бу мамлакат қонунчилигида ўрнатилганидан кейин ҳам жуда кўплаб баҳслар келиб чиқаверган. Экспертлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ходимлари ва бошқа илмий жамоатчилик вакиллари ушбу масала ҳақида мунозаралари мунтазам давом этиб келган. Юридик шахсда содир этилган ҳуқуқбузарликка нисбатан жисмоний шахсда мавжуд бўладиган ички иродавий ҳолат, руҳий-психофизиологик хусусиятнинг мавжуд бўлмаслиги унга нисбатан ҳуқуқбузарликнинг классик тарздаги субъектив айб шаклини инкор этади. Шу боисдан ҳам уни жавобгарликка тортишнинг имконияти йўқ, — деган қарашлар ҳали-ҳануз баҳсли.

Ҳар қандай юридик шахсни маъмурий жавобгарлик содир этганликда айбли деб топиб, уни маъмурий жавобгарликка тортиш учун қилмишда ҳуқуқбузарликнинг 4 та элементи мавжуд бўлиши муқаррар талабдир.

1. Ҳуқуқбузарликнинг объекти – бу маъмурий ҳуқуқ нормалари билан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатлар;

2. Ҳуқуқбузарликнинг субъекти – бу ҳуқуқбузарликни содир этган юридик шахс;

3. Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони – маъмурий ҳуқуқ нормалари билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказган юридик шахс фаолиятининг ташқи кўриниши, яъни содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ташқаридан ифодаланиши;

4. Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони – бу мотив ва мақсадни қамраб олган айб шаклида содир этилган ҳуқуқбузарликка нисбатан руҳий муносабатдир. Кўрсатилган белги, нишон ва аломатларни юридик шахс фаолиятида аниқлаб бериш ҳар доим ҳам имконсиз. Шу боисдан ҳам ушбу масала ҳозиргача баҳсли ва қизиқарли жиҳатдир.

Маъмурий ҳуқуқ соҳаси олимларнинг мазкур масалага қарашлари турлича. Хусусан, айрим олимлар бу масалада объектив омиларни юридик шахснинг айби сифатида эътироф этиш таклифини берадилар. Бунга қуйидагича изоҳ беришади: яъни ҳуқуқбузарликни содир этишдаги юридик шахснинг айби, — унинг қонунчиликда белгиланган талаб ва қоидаларга риоя этиш имконияти бўлганми, юридик шахс ушбу талаб ва қоидаларга риоя этиш учун зарур чораларини кўрганми ё кўрмаганми?, деган масалаларга аниқлик киритилиши лозим, — деган таклифни билдиришади. Бошқа бир гуруҳ олимлар эса юридик шахс мажбуриятларни бажариш учун зарур чораларни кўрган ёки кўрмаганлигининг фактик ҳаракатларидан келиб чиқиш лозимлигини таъкидлайдилар. Айрим олимлар эса (В.Р.Якупов) умуман юридик шахсда айб мавжуд бўлмайди, уни айбсиз ҳолатда ҳам жавобгарликка тортиш мумкинлигини таъкидлайди (объектив омил сифатида ҳуқуқбузарлик факти содир этилганининг ўзини кифоя деб ҳисоблайди).

Яна бир гуруҳ олимлар юридик шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликда айбдор деб топиш учун ҳам жисмоний шахснинг ҳам юридик шахснинг айбини бир хил исботлаш, аниқлаш лозим, дейдилар. Ҳозирга келиб бундай қарашлар ҳам аҳамиятини йўқотиб, бу ҳолатда икки хил жавобгарликнинг аралашуви содир бўлади – деган нуқтаи назар илгари сурилмоқда.

Бизнинг назаримизда, бу ўринда муҳим масала шунда-ки, ташкилотнинг ходими ўзининг субъектив ва гараз мақсадлари орқасидан қонун талабларини бузиб ҳуқуқбузарлик содир этса ва ташкилотнинг бундан ҳеч қандай манфаатдорлиги бўлмаса ва бу аниқ далиллар билан исботини топса, бундай ҳолатларда қилмишдаги субъектив элемент инкор қилинади ва юридик шахс жавобгарликдан озод этилади.

Қандай бўлган тақдирда ҳам юридик шахснинг ҳуқуқбузарлик содир этишдаги айби унинг ходимининг айби билан бевосита боғлиқдир, шу боисдан ҳам ходим қилмиш учун жавобгарликдан озод этилмайди.

Бироқ, юридик шахс гарчи, у ташкилий ҳуқуқий шаклига кўра муайян бир идора ёки муассаса, кўйинги бир гуруҳ шахсларнинг тузилмаси, жамоаси тарзидаги ташкилот бўлса-да, унинг фаолияти муайян мақсадларга, қандайдир натижаларни қўлга киритишга қаратилган жамоанинг умумий манфаатларини ифода этадиган, уларни рўёбга чиқариш йўлида бирлашиб ҳаракат қилдиган фуқароларнинг тузилмаси эканлигидан келиб чиқилдиган бўлса, бундай тузилма борди-ю, ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар содир этса, қонун талабларини бузса (албатта бундай хатти-ҳаракатлар муқаррар равишда қандайдир гаразли мақсадлар ортидан амалга оширилади ёки ҳаракатсизлик содир этилади) албатта жавобгарликка тортилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Айнан шундай ҳулосалар Ўрта асрлар феодал Европа жиноят қонунчилиги тамойилларида ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, жиноий жавобгарликка чекланган субъектлар доираси, ҳатто ҳайвонлар ва жонсиз предметларнинг ҳам тортилиши мумкинлиги таъкидланган. Шунинг учун улар ташкилотларни жавобгарликка тортиш учун ҳеч қандай расмий тўсиқлар бўлмаслигини маълум қилганлар. Ҳаттоки, Францияда XVI-XVIII-асрларда корпорация ва жамоаларнинг жиноятлари учун жазолар назарда тутилган.

У ёки бу юридик шахсни содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортиш ушбу юридик шахс фаолиятида иштирок этаётган жисмоний шахс мансабдор ёки юридик шахс номидан фаолият олиб боришга махсус ваколат берилган мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатлари билан бевосита боғлиқ эканлигини юқорида ҳам таъкидладик. Бунда жисмоний шахснинг айби учун юридик шахсни маъмурий жавобгарликка тортишининг зарурияти бу энг аввало – ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган зарар оқибатларини тўлиқ бартараф этишга қаратилганлигидир. Мисол учун, юридик шахсни карантин вақтида ниқоб тақмаганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиб бўлмайди. Худди шу тарзда, жисмоний шахсни ҳам улгуржи истеъмолчи сифатида энергия таъминоти шартномаси қоидаларини бузганлик учун маъму-

рий жавобгарликка тортиб бўлмайди. Бу ўринда субъектлик тамойили бузилади. Шу боисдан юридик, жисмоний ва мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар бир-бирига тўғри келмаслигини инобатга олиш лозим бўлади. Бироқ, юридик шахсга маъмурий жазо қўллаш, унинг ушбу ҳуқуқбузарлик учун айбдор мансабдор шахсини маъмурий жавобгарликдан озод этмаслигини назарда тутиш лозим бўлади. Бу – юридик шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги муқаддам мавжуд бўлган ғоя ва қарашларнинг ҳам маҳсулидир. Хусусан, жиноят ҳуқуқи назариясида мавжуд бўлган муайян жиноятларни содир этиш учун махсус тузилган жиноий гуруҳ ва жиноий уюшмалар фаолияти бунга яққол мисол бўлади.

Ҳулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ташкилот, идора ва муассаса муқаррар равишда ҳуқуқбузарликнинг субъектидир. Субъект бўлганда ҳам – махсус субъектидир. Чунки, ушбу субъект уюшган, муайян мақсадларни рўёбга чиқаришга қаратилган ва фаолиятининг натижалари аниқ ифодаланганлиги билан бошқалардан тубдан фарқ қилади. Қолаверса, ҳуқуқбузарликнинг бу субъект томонидан содир этилган ҳаракат ва ҳаракатсизлик оқибатлари ҳам жисмоний шахсникига қараганда ижтимоий хавфли, давлат ва жамият манфаатларига етказиши мумкин бўлган зарар оқибатлари ҳам хийла юқоридир. Унинг айби эса юқорида таъкидланганидек, юридик шахс номидан иш олиб боровчи жисмоний шахс ёки ваколат берилган мансабдор шахс ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг натижаси билан бевосита боғлиқдир.

Неъматжон ХАТТАБОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тадқиқотчиси, юридик фанлар номзоди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Axmedshaeva M.A. Hozirgi zamon davlati va huquqi nazariyasi muammolari. – Toshkent: TDYul, 2008. – B.254.
2. Ismailov B.I. Mejdunarodnie standarti privilecheniya yuridicheskix lits k otvetstvennosti za sovershenie korruptsiionnix pravonarusheniy (O'quv qo'llanma) / B.I. Ismailov. – Toshkent: Komron press, 2018. – B.18.
3. Inshin N.N. Nekotorie aspekti privilecheniya yuridicheskix lits k administrativnoy otvetstvennosti. URL://http://www.juristmoscow.ru/adv_rek/2263/; Panov A.B. Administrativnaya otvetstvennost' yuridicheskix lits: Monogr. M., 2014.
4. Kisluxin A.V. Vidi yuridicheskoy otvetstvennosti: Avtoref. Diss. na. soisk. uchstepeni. kan.yurid.nauk. – M.: 2002.
5. Morozov Ye. Ustanovlenie vini pri privilechenii k otvetstvennosti za pravonarusheniya v nalogovoy sfere. // Xozyaystvo i pravo. - 2008. - № 3. Petrov M. P. Administrativnaya otvetstvennost' organizatsiy (yuridicheskix lits): Avtoref. diss.... kand. yurid. nauk. - Saratov, 1998. - S. 24.
6. Yakupov V.R. Administrativnaya otvetstvennost' yuridicheskix lits za pravonarusheniya sovershaemie na organizovannix torgax. Avtoreferat. Dis-ya. Sos. na. uchen. step. kandi-dat. yurid.nauk. Chelyabinsk.: - 2014. S. 25.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ МАЪЛУМ БИР ШАРТЛАР АСОСИДА ЖАВОБГАРЛИК ВА ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ

АННОТАЦИЯ: мақолада жиноят содир этган пайтда вояга етмаган шахсларни жавобгарлик ва жазодан озод қилиш масалалари ёритилган. Жиноятчилик даражаси ошиб бораётгани ва ёшларни жамиятга қайта ижтимоийлаштириш зарурлиги муҳокама қилинган. Шунингдек, турли давлатларнинг қонунчилиги таҳлил қилиниб, вояга етмаганларни ижтимоий реабилитация қилиш, муқобил жазо чораларини қўллаш ва индивидуал ёндашув тамойиллари ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: вояга етмаган, жамият, мажбурлов чора, жиноий жавобгарлик, жазо, ижтимоийлаштириш, озодликдан маҳрум қилиш, ҳуқуқ, тарбия.

Вояга етмаган шахсларнинг ўзига хос хусусиятлари, яъни жиноятни одатда оқибатини тўлиқ англамасдан, ҳис-ҳаяжонга берилиш, тенгдошлари орасида ўзини кўрсатиб қўйиш, катталарга нисбатан эътирозини намоён қилиш, жамиятдаги обрў, иззат-икром ҳақидаги тушунчаларни нотўғри талқин қилиш, катталарнинг салбий таъсири каби ҳолат туфайли жиноят содир қилиб қўйганликлари сабабидан уларни мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, юқорида санаб ўтилган ҳолатлар таъсири остида жиноят содир қилганларни жиноий жавобгарликка тортиш ва жазолаш орқали жамият потенциал рецидив жиноятчиларни шакллантириб қўйиши мумкин. Шу сабабдан ҳам вояга етмаган шахсларни маълум бир шартлар асосида жавобгарлик ва жазодан озод қилиш, бундай шахсларни қайта ижтимоийлаштириш (ресоциализация) келажақда жиноий хулқни шакллантиришнинг олдини олишда жуда муҳим масала ҳисобланади.

Адабиётлар, турли давлатлар қонунчилиги таҳлиллари вояга етмаганларни мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш чора-тадбирлари қуйидаги асосий йўналишларда олиб борилаётганлигини кўрсатади:

- **ижтимоий реабилитация тизими.** Бунда вояга етмасдан жиноят содир қилганларни таълим, ижтимоий ва психологик чоралар орқали жамиятга интеграция қилишга эътибор қаратилади. Ушбу чоралар вояга етмаганларнинг қайта жиноят содир қилишларининг олдини олиш ва уларда ижтимоий-ижобий хулқни шакллантиришга хизмат қилади;

- **муқобил жазо чораларини қўллаш.** Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазолар ўрнига ахлоқ тузатиш ишлари, мажбурий ишлар, мажбурий таълим олиш, ижтимоий хизматларни бажариш (волонтерлик ва ҳ.к.)га каби чоралар қўлланилади;

- **индивидуал ёндашув.** Бунда вояга етмасдан жиноят содир қилган ҳар бир шахсга жиноят содир қилиш ҳолати, ўша шахснинг ўзига хос хусусиятларига қараб тегишли чоралар тури танланади;

- **вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.** Вояга етмаганлар жиноятларига оид ишларни кўраётганда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси ҳамда

адекват ҳимояга бўлган ҳуқуқи таъминланиб, адолатли суд жараёнини ўтказишга эътибор қаратилади;

- **профилактика ва реабилитация.** Вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишнинг профилактик чораларига ҳамда вояга етмасдан жиноят содир қилган шахслар жазони ўтаганидан кейин ёки жавобгарликдан ва жазодан озод қилинганидан кейин жамиятга мослашуви (ижтимоий реабилитация)га аҳамият қаратилади.

Адабиётлар таҳлили асосида вояга етмаганларни жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишнинг назарий-концептуал асослари сифатида қуйидагиларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

инсонпарварлик тамойили – бунда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари устунлигига асосий эътибор берилади, жазонинг қаттиқлиги эмас, балки унинг тарбиявий таъсирига аҳамият қаратилади;

дифференциация ва индивидуаллаштириш – ҳар бир жиноят қилган боланинг ишини алоҳида кўриб чиқиш, боланинг ёши, психологик хусусиятларини ҳисобга олиш;

ресоциализация концепцияси – болаларни жамиятга қайта мослаштириш, уларни ижтимоий фойдали фаолиятга жалб этиш;

реститутив адолат назарияси – жабрланувчи ва ҳуқуқбузар ўртасидаги низони ўзаро келишган ҳолда ҳал қилиш, асосий эътиборни етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга қаратиш;

профилактик чораларнинг устуворлиги – жиноятнинг олдини олишга қаратилган чораларга эътибор қаратиш, такрорий жиноятчиликнинг олдини олиш;

минимал аралашув назарияси – болаларга нисбатан жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини иложи борица камроқ қўллаш, уларни жамиятдан ажратмаган ҳолда тузатиш имкониятларини излаш;

ижтимоий назорат назарияси – оила, мактаб, маҳаллалар, жамоатчилик назоратини кучайтириш, болалар ижтимоийлашувида ижтимоий институтларнинг ролини ошириш;

ривожланиш психологияси назарияси – жиноят содир қилган вояга етмаганларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш, болаларда шахс шаклланишининг ўзига хос жиҳатларини инобатга олиш;

ижтимоий ўрганиш назарияси – болаларда шакланган жиноий хулқ-атвори атроф-муҳит таъсири-

нинг натижаси сифатида кўриш, болаларда ижобий намуналарга тақлид қилишни рағбатлантириш;

стигматизация назарияси – болаларга “жиноятчи” деган тамға урилишидан (жамиятда жиноятчи деб қараш) қочиш, уларни жамиятга мослашиш имкониятларини сақлаб қолиш;

виктимология назарияси – жабрланувчи ва жиноят қилган болалар ўртасидаги муносабатларни ўрганиш, жабрланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

жиноий жиҳатдан башорат қилиш – болаларнинг келажакда жиноят содир этиш эҳтимолларини баҳолаш, жиноят содир этишга олиб келиши мумкин бўлган авф омилларини аниқлаш ва бартараф этиш.

Албатта бу назарий асослар болаларни жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш тизимини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Келтириб ўтилган асослар қонун чиқарувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Ҳуқуқшунос И.Н.Тюринанинг фикрича, мажбурий тарбиявий таъсир чораларини алоҳида жиноят-ҳуқуқий институт сифатида тушуниш ва моҳиятини таҳлил қилиш уларнинг ҳуқуқий табиатини ва жиноят ҳуқуқининг бошқа институтлари – жиноий жавобгарлик ва жазо билан нисбатини англашни назарда тулади.

Мажбурий-тарбиявий таъсир чоралари вояга етмаганлар жиноятларига давлатнинг жиноят-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган мустақил реакция шаклидир. Бу ўрганилаётган чоралар жиноят-ҳуқуқий нормаларда бирлаштирилганлиги билан изоҳланади. Бироқ, мажбурий-тарбиявий таъсир чораларини тайинлаш тартиби, жиноят ишини кўзгатишдан тортиб суд қарорини чиқаришгача, амалда вояга етмаганни жиноий жавобгарликка тортиш жараёнини такрорлайди.

Биз. И.Тюринанинг фикрларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, ушбу масалани ўрганишда фақат бу жиҳатлар билан чекланиб қолмасликни таъкидлаймиз. Фикримизча, вояга етмаганларни мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишнинг аҳамияти кенг бўлиб улар куйидагиларда намоён бўлади:

ёшларни жиноий ҳаётдан узоқлаштириш, жамиятда соғлом муҳитни шакллантириш, оилавий муносабатларни мустаҳкамлашда ифодаланадиган ижтимоий аҳамияти;

болаларга нисбатан одил судловни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни такомиллаштириш, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштиришда ифодаланадиган ҳуқуқий аҳамияти;

болаларни қайта тарбиялаш имкониятини яратиш, оила, маҳалла, таълим муассасалари билан ҳамкорликни кучайтириш, профилактик чора-тадбирлар самарадорлигини оширишда ифодаланадиган педагогик аҳамияти;

болаларнинг руҳий ҳолатини ҳисобга олиш, болаларга психологик ёрдам кўрсатиш механизмларини такомиллаштириш, болаларда жиноятчи шахси шаклланишини ўрганишда ифодаланадиган психологик аҳамияти;

жазони ижро этиш харажатларини камайтириш, меҳнат манбаларини сақлаб қолиш, жамиятга фойдали хулқ-атворли фуқароларни тарбиялашда ифодаланадиган иқтисодий аҳамияти;

умумий ва вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш, рецидив жиноятчиликка қарши курашиш, жиноятчилик сабабларини аниқлашда ва уларнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқишда ифодаланадиган жиноий аҳамияти;

давлатнинг инсонпарварлик сиёсатини амалга ошириш, умумэтироф этилган халқаро стандартларга содиқликни намоён қилишда, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ифодаланадиган сиёсий аҳамияти;

болалар жиноятчилиги, уларнинг жиноятларини кўришга оид билимларни (ювенал адлия), халқаро тажрибани ўрганиш ва уни мамлакатимиз қонунчилигига уйғунлаштириш бўйича асосланган таклифларни ишлаб чиқиш, ушбу масала бўйича илмий-назарий қарашларни ривожлантириш асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан тавсияларни шакллантиришда ифодаланадиган илмий аҳамиятини кўрсатиб ўтиш лозим.

Айсулу АМЕТОВА,

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абзemiлова З.Р. Проблемы применения наказания и иных мер уголовно-правового характера к несовершеннолетним (по материалам Республики Башкортостан). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва 2008.
2. Анфёрова О.А. Проблемы прекращения уголовного дела (преследования) с применением к несовершеннолетним принудительных мер воспитательного воздействия. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Волгоград 2003.
3. Быданцев Н.А. Прекращение уголовного преследования (дела) в отношении несовершеннолетнего с применением принудительных мер воспитательного воздействия в аспекте ювенальной юстиции. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Томск 2007.
4. Колониченков Р.А. Уголовная ответственность несовершеннолетних: вопросы законодательной регламентации и назначения наказания. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Ростов-на Дону 2009.
5. Магомедова А.М. Развитие принудительных мер воспитательного воздействия в уголовном праве. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Махачкала 2006.
6. Поводова Е.В. Принудительные меры воспитательного воздействия (проблемы теории и правового регулирования). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва 2005.
7. Скрипченко Н.Ю. Теория и практика применения иных мер уголовно-правового характера к несовершеннолетним. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора юридических наук. Москва 2013.
8. Тюрин И.Н. Принудительные меры воспитательного воздействия как вид освобождения несовершеннолетних от уголовной ответственности и наказания: уголовно-правовой и криминологический аспекты. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Краснодар 2016.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”-ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/1297315>

АҚШда контент маълумотларини ҳуқуқий тартибга солишнинг амалий жиҳатлари

Интеллектуал ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг асосий усули – бу ҳуқуқни бузадиган ҳаракатларни тўхтатишдир. Интернетда ўзгалар ҳуқуқларини бузётган шахс кўпинча номаълум бўлганлиги сабабли, жабрланувчи бундай хатти-ҳаракатларга чек қўйишни ҳуқуқбузарга мурожаат қилиш орқали эмас, балки ахборот воситачиларига (кейинги ўринларда – провайдер деб юритилади) мурожаат қилиш орқали ҳам тўхтатишни талаб қилиш мумкин. Ушбу ҳимоя усули тўғридан-тўғри муносабатнинг ҳуқуқий тартибга солинишига боғлиқ бўлиб, масалан, АҚШда у интеллектуал мулк ҳуқуқлари бузилган объектининг хусусиятидан келиб чиқилади.

Мазкур ҳолатда интеллектуал мулкнинг 2 та асосий объекти ажратилади:

- муаллифлик ҳуқуқи;
- товар белгиси.

АҚШнинг 1998 йил 28 октябрдаги “Рақамли даврда муаллифлик ҳуқуқи тўғрисида”ги қонуни (Digital Millennium Copyright Act) (кейинги ўринларда – “DMCA” деб юритилади) хизмат кўрсатувчи провайдерларни жавобгарликдан озод қилиш асослари ва шартлари билан боғлиқ масалаларни, шу жумладан ахборот воситачиларини жалб қилган ҳолда ҳуқуқ эгаларини ҳимоя қилиш бўйича низоли масалаларни ҳал қилади. DMCAнинг 512-моддасида хизмат кўрсатувчи провайдерга таръиф берилиб, унга кўра “хизмат кўрсатувчи провайдер деб, фойдаланувчилар томонидан кўрсатилган нуқталар ўртасида жўнатиш, йўналтириш ёки улашиш имкониятини берувчи, юборилган ва қабул қилинган маълумотларнинг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда, шунингдек, интернет-хизмат кўрсатувчи ёки тармоққа кириш ёки улар учун хизмат кўрсатувчи оператор” тушунилади. Мазкур қонун хизмат кўрсатувчи провайдерларни қуйидаги бир нечта тоифага бўлади (шунингдек, уларнинг ҳар бири учун жавобгарликдан озод қилишнинг махсус шартларини белгилайди):

- маълумотларни узатишни таъминловчи провайдер;
- маълумотларни кешлаш провайдери;

фойдаланувчиларнинг кўрсатмалари бўйича маълумотларни жойлаштирувчи провайдер;

ресурсларни ахборот билан жойлаштириш воситаларидан фойдаланувчи провайдер (масалан, қидирув тизимлари ва бошқа хизматлар, фойдаланувчиларга Интернетдаги маълумотларга каталоглар, ҳаволалар ва бошқа усуллар ёрдамида кириш имкониятини беради).

АҚШнинг “Рақамли даврда муаллифлик ҳуқуқи тўғрисида”ги қонуни мазмунидан келиб чиққан ҳолда низоли контентни ўчириш тўғрисидаги қарор судгача бўлган босқичда қабул қилиниши лозим, чунки Интернет воситачиларининг ўзлари низоли контентни ихтиёрий равишда ўчиришдан манфаатдор бўлишади. Улар мазкур шартга риоя қилиш орқали жавобгарликдан озод бўлишлари мумкин. Ахборот воситачилари жавобгарлигининг ҳажми ва шартлари воситачиларнинг қайси тоифасига тегишли бўлишига боғлиқ. Муаллифлик ҳуқуқи бузилишининг олдини олиш нуқтаи назаридан ахборот воситачиларнинг асосий мажбуриятлари сифатида қуйидагиларни ажратиш кўрсатиш керак:

ҳуқуқбузар фойдаланувчиларга таъқиқ ўрнатиш сиёсатини оқилона амалга ошириш, муаллифлар эса ушбу ҳуқуқбузарликлардан ўз ишларини ҳимоя қилиш учун фойдаланадиган стандарт техник чораларга тўсқинлик қилмаслик;

ҳуқуқ эгаси мутлақ ҳуқуқлар бузилганлиги тўғрисида мурожаат қилган тақдирда, ушбу бузилишни тезкор бартараф этиш учун етарли чораларни тезкорлик билан кўриш.

Аммо DMCA қоидалари “тезкор” ва “етарли” тушунчаларининг мазмунини шарҳламайди, судларда ҳам бу тушунчаларни аниқлашга нисбатан ягона ёндашувни қўлламайди. Масалан, АҚШ Апелляция судининг 9 округи “Perfect 10 Inc. V. Google Inc.” компаниялари ўртасидаги низоли кўриб чиқади. Мазкур низога кўра, “Google” 7 ой давомида “Perfect 10” компаниясига тегишли пуллик асосида фойдаланиладиган маълумотларини, бошқа бепул сайтлардан ўчириб ташлаш тўғрисидаги талабини рад этиб келади. Бу вақт мобайнида “Perfect 10” моддий зарар кўрган. Чунки, ушбу сайтнинг пуллик ва эксклюзив маълумотлари жамоатчиликнинг фойдаланиши учун очик манбаа бўлиб қолган. Мазкур ҳолатда суд 7 ойлик муддатни жуда узоқ муддат деб топди. “Io Group Inc. V. Veoh Networks Inc.” низоли бўйича суд 7 кунлик муддатни етарли даражада тезкор муддат эмас деб топади. Бироқ, амалда 3 ҳафталик муддатни билдиришномага жавоб бериш учун етарли даражада тезкор деб топган ҳолатлар ҳам мавжуд. Шундай қилиб, ҳуқуқни қўллаш амалиётида бир хилликка асосланган қоидаларнинг йўқлиги сабабли судлар ҳар бир алоҳида ишнинг хусусиятларига, масалан, маълумотнинг миқдори, контентни тармоқдан олиб ташлаш хусусиятлари, тарқатиш қўлаи ва бошқаларга асосланиб қарор чиқаришига мажбур бўлишади. Контентни олиб ташлаш бўйича мажбурият фақат провайдерларга юклатилмайди, чунки улар ўз тармоқлари орқали ўтказиладиган контентни ҳар доим ҳам назорат қилиш имконига эга бўлавермайдилар. Бундан ташқари, низоли контентни олиб ташлаш учун муҳим шарт, ёзма билдиришнома бўлиши ва унда ҳуқуқбузарлик ҳолати ва муаллифнинг алоқа маълумотлари бўлиши лозим. Бу эса унга ҳуқуқ эгаси номидан ҳаракат қилиш ваколатини беради.

Низоли контентни ўчириш ёки қайта тиклашни рад этиш провайдернинг қонунга зид хатти-ҳаракатлари учун жавобгарлик тўғрисида судга мурожаат қилиш учун асос бўлади. Суд эса ўз навбатида ҳуқуқбузарга нисбатан қуйидаги чораларни қўллаши мумкин:

муаллифлик ҳуқуқини бузган контентни кўрсатишни тақиқлаш тўғрисида буйруқ бериш;

муаллифлик ҳуқуқларини бузган абонентнинг тармоғига киришни таъқиқлашга буйруқ бериш;

Қўшма Штатлардан ташқаридаги муаллифлик ҳуқуқини бузadиган веб-сайтларни блокировка қилиш.

Юқорида айтиб ўтилганидек, одатда бу каби ишлар судгача ҳал қилинади, шунинг учун бундай суд амалиётлари сони жуда кам.

Айрим провайдерлар гуруҳи DMCAда назарда тутилганидан ташқарида бўлган низоли контентни тартибга солиш бўйича қўшимча чоралар қўришга мажбур бўлишади. Масалан, “Youtube” муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган контентни текшириш учун қўшимча воситаларни жорий этган. Агар видеода муаллифлик ҳуқуқи кўрсатилмаган мусиқа жойлаштирилса, бундай видеолар администратор томонидан олиб ташланади. Шундай қилиб, АҚШда Интернетда муаллифлик ҳуқуқи бузилишига қарши курашишнинг бутун тизими, баҳсли контентни судга қадар тез ва осон йўқ қилишга қаратилган,

Интернет провайдерлари контентни жойлаштирган фойдаланувчилар билан алоқа қилиш имкониятига эга. Бундай ёндашув “хавфсиз порт” тақдим этиш ва муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузиш соҳасида провайдерларни муаллифлик ҳуқуқи эгасини хабардор қилган ҳолда ҳуқуқни бузувчи контентни олиб ташлаган тақдирда моддий жавобгарликдан озод қилиш натижасида пайдо бўлди. Шунга қарамай, бу тизим кўпинча танқид қилинади, чунки у хизмат провайдерларини “хавфсиз порт” билан таъминлайди, чунки улар барча керакли воситаларга ва тезкор кириш имкониятига эга бўлган ҳолда, ҳуқуқбузарларга қарши энг самарали курашиши мумкин. Бундан ташқари, DMCA қоидаларига кўра, тизим фильтри (агрегатор) ҳар қандай контентни олиб ташлаши мумкин, ҳатто унинг тарқатилиши ноқонуний эканлигига мутлақо амин бўлмаса ҳам, акс ҳолда бу тизимнинг шаффофлигига салбий таъсир қилиши “қизил байроқ” принципини бузган деб ҳисобланиши мумкин.

АҚШ товар белгилари қонунчилигида ва DMCA 512-моддасида муаллифлик ҳуқуқи масаласида кўрсатилганидек провайдерларга жавобгарлик юкламасдан буйруқлар беришни аниқ тартибга солувчи қонунлар мавжуд эмас. Фақатгина АҚШнинг Лэнхем қонуни (Lanham Act)нинг 326-моддаси айбсиз провайдерлар учун чекланган “хавфсиз порт” қоидабини белгилайди (гарчи товар белгисига бўлган ҳуқуқларни бузадиган контент учинчи шахслар томонидан юкланган бўлсада). Масалан, суд “Hendrickson v. eBay” ишини кўриб чиқади. Унда даъвогар “Hendrickson” жавобгар “eBay”га даъвогарнинг сохта маҳсулотларини сотиш билан боғлиқ бўлган рекламаларни жойлаштиришни тақиқлашни суддан талаб қилади. Бироқ, суд жавобгар “eBay”ни айбсиз деб топади. Чунки, у даъвогарнинг товар белгиси бузилганлигидан хабари бўлмаган. Шунингдек, суд товарларни сотишни таъқиқлашдан бош тартади. Чунки, “eBay” тизимга жойлаштирилган миллионлаб янги эълонларни кўриб чиқишга ва аниқлашга мажбур эмас ҳамда айнан қайси эълон даъвогарнинг ҳуқуқларини бузганлигини даъво қилувчининг ўзи аниқлаши керак. Бироқ, АҚШ қонунчилигига кўра, жавобгар бундай ҳуқуқбузарликларнинг мавжудлигини ўзи кузатиб боришга мажбур эмас ва ўз навбатида даъвогар ҳам ҳуқуқбузарлик тўғрисида ҳеч қандай билдиришнома киритмаган. Бироқ, хизмат кўрсатувчи провайдерларни товар белгилари тўғрисидаги қонунни бузганлик учун жавобгарликдан озод қилиш бўйича махсус қоидаларнинг йўқлигига қарамай, судлар DMCA қоидаларига ўхшаш қоидаларни икки хил турдаги иккиламчи жавобгарликни (secondary liability) қўллаб-қувватлайдилар:

субсидиар (викар) жавобгарлик (Vicarious liability) – шахснинг жавобгарлиги, агар у қонунбузарнинг ҳаракатларини назорат қилиш имкониятига эга бўлса, лекин қонунбузарликни тўхтатиш учун ҳеч қандай ҳаракат қилмаса ва шу билан бирга бундай ҳаракатлардан молиявий фойда кўрса юзага келади.

солидар (ҳисса қўшувчи) жавобгарлик (Contributory liability) – ҳуқуқбузарликда иштирок этганлик учун жавобгарлик, бунда айнан содир этилаётган ҳуқуқбузарлик тўғрисида хабардор бўлиш асосий рол ўйнайди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, АҚШ қонунчилигида хизмат кўрсатувчиларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган суд тақиқлари аниқ белгиланмаганлиги сабабли, прецедент ҳуқуқи суд буйруқларини чиқариш учун кўпроқ умумий қоидага амал қилиш йўлидан боради. Бунда федерал судларга нафақат тарафлар ва уларнинг вакилларига нисбатан, балки “улар билан фаол алоқада бўлган бошқа шахсларга” нисбатан ҳам суд буйруқларини бериш ҳуқуқига эга бўлган федерал тартиб мавжуд. Масалан, “North Face Apparel Corp v. Fujian Sharing Import and Export” даъвоси, АҚШда сохта маҳсулотларни сотиш ва фирибгарлик билан шуғулланувчи Хитойда жойлашган бир гуруҳ веб-сайтларга қарши қўйилган. DMCAнинг 65-қоидаларига асосланиб даъвогарлар АҚШ тарихида биринчи марта провайдерлар томонидан ушбу веб-сайтлар учун товар белгиларига бўлган ҳуқуқларининг бузилиши тўхтатилишига эришди. Онлайн платформалар (агрегаторлар)нинг жавобгарлигига нисбатан судлар шундай ёндашувни қўллаб-қувватламоқдаларки, товар белгисини бузганлик учун жавобгарликни агрегаторга юклаш учун у шунчаки мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик тўғрисида билимга эга бўлиши керак, яъни, ким ва кимнинг ҳуқуқларини бузётганини билиш керак.

АҚШ суди “Tiffany (NJ) Inc. v. eBay Inc.” иши бўйича “V. eBay Inc.”нинг жавобгарлигини баҳолашда “Inwood” тести стандартини танлади. Бу теста кўра суд “eBay”нинг сотувчиларга ўз хизматларини кўрсатиш давомида товар белгиларига бўлган ҳуқуқларни бузганлигини билганлигини аниқлаш керак эди. Ушбу ҳолат исботланмагани сабабли, суд жавобгарнинг вазиятни тузатишга ҳеч қандай мажбурияти йўқ, деб қарор қилади. DMCAга ўхшаш равишда, товар белгилари соҳасидаги суд амалиёти шуни англатадики, хизмат кўрсатувчи провайдерлар, қоидабузарлик учун жавобгарликдан қочиш учун, қоидабузарлик контентини кўрсатма бўйича ўчириб ташлашади. Шунга ўхшаб, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш мажбурияти товар белгиси эгасига юкланган.

Умидбек НУРУЛЛАЕВ,

*Жамоат ҳавфсизлиги университети
мустақил изланувчиси (PhD).*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. United States Code // Legal Information Institute. 1990. P. 173. Available at: <https://www.law.cornell.edu/uscode/text/17/512>.
2. United States Code // Legal Information Institute. 1990. P. 173. Available at: <https://www.law.cornell.edu/uscode/text/17/512>.
3. Perfect 10 v. Google, Inc., et al., 416 F. Supp. 2d 828 (C.D. Cal. 2006). Available at: https://www.courtlistener.com/pdf/2011/08/03/Perfect_10_Inc._v._Google_Inc.pdf.
4. Io Group, Inc. v. Veoh Networks, Inc., 586 F. Supp. 2d 1132 (N.D. Cal. 2008). Available at: <https://www.courtlistener.com/opinion/1903715/io-group-inc-v-veoh-networks-inc>.
5. Bridy A. Copyright's digital deputies: DMCAplus enforcement by Internet intermediaries. P. 186–187. Available at: <http://infojustice.org/archives/34696>.
6. Pavlycheva A. I. Suppression of violations of intellectual rights on the Internet. The U.S. Experience // Journal of the Intellectual Property Rights Court, No. 26, December 2019, P. 44–56.
7. Pavlycheva A. I. Suppression of violations of intellectual rights on the Internet. The U.S. Experience // Journal of the Intellectual Property Rights Court, No. 26, December 2019, P. 44–56.
8. Pavlycheva A. I. Suppression of violations of intellectual rights on the Internet. The U.S. Experience // Journal of the Intellectual Property Rights Court, No. 26, December 2019, P. 44–56.

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, маъмурий судлов, яъни оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиған низолярни кўриб чиқиш тушунчаси хорижий давлатлар билан Ўзбекистонда деярли бир хил эмас.

Бугунги кунда дунё қонунчилигида маъмурий судловнинг бир неча моделлари мавжуд бўлиб, А. Соловьёв ва Р.Опалевларнинг таъкидлашича, хорижлик олимлар кўпинча учта, яъни инглиз, француз ва немис моделини ажратиб кўрсатадилар.

А. Зеленцов, ўз навбатида, моделларни юрисдикция органларининг ихтисослашув мезонлари ва ушбу органлар фаолиятининг устувор мақсади бўйича таснифлайди. Биринчи мезон бўйича олим ихтисослашган маъмурий судлар моделини, жумладан, немис ва француз моделини ҳамда умумий судлар юрисдикцияси моделини ажратиб кўрсатади.

Француз ва немис модели ихтисослашган маъмурий судларнинг мавжудлиги билан ажралиб туради. А. Зеленцовнинг таъкидлашича, уларнинг зарурати хусусий ва оммавий ҳуқуқнинг, фуқаролик-ҳуқуқий ва маъмурий низолярнинг фарқланиши билан белгиланади.

Француз моделига кўра, маъмурий низолярни ҳал этиш жараёнида махсус субъектлар ҳисобланган маъмурий органларнинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги баҳоланади, шу сабабли, ушбу баҳолаш ижро этувчи ҳокимият тизимининг ўзида амалга оширилиши керак. Бундай ҳолатларда суд ишларини юритиш умумий ва махсус маъмурий юрисдикцияга эга бўлган маъмурий трибуналлар томонидан амалга оширилади. Бугунги кунда Францияда иккита мустақил суд тизими - умумий юрисдикция судлари ва маъмурий судлар фаолият кўрсатмоқда, бунда маъмурий судлар ижро этувчи ҳокимият тизимига киради.

Маъмурий судлар тизимига турли тоифадаги ишлар бўйича биринчи, апелляция, кассация инстанцияси бўлган ва суд назоратини амалга оширувчи Давлат кенгаши раҳбарлик қилади. Ушбу орган одил судловни амалга оширишдан ташқари, бошқа ваколатларга ҳам эга.

Қуйи поғонада маъмурий апелляция судлари, маъмурий судлар ва ихтисослашган маъмурий судлар мавжуд бўлиб Молиявий судлар, Бошпана ҳуқуқи масалалари бўйича миллий суд ва бошқалар шулар жумласидандир. Маъмурий судларга барча маъмурий низоляр тааллуқлидир, бундан қонун ҳужжатлари билан бошқа суднинг ихтиёрига ўтказилган низоляр мустасно. Қарорлар одатда ҳайъатда ёки муҳим ишлар бўйича - ялпи мажлисда қабул қилинади. Шунингдек, Маъмурий ва маъмурий апелляция судлари маслаҳат функцияларини ҳам бажаради.

Ихтисослашган судлар орасида молиявий судларни алоҳида таъкидлаш лозим бўлиб, уларга Ҳисоб палатаси, минтақавий ва ҳудудий ҳисоб палаталари, Бюджет ва молия интизоми судлари киради. Ҳисоб палатасининг ваколатига қуйи ҳисоб палаталарининг қарорларини апелляция тартибида кўриб чиқиш, шунингдек давлат органларининг молиявий ҳисоботларини текшириш киради. Бюджет ва молиявий интизом суди ўз ўрнида мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, француз суд ишларини юритиш низолашилаётган ҳужжат турига ва жабрланувчининг талаблари хусусиятига қараб бир неча турларга бўлинади:

биринчидан, маъмурий ҳужжатлар низолаштирилаётган умумий характердаги суд ишларини юритиш;

иккинчидан, давлат мулки билан боғлиқ низолярда, жиддий маъмурий ҳуқуқбузарликларда ва интизомий жазо чораларида қўлланиладиган таъсирчан суд ишларини юритиш;

учинчидан, умумий юрисдикция судларининг сўровлари асосида қўлланиладиган қонунийликни талқин қилиш ёки баҳолаш тўғрисидаги иш юритиш;

тўртинчидан, суд маъмурий ҳужжатни тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ваколатли бўлган бекор қилиш бўйича иш юритиш.

Немис модели умумий юрисдикция судлари тизимига кирмайдиган судларнинг алоҳида тармоғи мавжудлигига асосланади. Бундай бўлиниш ижро этувчи ҳокимиятдан мустақиллик ва оммавий ҳамда хусусий манфаатларни ажратиш билан белгиланади. Шунга кўра, француз моделидан фарқли ўлароқ, маъмурий судлар ижро ҳокимиятига эмас, балки суд ҳокимияти тизимига киритилади.

Германия Федератив Республикасининг 1949 йил 23 майдаги Асосий қонуни 19-моддасининг тўртинчи қисмида оммавий ҳокимият томонидан бирон-бир шахснинг ҳуқуқлари бузилган тақдирда, у судга музоаҳаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган. Агар бошқача судловга тегишлилик белгиланмаган бўлса, унда низо умумий судларнинг ваколати доирасида кўриб, ҳал этилади.

Маъмурий суд ишларини юритиш соҳасидаги муносабатлар Германиянинг 1960 йил 21 январдаги “Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида”ги қонуни билан тартибга солинади.

Маъмурий юрисдикция маъмурий органлардан ажратилган мустақил судлар томонидан амалга оширилади. Маъмурий судлар тизими Федерал маъмурий суд, Олий ер маъмурий судлари ва Ер маъмурий судларини ўз ичига олиб, улар мустақил ҳисобланади. Умумий қоидага кўра, ер маъмурий судлари бошқа судлар ваколатига кирадиган ва конституциявий хусусиятга эга бўлган низолярдан ташқари барча низолярни кўриб чиқади. Олий ер маъмурий судлари ўз навбатида маъмурий судлар қарорларини апелляция тартибида қайта кўриб чиқади, шунингдек муайян тоифадаги ишларни биринчи инстанция судлари сифатида кўриб чиқади. Федерал маъмурий суд биринчи ва иккинчи инстанция қарорларини кассация тартибида қайта кўриб чиқади ҳамда муайян ишларни биринчи ва охириги инстанцияда кўриб чиқади.

Маъмурий одил судловни ташкил этишнинг АҚШ, Буюк Британия, Канада, Австралия ва бошқа мамлакатларда қўлланиладиган англосаксон модели ҳам мавжуд бўлиб, у маълум даражада тадқиқотчиларда қизиқиш уйғотади. Буюк Британияда кўриб чиқилаётган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи асосий ҳужжат 2007 йилда қабул қилинган “Трибуналлар, Судлар ва ҳуқуқни қўллаш тўғрисида”ги қонундир. Ҳозирги вақтда Буюк Британияда ижро этувчи ва суд ҳокимияти ўртасида оралиқ ўринни эгаллаган квазисуд органларини ифодаловчи трибуналлар тизими амал қилмоқда. Ушбу органлар асосан шахс ва давлат ўртасидаги кенг қўламли низолярни ҳал этиш учун мўлжалланган.

Мазкур тизимнинг асоси биринчи босқич трибуналлари ва бир неча палаталардан иборат юқори трибуналлардир. Трибуналлар ўз қарорларини нафақат шахсларнинг аризалари бўйича, балки ўз ташаббуси билан ҳам қайта кўриб чиқишлари мумкин. Шунингдек, трибуналлар қарорлари устидан судга шикоят қилиш мумкин. Юқо-

ри трибунал мажбурий бўлган прецедентлар яратиш ҳуқуқига эга, бу прецедентлар биринчи босқич трибуналлари учун.

Ушбу органлардан ташқари, Буюк Британия маъмурий адлия тизимида Маъмурий суд ҳам қиради. У Олий суднинг қироллик суд тизимидаги ихтисослашган суди бўлиб, хусусан, судлар, трибуналлар ва бошқа органлар қарорларини қайта кўриб чиқиш ваколатига эга. Апелляция суди, Олий суд, Графлик судлари, Тож суди ва Магистратлар судлари ҳам маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида муайян ваколатларга эга.

АҚШда маъмурий судловни тартибга солишчи асосий ҳужжат 1946 йилдаги “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонун ва штатларнинг шунга ўхшаш қонунлари билан амалга оширилади.

Ҳуқуқшунослар А.А. Соловьёв ва Р.О. Опалевларнинг таъкидлашларича, кўриб чиқиладиган соҳада маъмурий агентликлар муҳим роль ўйнайди. Булар қаторига бошқа агентликка бўйсунмиш-бўйсунмаслигидан қатъи назар, АҚШ ҳокимиятининг барча вакиллари қиради. Бироқ, ташқи ишлар ва ҳарбий органлар, Конгресс, адлия органлари, пойтахт округи бошқарув органлари ҳамда штатларнинг қонун чиқарувчи органлари бундан мустасно. Ушбу агентликлар ижроия ва мустақил турларга бўлинади. Биринчисининг асосий белгиси шундаки, уларнинг бошида Президент томонидан тайинланадиган ва унинг олдида масъул бўлган мансабдор шахслар туради. Мустақил маъмурий агентликлар эса ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларини тартибга солиш учун Конгресс томонидан ташкил этилади.

Шунга кўра, фуқаролар ва давлат органлари ўртасидаги низоларни кўриб чиқиш асосан маъмурий агентликларнинг ўзлари томонидан, махсус ва мустақил экспертлар ҳисобланган судьялар орқали амалга оширилади. Бунда улар умумий судлар назорати остида фаолият юритади.

Хулоса қилиб айтганда, хорижий мамлакатларда маъмурий низоларни ҳал этиш ҳам суд, ҳам ижро ҳокимияти тизимида фаолият юритувчи ихтисослашган судлар, умумий юрисдикция судлари ва квазисуд органлари томонидан амалга оширилади. Шунга кўра, маъмурий адлия органлари ўз моҳияти ва ваколатлари кўламига кўра анча хилма-хилдир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда маъмурий суд ишларини юритиш тартибга солишчи махсус ҳужжат - Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (2018 йил 26 январда қабул қилинган ва 2018 йил 1 апрелда қўллаб қўйилган) билан тартибга солинади.

Ушбу кодекс 4 бўлим 29 бобни ўз ичига олган ва унда асосий қоидалар, маъмурий суд ишларини юритиш принциплари, суднинг таркиби, судьяни ва маъмурий суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчиларини рад қилиш, маъмурий ишларнинг судга тааллуқлилиги ва судловга тегишлилиги, судга тааллуқлилиги, судловга тегишлилиги, маъмурий суд ишларини юритиш иштирокчилари, маъмурий процессуал ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати, маъмурий суд ишларини юритиш иштирокчиларининг таркиби, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, судда вакиллик, далиллар ва исботлаш, маъмурий суд ишларини юритишда дастлабки ҳимоя чоралари, иш юритишни тўхтатиб туриш, аризани (шикоятни) кўрмасдан қолдириш, иш юритишни тугатиш, суд харажатлари, процессуал муддатлар, суд жарималари, суд хабарномалари ва чақирувлари, келишув битими, иш кўзғатиш, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш, суд муҳокамаси, суднинг ҳал қилув қарори ва уни қабул қилишнинг умумий қоидалари, ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин суднинг ҳаракатлари, ҳал қилув қарорининг қонуний қучга

кириши ва уни ижрога қаратиш тартиби, суд ажрими ва қарори, суд баённомаси, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш, маъмурий органлар ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни юритиш, йўқолган суд ишини юритишни тиклаш, апелляция инстанцияси судида иш юритиш, кассация инстанцияси судида иш юритиш, суд ҳужжатларини тафтиш тартибида қайта кўриш бўйича иш юритиш ва қонуний қучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш юзасидан иш юритиш каби параграфлардан иборат.

Бизнинг фикримизча, маъмурий суд ишларини юритишга бағишланган алоҳида ҳужжатнинг мавжудлиги у билан тартибга солинадиган муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари туфайли зарур ҳисобланади. Шу сабабли, етакчи хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси асосида мамлакатимизда юқорида номи келтирилган кодекс қабул қилинди. Таҳлил қилганимиздек, романо-герман ҳуқуқий оиласи мамлакатларининг хорижий тажрибаси маъмурий суд ишларини юритишда алоҳида ҳужжатнинг мавжудлигини кўрсатади. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг қабул қилиниши республикамиз маъмурий судлов тизимини ривожлантиришда олдинга ташланган қадамдир.

Фикримизча, ҳуқуқ тўғрисидаги низони ҳал қилиш Франция, Буюк Британиядаги каби ижро ҳокимияти доирасида эмас, балки суд ҳокимияти доирасида амалга оширилиши керак. Албатта, низони ижро этувчи ҳокимиятга тегишли бўлган органда, масалан, солиққа оид низоларни дастлаб ҳал қилиш комиссиясида кўриб чиқиш имкониятини истисно қилиб бўлмайди, бироқ, низоларни ҳал этишда суд иштирок этиши шарт. Бунда, маъмурий суд судьяларининг етарли билим ва кўникмага эга бўлиши, низоларнинг қонуний ва адолатли ҳамда сифатли ҳал этилишига ва натижада суднинг чинакам адолат кўрғонига айланишига олиб келади.

Сарварбек РАХМОНОВ,

Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Соловьёв А.А., Опалев Р.О. Административная юстиция в зарубежных государствах: особенности функционирования отдельных институтов административного судопроизводства: монография. – М., 2017. 19-б.
2. Зеленцов А.Б. Модели административной юстиции в современном мире и особенности ее организации в России // Вестник Университета имени О.Е. Кутафина. – 2015. - № 8 (12). 39-б.
3. Франция маъмурий судлов кодекси [Электрон манба] // URL: <https://www.legifrance.gouv.fr/>
4. Беше-Головко К. Административная юстиция во Франции: вопрос развития правового государства // Административное судопроизводство в Российской Федерации: развитие теории и формирование административнопроцессуального законодательства. – Воронеж, 2013. 793-б.
5. Германия Федератив Республикасининг Асосий қонуни / 23.05.1949 й. [Электрон манба] // URL: http://www.concourt.am/armenian/legal_resources/world_constitutions/constit/germany/german-r.htm (мурожаат қилинган сана: 12.12.2024).
6. Буюк Британиянинг Трибуналлар, Судлар ва ҳуқуқни қўллаш тўғрисидаги Қонун / 2007 йил [Электрон манба] // URL: <http://www.legislation.gov.uk/ukpga/2007/15/contents> (мурожаат қилинган сана: 19.11.2024).
7. URL: <https://www.gov.uk/government/organisations/hmcourts-and-tribunals-service/about>
8. Соловьёв А.А., Опалев Р.О. Административная юстиция в зарубежных государствах: особенности функционирования отдельных институтов административного судопроизводства: монография. – М., 2017. 68-69-бетлар.

ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ БИОХИЛМА-ХИЛЛИККА ТАЪСИРИ

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада қайта тикланувчи энергия манбаларини шакллантиришнинг ҳуқуқий механизмлари, аҳамияти ва улардан фойдаланишнинг экотизим ва биологик хилма-хилликка ижобий ва салбий таъсири таҳлили, муқобил энергия манбаларининг классификацияси ва кенг қўлланилаётган шакллари таснифи, соҳа ва узоқ ҳудудлар ривожини учун қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларни такомиллаштириш масалалари, шунингдек Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбаларини жойлаштириш, яратиш, сақлаш ва истеъмолчиларга узатиш, субъектларга етказиб бериш масалалари билан боғлиқ ечим ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар: муқобил, қайта тикланадиган, яшил энергия, барқарор ривожланиш, экотизим, биологик хилма-хиллик, яшил иқтисодиёт.

Ҳар қандай ҳудуднинг биохилма-хиллигига салбий таъсир кўрсатадиган тармоқлардан бири бу – энергетикадир. Янаям аниқроқ айтадиган бўлсак, анъанавий энергия олиш усули, табиатга, атмосфера ҳавосига катта миқдордаги ис газларининг ажралиши билан зарар етказиши. Ҳеч кимга сир эмас, ернинг юза қисмини қоплаб олган парник газлари ҳозирги кунда бутун дунёда иқлим ўзгаришига олиб келаётган сабаблардан бири бўлмоқда.

Бугунги кунда дунё бўйича яшил технологияларни яратиш ва сотиш бозорлари ҳар йили 30 фоизга ошиб бораётганини ва уларнинг жаҳон ялпи ички маҳсулотига қўшган ҳиссаси йилига 6-7 фоизга ўсаяётганини кузатиш мумкин. Қайта тикланувчи энергия бўйича халқаро агентлик - IRENA томонидан 2024 йилда эълон қилинган ҳисобот натижаларига кўра, 2030 йилга бориб дунёда қайта тикланадиган энергия улуши 3 баробар ортади, буни дунёдаги қайта тикланадиган энергиянинг жорий кўрсаткичлари тасдиқлайди. Ҳисоботда айтилишича, "яшил энергия манбалари қаторига 2023 йилда янги қўшимча 473 гигаватт қувватли манбалар қўшилган бўлиб, бу 2022 йилга нисбатан 54 фоизга кўп".

Назарий жиҳатдан олиб қаралганда, ҚТЭМдан кенг қўламда фойдаланиш мамлакатлар табиий манбаларининг тежалиши, биохилма-хилликка ҳамда табиатга етказилаётган зарарнинг камайиши билан ҳам жозибалидир. Аммо, ҚТЭМни яратиш, сақлаш ва узатиш билан боғлиқ молиявий - иқтисодий харажатлар, бундай энергияни ишлаб чиқариш учун бажарилиши лозим бўлган шартлар, ушбу манбаларга бўлган эҳтиёжни шубҳа остига солмоқда.

Республикаимизнинг энергияга бўлган шу кундаги эҳтиёжини ҳисобга оладиган бўлсак, олис ва бориш қийин бўлган туманларда аҳолига зарур шароитлар яратиш ва маҳаллий саноатни ривожлантириш орқали доимий даромад манбаларини йўлга қўйиш учун кичик ҳажмдаги энергия манбаларини таъминлаши мумкин бўлган ҚТЭМларини шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, электр энергияси ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган турли қувватга эга қуёш фотоэлектр тизимлари ва шамол генераторлари ўрнатилган жойлар атрофида салбий омилларни камайтириш мақсадида уларни тўғри лойиҳалаштириш даркор.

Қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш кўп миқдордаги ва мураккаб бўлишига қарамасдан ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишини жадаллаштиради. Масалан, агросаноат комплекслари қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш учун яхши асос бўлиб хизмат қилади, бу ерда ҳайвонот ва ўсимлик чиқиндилари биогаз ишлаб чиқариш учун хом ашё, шунингдек, суюқ ва қаттиқ ёқилғи ҳамда органик ўғит ишлаб чиқариш ҳисобланади.

Қуйида БМТ ташкилотининг экспертлари томонидан шакллантирилган "яшил энергия"нинг кенг қўлланиладиган манбаларининг табиатдаги биохилма-хилликка салбий ва ижобий таъсири, ютуқлари ва камчиликларини қиёсини келтириб ўтадим.

1. Қуёш энергияси. Афзалликлари — бу зарарли чиқиндиларсиз ва иссиқхона газларини чиқармасдан, ер юзининг турли ҳудудларида ишлатилиши мумкин бўлган қайта тикланадиган энергиядир.

Камчиликлари — қуёш нурларининг доимий эмаслиги (кечаси), энергияни сақлаш ва етказиб бериш учун литий батареяларидан фойдаланиш зарурати, фотоэлементларнинг қимматлиги, шунингдек ишлатиб бўлинган фотоэлементларнинг утилизацияси масаласи ҳал этилмаганлиги (фотоэлементлар экология учун зарарли моддаларни ўз ичига олади) ва қуёш станцияларининг катта ер участкаларини эгаллаши.

2. Шамол. Афзалликлари — шамол энергияси қайта тикланади, атмосферага зарарли моддалар ва иссиқхона газларини чиқармайди.

Камчиликлари — шамол турбиналари ишлаши учун доимий кучли шамол оқимини талаб қилади, шамол оқими паст бўлганда ишлатиш учун қўшимча аккумуляторлар зарур, турбиналар ишлаши асносида шовқин юзага келиши кўчманчи қушларнинг йўналишига таъсир қилади ҳамда шамол турбиналари ўрнатилган ҳудудларда тупроқнинг унумдор қатлами йўқолиб, чўллашиш ҳолатлари кузатишмоқда.

3. Гидроэнергетика. Афзалликлари — сув оқимлари ва тўлқин энергияси қайта тикланади, осон энергияга айланади, иссиқхона газлари ва атмосферага зарарли чиқиндилар ажратмайди.

Камчиликлари — энергия фақат сув бор жойда ишлаб чиқарилади, ГЭС қуришнинг қимматлиги, ГЭСнинг яқин атрофдаги экотизимга салбий таъсири ва фавқулодда вазият юзага келганда яқин-атрофдаги аҳоли масканларини сув босиши хавфи мавжуд.

4. Геотермал энергия. Афзалликлари — ер қаъри иссиқлиги қайта тикланадиган, атмосферага зарарли ёки иссиқхона газларини чиқармайди.

Камчиликлари — ер қаъридан энергия олиш қийин ва қиммат, узоқ муддатли фойдаланиш натижасида биохилма-хилликка салбий таъсир кўрсатади ва асосий энергия манбаи бўла олмайди.

5. Биогаз. Афзалликлари — қишлоқ хўжалигида фойдаланилганда қулай ва оддий, шунингдек, арзон энергия, чиқиндиларни утилизация қилиш муаммосини ҳал қилади, газ олиш жараёнида ўғит ишлаб чиқарилади, ҳосил бўлган ис газини, табиий чириш ва бижғиш жараёнига тенгдир.

Камчиликлари — бижғиш жараёнида ҳосил бўлган бактериялар инсон саломатлигига зарарли, санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя қилинмаган тақдирда касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлиши ва биомасса қурилмасининг нотўғри ишлатилиши натижасида портлаш ҳолатларининг вужудга келиши.

6. Атом энергияси. Атмосферага иссиқхона газлари чиқиндилари ажралишини камайтиришга қаратилган энергия таъминоти муаммосининг ечими сифатида қаралмоқда.

Афзалликлари — энергия таннархи пастлиги, стериллик ва қайта тикланишидир.

Камчиликлари — бу технологиянинг радиоактивлиги, манба яратиш учун катта маблағ талаб қилиниши, энергия ишлаб чиқариш фаолияти натижасида ҳосил бўладиган радиоактив чиқиндиларнинг зарarli таъсири минг йиллар давомида сақланиб қолиши, инсон саломатлиги ва яқин атрофдаги экотизимга зарarli таъсири борлиги, қолаверса ҳалокат содир бўлган тақдирда атроф-муҳит ва биологик хилма-хилликка етказиши мумкин бўлган зарар қўламининг кенглиги.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланган бўлсак, ҚТЭМ қуйидаги камчиликларга эга — булар мавжуд энергия манбаларининг аксарият турлари учун энергия оқимининг унчалик зич эмаслиги ва ўзгарувчанлиги, унинг технологиялари солиштирма қийматининг юқорилиги ва фойдалилик қийматининг пастлиги.

Шу ўринда Квинсленд университети (Австралия) бир гуруҳ олимлари томонидан табиий манбалар — қуёш, шамол ва гидроэнергетика иншоотларидан олинган 12,5 минг қайта тикланувчи энергия манбалари жойлашувининг таҳлилларига назар соладиган бўлсак, маълум бўлишича, 2000 дан ортиқ "яшил энергия" объектлари, ҳудудий жойлашувига кўра мавжуд экотизимнинг — биохилма-хиллигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу билан бирга, уларнинг 169 га яқини алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда шакллантирилган.

"Муҳим аҳамият касб этадиган биологик хилма-хил ҳудудларда фаолият юритаётган 2200 дан ортиқ қайта тикланган энергия объектлари мавжуд, яна 900 та шундай объект қурилмоқда. Энергетика объектлари ва улар атрофидаги инфратузилма, масалан, йўллар, инсон фаоллигининг кучайиши (бундай объектларга техник хизмат кўрсатадиган мутахассислар учун аҳоли пунктларининг қурилиши) атроф-муҳитга сезиларли даражада зарар етказиши мумкин" — деб тушунтирди Global Change Biology журна-лида ҳозирча таҳқиқотнинг етакчи муаллифи Хосе Ребаин.

Таҳқиқотчиларнинг таъкидлашича, шубҳасиз қазиб олинган ёқил-гилардан — нефт, кўмир, сланес, табиий газ, торф, шунингдек ер остида ёки очик усулда қазиб олинган бошқа ёнувчан минераллар ва моддалардан қайта тикланган энергияга ўтиш ҳозирги кунда антропоген климат ўз-гаришини секинлаштирувчи асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Бироқ, сўнгги 20 йил ичида яшил энергия объектлари сони уч баравар кўпайган ва кўпинча ердан интенсив фойдаланиш зоналарига айлантири-либ, етарли миқдорда энергия ишлаб чиқариш учун анъанавий энергия объектлари жойлашган ҳудудлардан кўра каттароқ ер майдонини талаб этади. Қолаверса яқин атрофдаги қўриқланган, махсус режимли ерлар-даги биохилма-хилликка зарар етказиши.

Шу билан бирга, ҚТЭМдан фойдаланишнинг айрим хатарли томонлари бўлса-да, энергияни самарали ишлаб чиқариш ва ундан оқилон фойдаланиш табиий манбаларимизни асраб-авайлаш ва атроф-муҳит емирилишининг ол-дини олиш борасида қулай усулдир. ҚТЭМнинг яна бир афзаллиги шундаки, улар углеводород манбаларини электр энергияси ишлаб чиқариш учун ёқиб эмас, балки нефт-кимё саноатида қимматли хомашёларни маҳаллийлашти-риш учун хом ашё сифатида ишлатишга йўналтириш имконини беради. ҚТЭМ яқин келажакда олис ва анъанавий энергия линияларини олиб бориш қийин бўлган ҳудудларда жойлашган аҳоли масканлари учун иқтисодий асосланган энергия ишончли манбаси бўлиши мумкин.

Бугунги кунда дунё миқёсида энергетика технологияларини ривожлан-тириш ва жорий этиш (иссиқлик ва электр энергиясини биргаликда ишлаб чиқариш, ёқилғи элементлари, кўмирни газлаштириш, суяқ синтетик ёқилғи турлари), ёқилғи ва энергиядан фойдаланиш самардорлигини ошириш, кенг миқёсда энергия ишлаб чиқариш жараёнида қайта тикланган энергия ман-балари улушини ошириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу ўринда истеъмолчиларнинг энергиядан оқилон фойдаланиши ҳам муҳим масалалардан ҳисобланади. Биз энергиядан янада самарали-роқ фойдаланишимиз даркор. Бундан қўзланган мақсад қимматли ман-балар захирасини камайтирмаслик, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва

емирилишига салбий таъсир кўрсатмаслик ҳамда энергияни беҳуда ишлаб чиқармасликдир. Бу ёндашув энергия учун уни ишлаб чиқариш таннархига яқинлашадиган нархни белгилашни талаб қилади, шунингдек, у самара бе-радиган энергетика ускуналарини ишлаб чиқариш ва аҳоли онгида энергия-дан тежаб фойдаланиш тушунчасини шакллантиришга қаратилган.

Энергия ишлаб чиқариш жараёнини иқтисодий нуқтаи назардан тизим-ли равишда таҳлил қиладиган бўлсак, ҚТЭМ таннархи анъанавий ёқилғига қараганда анча арзон эканлиги аён бўлади. ҚТЭМ технологияларини яна-да ривожлантириш борасида катта имкониятларга эгалиги ҳамда саноатда фойдаланиш салоҳияти ҳозирча тўлиқ ишга солинмаганини эътиборга ола-диган бўлсак, реал иқтисодиётда ҚТЭМдан фойдаланиш катта истиқболга эга эканини такидлаш мумкин.

Экологик жиҳатдан назар ташлайдиган бўлсак, биз юқорида ҚТЭМдан фой-даланишнинг ўзига хос салбий ва ижобий томонлари мавжудлигини таҳлил қил-дик, бироқ муқобил энергиядан фойдаланишнинг ижобий томонлари анча кўп эканлигини эътиборга олиб, инсон омили ва техник носозликлар натижасида юзага келиши мумкин бўлган ҳалокат ҳолатлари ва нохушликларнинг олдини олиш чораларини кўриш орқали салбий таъсирини нисбатан камайтириш мум-кин.

Шунингдек, ҚТЭМнинг биохилма-хилликка салбий таъсирини камайтириш борасида, қуйидаги таклифни илгари сурамиз: яъни, "яшил энергия" манбала-рини ҳудудий жойлаштириш жараёнида уларнинг мавжуд экотизимга таъсири қўламини мутахассислар томонидан ўрганиб чиқиб, жойлаштириш ва тақсим-лаш жараёнида экологик ва ҳуқуқий жиҳатларни ҳисобга олиб, мавжуд қонун-чилик доирасида иш тутиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Айниқса, ҳозирги кунда республикаимизга ҚТЭМни яратиш мақсади-да кириб келаётган хорижий инвесторлар, ушбу инвестиция лойиҳалари иштирокчиларига ва улар томонидан жалб қилинаётган пудрат ташкилот-ларига: халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ лойиҳаларни ишлаб чиқиш, қурилиш ва эксплуатация жараёнларида, бевосита қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда техник хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилиш, ёнгин хавфсизлиги ва фавқулодда содир бўлиши мумкин бўлган табиий офатлар ва ҳалокатларнинг олдини олишни таъминлаш шартлари-нинг қўйилиши ва объектларни қабул қилиш жараёнида махсус тузилган, жамоатчилик иштирокида соҳа ривожини учун жавобгар комиссия томонидан қатъий талаблар асосида қабул қилиниши таклифини берамиз.

Зотан она табиат инъоми бўлган ҚТЭМдан оқилон, безарар ҳамда са-марали фойдаланиш мамлакатимиз ривожини учун кўп йиллар хизмат қиладиган энергия таъминотини яратиш давр талабидир.

Дилафрўз САДИКОВА,

Тошкент давлат юридик университети таянч докторанти,

Феруз РАХМАТОВ,

Макроиктисодий ва ҳудудий таҳқиқотлар институти таҳқиқотчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. [Global change synergies and tradeoffs between renewable energy and biodiversity] - Santangeli - 2016 - GCB Bioenergy - Online library available at: <https://onlinelibrary.wiley.com/>
2. Klimaticheskaya shkatulka PROON UNDP Climate box [Priimushestvo i nedostatki razlichnix istochnikov energii] <https://climate-box.com/ru/textbooks/3-как-предотвратить-опасные-изменения-2/3-1-зелёные-источники-энергии/3-1-6-преимущества-и-недостатки-различны/>
3. Parij kelishuvi available at: <https://lex.uz/docs/5075088>
4. [Renewable energy development threatens many globally important biodiversity areas] available at: https://www.researchgate.net/publication/339715092_Renewable_energy_development_threatens_many_globally_important_biodiversity_areas
5. Stokgolmskaya konvensiya [o stoykix organicheskix zagrezeniyax] available at: <https://lex.uz/ru/docs/4436177>
6. Tripling renewable power by 2030:[The role of the G7 in turning targets into action] available at: <https://www.irena.org/Publications/2024/Apr/Tripling-renewable-power-by-2030-The-role-of-the-G7-in-turning-targets-into-action>

МУЛКНИ ҚАСДДАН НОБУД ҚИЛИШ ЁКИ УНГА ЗАРАР ЕТКАЗИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНГАН НОРМАЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Жиноят процессининг ҳар бир босқичида аввалги босқичга нисбатан назорат механизмлари ва функциялари мавжуд бўлиб, жумладан терговчи-терговга қадар, прокурор дастлабки тергов босқичида, судгача бўлган босқичда йўл қўйилган хатоларни аниқлаши ва бартараф қилиши зарур.

Роман-герман ҳуқуқ тизими Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги тузилмаларига кўпроқ яқин ҳисобланади. Бу тизимда Франция ва Германия каби давлатлар муҳим ўрин тутadi. Англо-саксон ҳуқуқ тизимида АҚШ ва Англия қонунчилиги кўрсатилган. Мусулмон ҳуқуқ тизими эса Ислон давлатларида қўлланиладиган қонунларни ўз ичига олади.

Франция Жиноят кодексига мулкка қарши жиноятлар учун махсус бўлим ажратилган бўлиб, унинг иккинчи бобида мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш жиноятлари келтирилган. Кодекснинг 322-1-моддаси икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмига кўра, мулкка зарар етказиш икки йил озодликдан маҳрум қилиш ва 30 000 евро жарима билан жазоланади. Агар шахс рухсатсиз биноларга, транспорт воситаларига, умумий фойдаланишдаги йўлларга ёки кўча мебелларига, жамоат мулкига зарар етказса, унга нисбатан ҳам 3 750 евро жарима белгиланган. Бу қонунчиликда мулкка етказилган зарарнинг характери ва ижтимоий хавфини инобатга олган ҳолда жазоларнинг оғирлаштирилган ҳолатлари ҳам кўзда тутилган. Мулкка зарар етказишнинг оғирлаштирилган ҳолатларида, айниқса, бир неча шахс томонидан ёки уюшган гуруҳ томонидан содир этилган жиноятлар учун жазо чоралари янада кучайтирилади. Мулкий жиноятларнинг турлари ва жавобгарлик чоралари ҳам алоҳида-алоҳида бўлинган.

Мулкка зарар етказиш: 322-1-моддага кўра, мулкка зарар етказиш икки йил озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима билан жазоланади. Агар жиноят ижтимоий хавфли бўлмаса, жазо чоралари енгиллаштирилиши мумкин.

Ўрмон ёнғинлари ва бошқа ёнғинлар: 322-5-модда Агар ўрмонларда ёки бошқа ёнғинлар натижасида мулкка зарар етказилса, жазо чоралари белгиланади. Агар бир неча шахс томонидан ёки уюшган гуруҳ томонидан содир этилган бўлса, жазо чоралари кучайтирилади.

Таҳдид ва зўравонлик: 322-6-моддасига кўра, таҳдид ёки зўравонлик билан содир этилган жиноятлар учун жазо чоралари катта бўлади. Агар жиноят бир неча шахс томонидан ёки давлат хизматчилари томонидан содир этилган бўлса, жазо кучайтирилади. Ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфли даражаси юқори ҳисобланади ва ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва 150 000 евро миқдорида жаримага тортилади.

Суиқасд: 322-4-моддасига мувофиқ, юқорида кўрсатилган жиноятларга суиқасд қилиш ҳам худди шу жазо чоралари билан жазоланади.

Мулкка зарар етказишнинг ижтимоий хавфи: Францияда мулкка зарар етказиш жиноятлари нафақат мол-мулкка зарар етказиш, балки жамиятдаги ижтимоий тартибот ва хавфсизликка ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун, мулкни муҳофаза қилиш ва жиноятларнинг олдини олиш учун қатъий жазо чоралари белгиланган. Мулкий жиноятларнинг олдини олиш мақсадида давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан турли тадбирлар, маърифий ишлар ва жамоатчиликни ҳабардор қилиш компаниялари ўтказилади.

Таълимий ва маърифий чоралар: Францияда жиноятларнинг олдини олиш ва мулкни муҳофаза қилиш мақсадида таълимий ва маърифий чоралар ҳам кўзда тутилган. Бу чоралар орқали аҳолининг ҳуқуқий билимлари оширилади ва жиноятларга қарши курашишда фаол иштирок этиши таъминланади.

Франция қонунчилигида мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш бўйича жиноий жавобгарлиқнинг белгилаб берилиши ва унга нисбатан қатъий чораларнинг кўрилгани мамлакатда ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган. Ушбу тажриба Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштиришда асосий манба бўлиши мумкин.

Германия Федератив Республикаси Жиноят кодексига мулкка зарар етказиш бўйича нормалар 303-моддада белгиланган. Ушбу моддага кўра, ўзганинг мулкига зарар етказиш ёки уни nobуд қилиш озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима билан жазоланади. Шунингдек, ГФР ЖКнинг 303с-моддасига кўра, жабрланувчининг аризаси талаб қилинади, прокуратура органлари томонидан расмий аралашув мажбурий эмас. ГФР жиноят қонунчилигида мулкка зарар етказишнинг оғирлаштирилган ҳолатлари ҳам кўзда тутилган бўлиб, жиноятнинг оғирлик даражаси ва зарарнинг миқдори инобатга олинади. Шунингдек, ушбу қонунларда қасддан ёки эҳтиётсизлик билан содир этилган жиноятлар орасидаги фарқлар аниқ кўрсатилган.

Мулкка зарар етказиш учун жавобгарлиқни белгилөөчи нормалар:

биринчидан, ўзганинг мулкига ноқонуний равишда зарар етказиш ёки уни nobуд қилиш учун озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима билан жазо берилади. Мазкур моддада мулкка зарар етказиш ва унинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси инобатга олинади (303-модда);

иккинчидан, жабрланувчининг аризаси талаб қилинишини назарда тутadi. Агарда жабрланувчи ариза бермаса, прокуратура органлари томонидан расмий аралашув мажбурий эмас. Бундан мустасно ҳолатлар жамоатчилик манфаатлари билан боғлиқ ҳолларда бўлади (303с-модда);

учинчидан, умумий мулкка зарар етказганлик учун ҳам жазо чоралари белгиланган. Давлат мулкига ёки жамоат ташкилотларининг мулкига зарар етказган шахслар ҳам озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима билан жазоланади (304-модда).

Мулкий жиноятларнинг оғирлаштирилган ҳолатлари:

биринчидан, агар жиноят уюшган гуруҳ томонидан содир этилган бўлса, жазо чоралари кучайтирилади. Бу ҳолатда озодликдан маҳрум қилиш муддати ва жариманинг миқдори ҳам катта бўлиши мумкин;

иккинчидан, мулкий жиноятлар қасддан ёки эҳтиётсизлик билан содир этилган бўлса ҳам уларнинг жазо чоралари фарқли бўлиши мумкин. Қасддан содир этилган жиноятлар учун жазо чоралари оғирлаштирилади;

учинчидан, агар жиноят натижасида мулк бутунлай nobуд қилинган бўлса, жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси юқори деб баҳоланади ва жазо чоралари кучайтирилади.

Германия Федератив Республикаси Жиноят кодексига мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш жиноятлари учун жавобгарлик аниқ белгилаб берилган ва жиноий жавобгарликнинг оғирлаштирилган ҳолатлари ҳам кўзда тутилган. Бу қонунчилик мулкний жиноятларнинг олдини олиш ва жамоатчиликни муҳофаза қилиш мақсадида ишлаб чиқилган.

АҚШ қонунчилигида мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш бўйича ҳар бир штатлар ва федерал қонунлари мавжуд; Калифорния, Нью-Йорк, Техас штатлари жиноят кодексига мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш озодликдан маҳрум қилиш ва жарималар билан жазоланади. Бу штатларда мулкка зарар етказиш жиноятларининг ижтимоий хавфлилиқ даражаси юқори ҳисобланади ва содир этилган жиноятга қатъий жазо чоралари белгиланган.

Федерал қонунларга кўра, федерал мулкка зарар етказган шахслар 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки 250 000 долларгача жарима билан жазоланиши мумкин. Бу қонун федерал мулкни муҳофаза қилиш ва жиноятларнинг олдини олишда муҳим роль ўйнайди.

Мулкний жиноятлар учун жазо чораларини белгиловчи нормаларни ишлаб чиқишда ижтимоий хавф омилларини инobatта олиш ва ушбу нормага жуда кўп миқдорни киритиш зарур. Бу мулкний жиноятларнинг тўғри баҳолалишини таъминлайди.

АҚШ қонунчилигидаги каби, Ўзбекистонда ҳам уюшган гуруҳ томонидан содир этилган мулкний жиноятлар учун қатъий жазо чораларини кўриш зарур. Бу билан уюшган гуруҳларга қарши кураш кучайтиради.

Буюк Британияда мулкка зарар етказиш учун озодликдан маҳрум қилиш ва жарима жазолари белгиланади. Мисол учун мулкка зарар етказган шахс озодликдан маҳрум қилиниши, жиноятнинг оғирлигига қараб озодликдан маҳрум қилиш муддати ўзгариши мумкин. Мулкка зарар етказганлик учун жарима жиноятнинг оғирлиги ва зарарнинг миқдорига боғлиқ бўлади. Агар жиноят уюшган гуруҳ томонидан содир этилган ёки ижтимоий хавфи юқори бўлса, жазо чоралари кучайтиради.

Буюк Британия қонунчилигидаги каби Ўзбекистонда ҳам мулкний жиноятларга нисбатан жазо чораларини жабрланувчининг аризасига боғлиқ қилиш лозим. Бу билан жиноятчиларга нисбатан адолатли жазо қўлланилиши таъминланади. Мулкний жиноятлар учун жазо чораларини белгиловчи нормаларни ишлаб чиқишда ижтимоий хавф омилларини инobatта олиш зарур. Бу билан мулкний жиноятларнинг олдини олиш ва жамоат хавфсизлиги таъминланади.

Мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш жиноятлари ижтимоий ва иқтисодий барқарорликка катта таҳдид туғдиради. Бу жиноятларнинг олдини олиш ва уларга нисбатан жиноий жавобгарликни белгилаш ҳар бир давлатнинг муҳим вазифасидир. Мусулмон ҳуқуқи оилаларида ва Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш жинояти учун белгиланган жавобгарликни кўриб чиқамиз.

Мусулмон ҳуқуқий оилаларига Миср, Покистон, Судан, Жанубий Судан, Ливан, Сурия, Ироқ ва Афғонистон каби давлатлар қиради ва буларда Шарият қонунлари асосида жазо чорлари қўлланилади.

Мусулмон ҳуқуқи (шарият) асосан Қуръон ва Суннатга асосланади. Мулкний жиноятлар, жумладан мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш Ислom ҳуқуқида қаттиқ жазо чоралари билан жазоланади. Шарият қоидаларига кўра мулкний ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва зарар етказган шахсларни жазолаш муҳим аҳамият касб этади.

Хийана (Zina): Хийана ёки қасддан зарар етказиш жинояти Ислom ҳуқуқида оғир жиноятлардан бири ҳисобланади. Бу жиноят учун жазо чоралари қаттиқ белгиланган ва зарар етказган шахсга нисбатан тўлиқ товон тўлаш ёки жазо қўлланиши мумкин.

Диет ва Қасам (Diya ва Qisas): Зарар етказиш ва қилмиш учун товон тўлаш (Diya) ёки жавобгарликка тортиш (Qisas) Ислom ҳуқуқидаги асосий тамойиллардан бири ҳисобланади. Агар шахс ўзганинг мулкига зарар етказса, у товон тўлаши керак.

Худуд Жазолари (Hudud): Худуд жазолари Ислom ҳуқуқида мулкний жиноятлар учун махсус белгиланган жазолар бўлиб, улар Қуръонда ва Суннатда келтирилган. Бу жазолар жуда қаттиқ ва қонунлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 173-моддасига мувофиқ, мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Ушбу моддага кўра, ўзганинг мулкига зарар етказиш ёки уни nobуд қилиш учун озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима жазо чоралари қўлланилади. Жиноятнинг ижтимоий хавфи ва зарарнинг миқдорига қараб, жазо чоралари оғирлаштирилади.

Жиноий жавобгарлик: ҳар икки ҳуқуқ тизимида ҳам мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Жазо чоралари озодликдан маҳрум қилиш ёки товон тўлаш шаклида кўзда тутилган.

Мулкний ҳуқуқларни ҳимоя қилиш: мусулмон ҳуқуқи ва Ўзбекистон қонунчилигида ҳам мулкний ҳуқуқларни ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга. Икки тизимда ҳам мулкний жиноятларга нисбатан қатъий чоралар қўлланилади.

Фарқларга тўхталиб ўтадиган бўлсак мусулмон ҳуқуқида жиноий жавобгарлик кўпроқ диний қоидаларга асосланган ва қатъий жазо чоралари кўзда тутилган. Ўзбекистон қонунчилигида эса жиноий жавобгарлик қонунлар ва кодекслар асосида белгиланади.

Жазо чоралари: мусулмон ҳуқуқида мулкний жиноятлар учун товон тўлаш (Diya) ёки жавобгарликка тортиш (Qisas) кўпинча қўлланилади. Ўзбекистон қонунчилигида эса озодликдан маҳрум қилиш ва жарима белгиланган.

Мусулмон ҳуқуқи ва Ўзбекистон қонунчилигининг қиёсий таҳлилидан кўриниб турибдики, ҳар икки ҳуқуқ тизимида ҳам мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш учун қатъий жазо чоралари белгиланган. Ҳар икки тизимнинг қонунчилигидаги ўхшашлик ва фарқлар мулкний жиноятларнинг олдини олиш ва жазолашда муҳим аҳамиятга эга. Хорижий тажрибани инobatта олган ҳолда, Ўзбекистон қонунчилигини такомиллаштириш ва самарали ҳимоя чораларини жорий этиш мамлакатимиздаги ижтимоий муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бобурбек РАҲМАТОВ,

ИИБ Академияси мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Criminal code of Germany: [Электрон манба]. https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_stgb/
2. English criminal law [Электрон манба]. <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/1977/45/contents>
3. Франция Жиноят кодекси, 322-1-модда. (Франция қонунчилигидан олинган асосий маълумотларга асосланган ҳолда 322-1-модда 1, б. 45) <https://www.equalrightstrust.org/>
4. Title 18—Crimes and Criminal procedure [Электрон манба]. https://www.legislationline.org/download/id/8301/file/USA_title_18_us_code_crimes_2017_en.pdf
5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, 173-модда. [Электрон манба]. (Ўзбекистон қонунчилигидан мулкний жиноятларга оид нормалар) <https://lex.uz/docs/111453>

МАҲАЛЛИЙ ВА ИЖРО ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақола Ўзбекистонда маҳаллий вакиллик ва ижро ҳокимияти органларининг ўзаро ҳамкорлиги тамойилларини ўрганишга бағишланган. Таҳлил ўзаро таъсирларни талқин қилишнинг асосий усуллари тўғрисида, асосий тамойилларни аниқлайди ва ушбу тузилмалар ўртасидаги муносабатларни яхшилаш бўйича ҳулосалар ва тавсияларни муҳокама қилади.

Калит сўзлар: маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ижро этувчи ҳокимият органлари, ўзаро ҳамкорлик, очиқлик.

Ҳар қандай давлат ҳокимияти органларининг ўзаро муносабатларини ташкил этиши авваламбор, комплекс қамраб олиш, бир тизимга солиш ва энг муҳими, битта йўналишда ҳаракатда бўлишни таъминлаш вазифасини ҳал этиш зарурлигини келтириб чиқаради. Бунинг учун, ўз навбатида, мазкур ўзаро муносабатларда бу каби сифатларни жорий этиш учун тегишли асосий тамойилларни аниқлаб олиш талаб этилади.

Тамойиллар бошқарув жараёнининг маълум бир қонуниятига бўйсунадиган ҳақиқий мазмун-моҳиятини кўрсатади. Шунинг учун улардаги қонунлар каби тамойиллар ҳам объектив бўлади. Маҳаллий бошқарув тамойиллари сифатида муҳим раҳбарий ғоялар тушунилади ва уларга маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари ўзаро муносабатларининг ташкил этилиши, амалда бўлиши ва ривожланишининг жиҳатлари мос келиши лозим. Ўз навбатида, маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятини ташкил этишга оид мавжуд концепцияларни умумлаштирган ҳолда эътироф этиш жоизки, унинг негизини ҳам умумдемократик, ҳам махсус умумбошқарув принциплари ташкил этади. Бунда умумдемократик тамойиллар сифатида маҳаллий давлат ҳокимияти табиатидан келиб чиқадиган ва позитив ҳуқуқда ўз аксини топган асосий бошланмалар тушунилади. Улар маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари ўзаро муносабатларининг асосини ташкил этади.

Мазкур тамойиллар қаторида давлат ҳокимиятининг бўлиниши тамойили алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада Э.Шайдулин таъкидлайдики: “Ҳокимиятларнинг бўлиниши демократик давлатнинг асосий тамойилларидан биридир”. Бунда маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ташкил этиш ва фаолиятининг ҳуқуқий шакллари ривожлантириш ўзаро муносабатлар ва мувозанат тизими орқали давлат муносабатлари усуллари ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади. Ҳокимиятлар бўлинишининг конституциявий тамойили вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасидаги муносабатларнинг махсус тамойиллари қаторида энг муҳими ва асосийси ҳисобланади. Ўз навбатида давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципини янада кенгроқ жорий этишни кўзлаган ҳолда 2023 йилда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, янги таҳрирдаги конституцияда ҳокимнинг бир вақтнинг ўзида маҳаллий Кенгаш раиси бўлиш нормасининг бекор қилиниши, ҳокимиятлар бўлиниши тамойилининг ҳудудларда тўлақонли ижро этилишининг зарурий – ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади. Бу концептуал ўзгаришга мувофиқ, янги таҳрирдаги Конституциянинг 120, 121-моддаларига халқ депутатлари Кенгашига унинг депутатлари орасидан қонунга мувофиқ сайланадиган раис бошчилик қилиши; вилоят, туман, шаҳар ҳокими лавозимини эгаллаб турган шахс бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари Кенгашининг раиси лавозимини эгаллаши мумкин эмаслиги; тегишли ҳудуддаги ижро этувчи ҳокимиятга вилоят, туман ва шаҳар ҳокими бошчилик қилиши борасида муҳим нормалар белгилаб қўйилди. Мазкур меъёр асосида маҳаллий даражада вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият функциялари ажратилди. Ҳокимларнинг халқ депутатлари Кенгашларига бошчилик қилиши ҳақидаги қонуннинг чиқарилиши уларнинг Кенгашлар олдида масъулиятининг оширилиши ҳамда ҳокимликлар фаолияти устидан Кенгаш ва депутатлар назоратини кучайтириш учун хизмат қилади.

Ундан ташқари, бундай ўзгаришлар 2017 йил 8 сентябрда қабул қилинган “Маъмурий ислохотлар концепцияси” да маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишда ҳокимиятлар бўлиниши тамойилининг амалий рўёбга чиқари-

лишни таъминлаш бўйича алоҳида қўйилган вазифани ҳал қилишга хизмат қилмоқда.

Яна бир муҳим ўзгаришларга қарайдиган бўлсак, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунга, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ташкилий-техникавий ва бошқа жиҳатлардан хизмат кўрсатиш вазифаси ҳокимликлар тузилмасидан тегишли халқ депутатлари Кенгаши котибияти зиммасига юклатилиши бўйича янги меъёр киритилди. Бу ўзгаришлар ҳам албатта қайсидир маънода маҳаллий кенгашлар фаолиятига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Шундай қилиб, илгари ҳоким бир вақтнинг ўзида ҳам ижроия, ҳам вакиллик ҳокимиятига раҳбарлик қилган. Эндиги киритилган ўзгартиришларга кўра, ҳоким фақат ижро ҳокимиятига раҳбарлик қилса, маҳаллий Кенгашларга эса ўзлари томонидан сайланадиган депутатлардан бири раис бўлади. Қолаверса, мазкур янги норма орқали маҳаллий ҳокимият органлари ваколатлари барча соҳаларда аниқ ва батафсил белгиланмоқда, бу орқали айниқса, маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларининг давлат ва жамият бошқарувидаги иштироки кучайтирилмоқда, жойлардаги маҳаллий аҳолининг манфаатларини амалда таъминлаш имкониятлари оширилмоқда. Ушбу ўзгаришлар келгусида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг самарали фаолият олиб боришига хизмат қилади.

Мазкур масаланинг муҳимлиги борасида ҳуқуқшунос О.П.Ефимова шундай дейди: “Узоқ муддатли истиқболлар ҳокимият даражалари ва шунга мос равишда ҳокимият тармоқлари ўртасида ваколатларни ажратишга ёрдам берадиган назорат ва мувозанат тизимини босқичма-босқич ва шу билан бирга изчил шакллантириш билан боғлиқ бўлиши керак”. Маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари ўзаро муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг асосини ташкил этувчи келтирилган махсус умумбошқарув тамойиллари умумдемократик принциплардан келиб чиқиб уларни таъминлашга қаратилган.

Бу ерда муҳими шундаки, юқорида келтирилган умумбошқарув тамойилларининг барчаси маҳаллий вакиллик ва ижроия органларининг ўзаро муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда комплекс қўлланилаётгани мазкур масаланинг асосий ва муҳим томонларини қамраб олинишини таъминлайди.

Шу билан бирга, 1993 йил 2 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунда маҳаллий вакиллик ва ижроия органларининг ўзаро муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг принциплари белгиланмаган. Хорижий тажриба мисолида маҳаллий вакиллик ва ижроия органларининг ўзаро муносабатларини тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий нормалар мавжудлигини Россиянинг “Россия Федерацияси субъектларида оммавий ҳокимиятини ташкил этишнинг умумий принциплари тўғрисида”ги 2024 йил 8 августдаги 414-сонли Федерал қонунининг 61-моддасида, Беларуснинг 2010 йил 4 январдаги “Беларусь Республикасида маҳаллий бошқарув ва ўзини ўзи бошқариш тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасида, Қирғизистоннинг 2021 йил 20 октябрдаги “Маҳаллий давлат бошқаруви ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасида қайд этиш мумкин. Шунга кўра, Ўзбекистон қонунчилигида ҳам маҳаллий вакиллик ва ижроия органларининг ўзаро муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг принципларини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Султамурат АЙМУРАТОВ,

Қорақалпоқ давлат университети докторанти.

АҚЛИ НОРАСО ШАХС ТОМОНИДАН ЕТКАЗИЛГАН МОДДИЙ ЗАРАРНИ УНДИРИШ ТАРТИБИ

АННОТАЦИЯ: мақолада жиноят натижасида етказилган моддий зарарни ундириш, бу борада суд-тергов амалиётидаги муаммолар, қонунчиликда мавжуд ҳуқуқий бўлиқлар, уларни такомиллаштиришнинг амалий жиҳатлари таҳлил қилинган. Шунингдек, жиноят натижасида етказилган моддий зарарни ундириш тушунчаси, бу масалага оид ҳуқуқий асослар, амалий муаммолар тилга олинган.

Калит сўзлар: моддий зарар, ақли норасо шахс, суд терговчи, фуқаровий даъво.

Ақли норасо ёки жиноят содир этилганидан кейин руҳий ҳолати бузилган шахс томонидан жиноят содир этиш натижасида моддий зарар етказилса, бу масаланинг жиноят эмас, фуқаролик судлов ишларини юритиш тартибида кўриб чиқиши жиноят процессида фуқаровий даъво кўзга олиниши, жабрланувчининг мулкӣ ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Кодекс бундай тоифа ишларда фуқаровий даъво кўзга олинишини тақиқламаган. Бундан келиб чиқадики, суд жабрланувчига ҳуқуқларини тушунтириши, фуқаровий даъвони қабул қилиши, масала фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида кўриб чиқилгунга қадар ақли норасо шахснинг мол-мулкни хатлаши мумкин. Лекин, бундай тоифа ишларда суд фуқаровий даъвони таъминлаш масаласида юқорида кўрсатилган қонун меъёри билан исботлаш мажбуриятидан озод этилган. Бунда содир этилган қилмиш жиноят эмаслиги, фуқаровий даъво жиноят натижасида етказилган зарар бўйича кўзга олиниши асосий ваз қилиб кўрсатилади.

Мазкур ҳолатда қонундаги мантиқсизлик кўринади: Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 54, 56-моддалари мазмунидан ақли норасо шахснинг қилмиши натижасида зарар кўрган шахслар жабрланувчи, ҳам фуқаровий даъвогар деб топилиши мумкин бўлади. Демак, ақли норасо шахснинг жамоат учун хавфли қилмиши натижасида зарар кўрган шахслар жиноят ишлари юритишда ўзларига етказилган моддий зарарни қоплашни сўрашга ҳақлидирлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 12 декабрдаги 23-сонли «Рухий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 21-бандида назарда тутилган норма фуқароларнинг зарар қоплашишни сўраш билан боғлиқ конституциявий ва процессуал ҳуқуқлари кафолатларига мувофиқ эмас. Чунки, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар)нинг ўзига етказилган зарарни ундириш ҳуқуқи сўзсиз таъминланиши керак. Бундай тоифа ишлар бўйича айбланувчи мавжуд бўлмаганлиги сабабли ва шахс жиноий жавобгарликдан озод этилганлиги учун у фуқаровий жавобгар ҳам деб топилмайд. Шахснинг жиноий жавобгарликдан озод этилиши уни жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш мажбуриятдан озод қилмаслиги керак. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 998-моддасига кўра, агар зарар руҳий ҳолати бузилгани оқибатида ўз ҳаракатлари аҳамиятини тушуна олмаган ёки уларни идора қила олмаган шахс томонидан етказилган бўлса, зарарни тўлаш мажбурияти бу шахс билан бирга яшовчи, зарар етказувчининг бундай ҳолати ҳақида билган, лекин уни муомалага лаёқатсиз деб топиш ва унинг устидан васийлик ўрнатиш тўғрисида масала қўймаган эри (хотини), ота-онаси, вояга етган фарзандларига юклатилади. Агарда шахс муомалага лаёқатсиз деб топиладиган бўлса, етказилган зарарни унинг васийси ёки унинг устидан назоратни амалга ошириши шарт бўлган ташкилот (агар зарар уларнинг айби билан етказилмаганлигини исботлай олмаса) тўлайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг юқоридаги нормалари мазмунидан келиб чиқиб суриштирувчи, терговчи, про-

курор ва суд ижтимоий хавфли қилмиш содир этилиши натижасида моддий жавобгар бўлган шахсларни фуқаровий жавобгар, деб топиб, зарарни қоплаш ёки дарҳол уларнинг мол-мулкларини хатлаш чораларини кўришлари керак. Чунки, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 58-моддасида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган ақли норасо шахс томонидан етказилган зарар учун қонунга кўра мулкӣ жавобгар шахс, қорхона, муассаса ёки ташкилот ҳам фуқаровий жавобгар бўлиши мумкинлиги, 26-сон Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорининг 4-банди эса мулкӣ зиён учун жавобгарлик айбланувчи, судланувчига эмас, балки бошқа шахсга юклатилган ҳолларда, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд тегишли жисмоний ёки юридик шахсни фуқаровий жавобгар сифатида ишда иштирок этишга жалб этиш тўғрисида қарор (ажрим) чиқариши кўрсатилган.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш бўйича иш юртишда фуқаровий даъвони кўриб чиқишнинг рад этилиши жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари ўз вақтида таъминланмаслигига олиб келади ва мазкур масаланинг жиноят процессида кўрилиши суд-тергов амалиётида жиддий муаммони келтириб чиқармайд. А.Г.Соламати-на, П.Колмаков, Ж.Бажукова ва бошқа кўплаб процессуалист олимлар ҳам ўз илмий тадқиқотларида айна шу мазмундаги хулосага келишган.

Шу билан бирга, амалдаги тартиб халқаро стандартларга ҳам мувофиқ эмас: ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ва жиноятдан жабр кўрганлар учун одил судловнинг асосий тамойилларида жиноятдан зарар кўрган шахслар тезкорлик билан ўзларига етказилган зарарни ундириш ҳуқуқига эга бўлишлари кераклиги белгилаб қўйилган.

Бундай ҳолларда жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс моддий зарарни қоплаш мажбурияти юклатилган юқоридаги шахсларнинг мулкӣ ҳолатини ўрганиш чораларини кўришлари керак.

Жасурбек БАЛТАБАЕВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 12 декабрдаги 23-сонли «Рухий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори. <https://lex.uz/acts/1601125#1601826>
2. Соломатина А.Г. Актуальные проблемы обеспечения гражданского иска при производстве о применении принудительных мер медицинского характера // Вестник экономической безопасности. 2019. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/aktualnye-problemy-obespecheniya-grazhdanskogo-iska-pri-proizvodstve-o-primeneni-prinuditelnyh-mer-meditsinskogo-haraktera> (дата обращения: 13.03.2023).
3. Колмаков, П. Некоторые проблемы производства по применению принудительных мер медицинского характера / П. Колмаков, Ж. Бажукова // Уголовное право. – 2006. – № 6. – С. 73-76. – EDN KXKROP. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=12951184>
4. Бажукова Ж.А. О проблемах производства о применении принудительных мер медицинского характера // Вестник Сибирского юридического института МВД России. 2008. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/o-problemah-proizvodstva-o-primeneni-prinuditelnyh-mer-meditsinskogo-haraktera> https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/power.shtml



СУДГАЧА ИШ ЮРИТИШДА ЖАМОАТЧИЛИК ИШТИРОКИ ВА НАЗОРАТИ: ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Судгача иш юритишда жамоатчилик ёрдамида жиноятларни ва жиноятчиларни фош этиш ҳамда тайёрланаётган жиноятларнинг олдини олиш борасида АҚШ тажрибаси ижобий тавсифланади. Мазкур хориж тажрибаси бошқа бир қатор давлатлар, жумладан, Лотин Америкаси, Буюк Британия, Канада, Кариб ороллари, Янги Зеландия, Нидерландия, Австралия, Жанубий Африка ва Тинч океани ороллари томонидан имплементация қилиниб, бугунги кунда ушбу давлатларда ҳам “Crime Stoppers” ташкилоти фаолият кўрсатиб келмоқда.

Мазкур хориж тажрибаси биз учун жуда ижобий ҳисобланади, чунки шу орқали нафақат жиноятлар, балки террористик актларнинг ҳам олди олинмоқда. ФҚБ маълумотларига кўра, 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг, хавфли террористик актларнинг олди олинишига айнан кенг жамоатчиликнинг огоҳлиги ва ўз вақтида хабар бериши натижасида эришилган.

АҚШдаги Виргиния Университети олимларининг тадқиқотларига кўра, хабарчиларнинг 41 фоизи бошқа жиноят ишлари бўйича айбланувчилар бўлиб, улар ўзларининг ҳукмларини енгиллаштириш мақсадида тергов органлари билан ҳамкорлик ўрнатадилар. Қолган 30% ташкилотнинг ходимлари, 26% “whistleblower”лар ва атиги 5% гувоҳлар ҳисобланадилар. Илмий изланишлар ҳулосасига кўра, агар юқоридаги 4 тоифадаги хабарчилар бўлмаса, суруштирув ва тергов органлари коррупцион ёки мансабдорлик жиноятларини фош эта олмайди. Жамият буни сезади, ҳукуматта ишончсизлик уйғонади, лекин айблов учун асос яратилмайди. Шундай экан, жамиятда хабарчиларга нисбатан муносабат ўзгариши лозим.

Жиноят ишларини судга қадар юритиш босқичида жамоатчилик иштирокини фақатгина молиявий қўллаб-қувватлаш орқали таъминлаб бўлмайди. АҚШ тажрибаси бунга яққол далилдир. АҚШда волонтерлик ҳаракатлари жамиятдаги маданиятнинг ажралмас қисмидир. Қўллаб америкаликлар давлат хизматларида хоҳ у ижтимоий хизмат, соғлиқни сақлаш ёки давлат идораларида бўлсин, беминнат, ҳеч бир тўловсиз фаолият олиб боришдан гурурланадилар. Жамоатчиликни кўнгилли тарзда ўз фаолиятига жалб қилиш АҚШ полицияси учун муҳим, чунки бу аҳоли ва маҳаллий органлар билан ҳамкорликни кучайтиришга хизмат қилади.

Фикримизча, бизнинг мамлакатимизда ҳам шу турдаги кўнгиллилар жамоаси бўлганида, ишни судга қадар юритиш давомида

мутахассислар, холислар ва таржимонларни таъминлашда терговга қадар текширув ва тергов органлари учун анча қулайликлар яратилган бўлар эди.

Олимларимизнинг фикрича, ҳозирги кунгача гувоҳлар ва жабрланувчиларни самарали ҳимоя қилиш бўйича дунёда энг кучли ва самарали тизимга эга давлат ҳам АҚШ ҳисобланади. Илк бор 1960 йилларда айнан мазкур давлатда мафия таркибини тўлиқ ёритиб берганлиги учун АҚШ ҳукумати томонидан Джозеф Валачига – италиян-америка мафияси аъзосига умрбод шахсий қўриқчилар бериш ва алоҳида яшаш шароитларини таъминлаш орқали гувоҳларнинг хавфсизлигига оид дастурлар ишлаб чиқилган.

Ҳозирги кунда АҚШ қонунчилигида хавфсизликни таъминлаш комплекс ҳуқуқий тизимни ташкил этади. Бунга турар жойни ўзгартириш, шахсни қўриқлаш, жиноят қонунчилиги билан гувоҳларга таҳдид қилиш учун оғир жазоларнинг белгиланишидан тортиб, гендер мансублигини алмаштиришгача бўлган чоралар мисол бўлиши мумкин.

АҚШ жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш модели асосида Австралия ва Канада давлатлари ҳам ўзларининг ишончли ва самарали тизимларини йўлга қўйишган.

Юқоридагиларга кўра айтишимиз мумкинки, АҚШ тажрибаси асосида жиноятчиликка қарши курашда самарадорлик учун алоҳида мурасиз қонунлар ёки чоралар эмас, балки фуқароларни кўнгилли тарзда ушбу фаолиятга жалб этиш юксак натижалар беради.

Албатта, барча инсонлар турли характерли бўлгани каби, давлатларнинг ҳам ўзига хос менталитети, тарбияси, урф-одатлари бор. Бироқ, барча давлатларни қўллаб-қувватловчи, уларни ҳаракатга келтирувчи энг катта омил бу унинг халқи ва жамиятидир. Юқоридаги давлатларнинг илғор тажрибалари ва ижобий жиҳатларини ўрганиш, халқимизга хос индивидуал хусусиятларни инобатга олган ҳолда тадбиқ этиш ўз самарасини беради деб ишонамиз. Ҳулоса қилиб шуларни айтиб ўтиш жоизки, дунёда жиноятчиликка қарши курашишга оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда жиноят ишларини судга қадар юритиш босқичида жамоатчилик ёрмидан самарали фойдаланган ҳолда ҳал қилиш афзалликлари келтирилган. Ушбу қоидалар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 10 ва 21-моддалари, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 14 ва 25-моддалари, Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимояси тўғрисидаги Европа Конвенциясининг 6-моддаси ҳамда Жиноятчиликнинг олдини олиш ва одил судловни юритиш борасида жамоатчилик иштирокини таъминлашга бағишланган Доҳа декларациясида ўз аксини топган. Қўллаб хорижий мамлакатларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш масаласида фуқаролар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликнинг тўғри йўлга қўйилганлиги кўплаб оғир ва ўта оғир жиноятларнинг олдини олиш ва фош этилишига хизмат қилиб келмоқда.

Фарход МИРЗАҚУЛОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

*Иккови учун ҳам
осмон битта,
аммо зогнинг
дунёси бошқа,
лочинники бошқа.*

**Жалолиддин
РУМИЙ**

СУД ЖАРАЁНИДА ТАРАФЛАР ТОРТИШУВИ ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ КАФОЛАТИ

Одил судловга фақатгина тарафлар тортишуви тамойили орқалигина эришиш мумкинлиги дунё миқёсида эътироф этилган. Бунда ҳар икки тараф, яъни судланувчи ва жабрланувчининг ҳамда ҳимоячи ва давлат айбловчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир хилда тенг бўлиши зарурлиги, улар ўз кўрсатувларини тасдиқловчи далилларни судга тақдим этишда тенг имкониятларга эга бўлиши, суд эса ҳолис ҳакам вазифасини бажариб, процессга аралашуви чекланган бўлиши кераклиги талаб этилади.

Бугунги кунда барча давлатларда жиноятни фош қилиш жараёнида тарафлар тортишувини таъминлаш ва уни амалга ошириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу жараён ҳақиқатни аниқлаш, адолатни рўёбга чиқариш, инсон ҳуқуқлари ва уларнинг қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши билан чамбарчас боғлиқ.

Мамлакатимиз қонунчилигида ҳам суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида жиноят процессида тортишув тамойилини янада такомиллаштириш белгилаб қўйилган. Жиноят процессида тортишув тамойилини таъминлаш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш дунёдаги кўплаб ривожланган мамлакатларнинг жиноят қонунчилигида бу тамойилни амалга ошириш борасида тарафларнинг процессуал тенглигини кўрсатади.

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари кенг қамровли дастурий тадбирлар асосида изчил амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир неча моддаларида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Қолаверса, "Ўзбекистон – 2030" Стратегиясининг асосий йўналишидан бирида ҳам "Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш" белгиланган, 88-мақсадида "Адвокатура институтининг салоҳиятини тубдан ошириш, шунингдек, малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантирилиши", адвокатура институтини ўз-ўзини бошқариш тизимига ўтказиш ҳамда унинг давлат органлари ва бошқа тузилмалардан чинакам мустақиллигини таъминлаш; адвокатлар малакасини оширишнинг замонавий ва халқаро стандартларга мос келувчи ва муқобиллик тамойилига асосланган тизимини жорий этиш; адвокатлар сонини камида 2.000 нафарга кўпайтириш ишларини жадал давом эттириш каби муҳим вазифалар белгиланган:

адвокатура институтини ўз-ўзини бошқариш тизимига ўтказиш ҳамда унинг давлат органлари ва бошқа тузилмалардан чинакам мустақиллигини таъминлаш; адвокатлар малакасини оширишнинг замонавий ва халқаро стандартларга мос келувчи ва муқобиллик тамойилига асосланган тизимини жорий этиш;

адвокатлар сонини камида 2000 нафарга кўпайтириш;

Фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий ишлар бўйича адвокатлар ҳамда судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа давлат органлари ўртасида электрон ҳужжатлар алмашинуви даражасини камида 50 фоизга етказиш.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги "Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3723-сон қарорига асосан, жиноят-процессуал тамойиллар тизимини замонавий ёндашувлар, илғор халқаро стандартлар ва хориж амалиётини ҳисобга олган ҳолда янада такомиллаштириш, адвокатларнинг процессуал ҳуқуқ ва ваколатларини кучайтириш орқали тарафларнинг ўзаро тортишув тамойилини амалда рўёбга чиқариш, уларнинг ҳаққоний мустақиллигини таъминлаш, шунингдек, жиноят иши бўйича ҳимоячининг иштироки шарт бўлган ишларга оид асосларни кенгайтириш каби вазифалар белгиланган.

Мазкур устувор вазифалар ижросини таъминлаш жиноят процессида тарафлар тортишувини тартибга солувчи қонунчилик нормалари ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқни қўллаш амалиётини танқидий ўрганишни тақозо этади. Шу сабабли, бугунги кунда жиноят процессида тортишув тамойилининг ҳуқуқий табиати, аҳамияти, ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши ва қўлланилишига доир муаммоларини

аниқлаш, самарали ечим топишига қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги қонун) чиқиш долзарб масала ҳисобланади:

жиноятни фош қилиш жараёнида тортишув тамойилининг аҳамияти, унинг назарий ва амалий муаммоларини бартараф этишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишда шахсларнинг суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ва суднинг процессуал ҳаракати ёки қарори устидан шикоят бериши, дастлабки тергов органларининг қамоққа олиш (уй қамоғи) тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, унинг муддатини узайтириш, шахсни лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги илтимосномалар юзасидан кўриладиган суд иш юритуви жараёнлари орқали ишни судда кўриш босқичида тортишув тамойилини таъминлаш;

ҳимоячиға шартнома асосида жиноят иши бўйича тегишли экспертиза ўтказиш ҳақида хусусий экспертиза муассасасига мурожаат қилиш, мутахассис жалб қилиш ва унинг хулосасини олиш ҳуқуқига эга бўлиши;

ҳимоячининг процессуал тенглигини таъминлаш мақсадида жиноий процессуал ҳужжатлар тизимида айблов хулосаси билан бир қаторда жиноят содир этишда айбланаётган шахснинг айбсизлиги баён қилинган ҳимоя тарафидан келтирилган далилларни ўз ичига олувчи ҳимоя хулосасини тақдим қилиши;

судда раислик қилувчининг судланувчи, гувоҳ, экспертларга уларни сўроқ қилаётган томон билан бир вақтда савол бермаслиги ва барча процесс иштирокчилари саволларидан кейин ишдаги ҳолатларга аниқлик киритиш учунгина уларга саволлар бериши кераклиги судда тортишувлик тамойилининг таъминланишига хизмат қилади десак муболаға бўлмайди.

Ҳуқуқшунос олимлар жиноят процессида тортишув принципини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш масалаларига ўз илмий изланишлари доирасида жуда катта эътибор қаратганлар. Жумладан, маҳаллий ҳуқуқшунос олимларимиздан Ф.М. Мухитдинов, Г.З. Тўлаганова, Ю.С. Пўлатов, С.Н. Мамадиев, Д.Б. Базарова, Ш.Х. Иномжонов, Б.А. Саломов, Н.И. Хайриевларнинг илмий ишларида жиноят процессида тортишув жараёнини такомиллаштиришнинг умумий жиҳатлари ўрганилган.

Чет эл ҳуқуқшунос олимларидан Б. Шагири, Т.Ю. Герасимова, О. В. Отчерцова, К.В. Андреев, К. Петерс, Т. Виллиам, Л.В. Головкин, И.В. Ревина ва бошқаларнинг жиноят процессида тортишувнинг умумий асослари билан боғлиқ илмий асарлари мавжуд.

Бироқ, юқорида қайд этилган муаллифлар олиб борган илмий тадқиқот ишларида жиноят процессида тарафлар тортишувини амалга ошириш билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳозирги замон тортишув принципи масалаларини комплекс равишда қамраб олмайди. Шу боис, жиноят процессида тортишувни таъминлаш билан боғлиқ мавжуд муаммолар юзасидан тадқиқот олиб бориш долзарб аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий хулоса, унда билдирилган таклифлар, хулоса ва тавсиялардан мамлакатимизда жиноят процессида тарафлар тортишувини амалга оширишга доир норматив-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, бу соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигини оширишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, жиноят-процессуал ҳуқуқни фани бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва фан дастурларини тайёрлашда ҳам ушбу таклиф ва хулосаларга таяниш ижобий натижа беради.

Қобилжон МУТАЛИЕВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

БОЛАЛАРНИНГ ЯШАШ ҲУҚУҚЛАРИНИ БУЗУВЧИ ОМИЛЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 14-бобида ота-оналар ҳамда болаларнинг алимент ҳуқуқи ва мажбуриятлари мустақамланганини таъкидлаш зарур. Ушбу кодекснинг 96-моддасида эса ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шартлиги белгиланган. Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота ёки онадан алимент суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд бўйруғига асосан ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 47⁴-моддасида (вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш), моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд бўйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик – ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олишга ёки ушбу Кодексга мувофиқ маъмурий қамоқ қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга энг кам иш ҳақининг йигирма баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлиши, мазкур модданинг 2-қисмида, биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, агар у маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш жараёнида алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни ихтиёрий равишда тўлаган бўлса, жавобгарликдан озод этилиши белгилаб қўйилган.

Республикамызда вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни ва ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш жиноятларини камайтириш, уларнинг олдини олишга қаратилган кенг қўлланма умулжимоий мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар, оила институтини ривожлантириш, кам таъминланган оилалар сонини ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини камайтириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда, оилага қарши жиноятлар учун жавобгарлик белгилаш ва мазкур тоифадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг айрим жиҳатлари З.С.Зарипов, И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова, А.Г.Закирова, М.Қ.Ўразалиев, М.А.Мусаев, Ж.С.Мухторов, Ш.А.Пулатова, Р.Кабулов, М.Х.Рустамбоев, Ф.Тоҳиров, М.А.Ражабова, М.Усмоналиев, А.С.Якубов, И.Ю.Фазилов, С.Латипов каби ҳуқуқшунос олимларимизнинг илмий ишларида атрофлича ўрганилган.

Бироқ мамлакатимизда оилага қарши жиноятларнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминалогик жиҳатлари мукамал тарзда тадқиқ этилмаган.

ЖК 122-моддасида назарда тутилган “Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш” жинояти оилага қарши жиноятлар ичида энг кўп содир этилади. ЖК ушбу моддаси бўйича қўзғатилган жиноят ишлари сони мазкур туркумдаги жиноятларнинг қарийб 80% дан кўпини ташкил қилади. Бу жиноят болаларнинг нормал яшаш ҳуқуқларини бузади, чунки ушбу қилмиш болани минимал воситалардан ҳам маҳрум қилади, натижада бола ўзини таъминлаш имкониятига эга бўлмайди.

Болани олиб қолган ота ёки она (аксарият ҳолларда суд вояга етмаганларни таъминлаш учун тўланадиган маблағ миқдорини ота-онанинг ажримидан сўнг белгилайди), аксил

ижтимоий турмуш тарзини олиб борганида, вазият айниқса кескинлашади. Бундай ҳолатда, вояга етмаган болани парвариш қилиш учун маблағ етишмаслиги, у билан бирга яшайдиган ота (она) ўртасида зиддиятларни келтириб чиқаради, зотан у болани “ортиқча” юк сифатида кўради. Тез-тез ва узоқ давом этадиган оилавий низолар вояга етмаганларнинг уйдан қочиб кетишига олиб келади, шундан сўнг улар осонликча ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этишда иштирок этадилар.

Бундан ташқари, вояга етмаганларда гайриқонуний ҳулқ-атворнинг барқарор ижтимоий-психологик стереотиплари шаклланади ва бу уларда рўпарасида пайдо бўлаётган ҳаётий муаммоларни ўзвонлик билан ҳал қилишга етаклайди. Бундай вояга етмаганлар кейинчалик зўрлик ишлатиб жиноятлар содир этишади (қотиллик, баданга оғир шикаст етказиш, номусга тегиш), чунки улар атрофдагиларни ўзларидан “қарздор” деб ҳисоблашади. Хуллас, оила (тўлиқ бўлмаган бўлса ҳам) ва вояга етмаганлар иқтисодий асосининг бузилиши, катта эҳтимол билан уларда ноқонуний ҳамда жамиятга қарши муносабатлар шаклланишига олиб келади, уларни жиноий йўлга бошлайди.

Умуман олганда, ЖК Махсус қисмининг V боби нормаларини кўриб чиқишда аниқланган энг долзарб муаммолардан бири – бу уларнинг санкцияларида назарда тутилган жазоларнинг жиддий эмаслигидир.

Айни дамда, кўриб чиқиладиган жиноятлар гуруҳида жабрланувчининг шахси бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда, содир этиладиган жиноятнинг вояга етмаганлар нормал психик ривожига бузғунчи ва виқтимлик даражасини оширувчи таъсирини ҳисобга олган ҳолда, вояга етмаганларга қарши содир этиладиган барча жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлган қилмишлар сифатида эътироф этиш керак. Вояга етганларга нисбатан содир этилган жиноятлардан кўра вояга етмаганларга қарши содир этилган жиноятлар учун жиноий жавобгарлик даражасини ошириш керак. Шунинг учун оилага ва вояга етмаганларга қарши жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи нормалар унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятларга мос санкцияларга эга бўлиши лозим.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, Европа давлатлари жиноят қонунчилигида нафақат болага оилада яшаш ва тарбиялаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун, балки вояга етмаганга нисбатан ота-она ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун мўлжалланган нормалар мавжуд. Бунда, бола нафақат бегоналарнинг тажовузларидан, балки унинг учун масъул бўлган шахслардан ҳам муҳофаза қилинган. Бундан ташқари, жиноят қонунчилигида болани алмаштириш учун эмас, балки вояга етмаган шахсни ўғирлаш таркиби мавжуддир.

Нурбек РАХИМОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

ХУСУСИЙ МУЛК ХУҚУҚИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада хусусий мулк ҳуқуқининг конституциявий кафолатлари тизими, унинг ҳуқуқий табиати, аҳамияти ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда халқаро ҳуқуқ нормалари асосида хусусий мулк ҳуқуқининг кафолатлари ва уларни такомиллаштириш механизмлари таҳлил этилади.

Калит сўзлар: хусусий мулк, хусусий мулк ҳуқуқи, хусусий мулк объекти, конституция, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси.

Хусусий шахсларнинг яқка тартибда моддий ва маънавий бойликларни ўзлаштириб, уларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиши – хусусий мулкнинг иқтисодий тушунчаси бўлса, юридик тушунчаси – бу хусусий шахснинг (мулк эгасининг) ишлаб чиқариш жараёнида бевосита ва ёлланма меҳнатни қўллашда иштирок этиши ҳамда бошқа асосларда вужудга келадиган мол-мулк муносабатларини тартибга соладиган ва мустақамлайдиган ҳуқуқий нормалар йиғиндисидир.

Таъкидлаш керакки, хусусий мулк ҳуқуқи инсон ҳуқуқларининг объектларидан бири ҳам ҳисобланади. Хусусий мулкка бўлган ҳуқуқнинг халқаро ва миллий даражада кафолатланиши фуқароларнинг иқтисодий эркинлигини таъминлаш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва умумий ижтимоий барқарорликка эришишга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам давлатлар мазкур ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва унинг бузилишига йўл қўймаслик учун тегишли ҳуқуқий механизмларни яратишга интиладилар.

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 65-моддасида ҳам Хусусий мулк дахлсизлиги ва мулкдор ўз мол-мулкидан қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари ҳамда суднинг қарорига асосланмаган ҳолда маҳрум этилиши мумкин эмаслиги ҳақидаги янги норманинг белгиланиши мамлакатимиз бошқарув тизимида хусусий мулкчиликнинг қай даражада ҳимояда эканлигини намоён этади.

“Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши мамлакатимизнинг нафақат иқтисодий тизимида, балки, ҳуқуқий тизимида ҳам туб бурилиш ясади. Унга кўра хусусий мулк ўз мол-мулкига хусусий тарзда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидан иборатдир. Хусусий мулк мулкдорнинг ишлаб чиқариш жараёнида ва (ёки) ёлланма меҳнатни қўллашда шахсан бевосита иштирок этишига асосланиши мумкин.

Бундан ташқари, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши натижасида мулкчилик институти мустақамланди. Унга кўра мулкдор ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳишига кўра ҳамда ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг акси ўларок, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига хусусий мулкчиликка оид алоҳида 16-боб киритилди. Қонун билан ман этилган айрим ашёлардан ташқари ҳар қандай мол-мулк хусусий мулк объекти сифатида белгиланди.

Мулкдор ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳишига кўра ҳамда ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдор ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни бажариш-

га ҳақли. У ўз мол-мулкидан ҳўжалик фаолиятини ва қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш учун фойдаланиши, уни бошқа шахсларга эгалик қилиш ва (ёки) фойдаланиш учун текинга ёхуд ҳақ эвазига бериши мумкин.

Мулк ҳуқуқи жамиятнинг иқтисодий ва ҳуқуқий тизимида муҳим роль ўйнайди, чунки у фуқароларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, мулкка эгалик қилиш, унинг бошқарилиши ва муҳофаза қилишда ҳуқуқий жиҳатдан асос бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, мулк ҳуқуқи давлат ҳуқуқий тизимининг самарали ишлаши ва иқтисодий ривожланиш учун ҳам муҳимдир.

Мулк ҳуқуқининг вужудга келиш тартибини аниқлаш, ҳуқуқий механизмларнинг ишлашини ва уларни янги шароитларга мослаштиришни талаб этади. Бу фуқароларнинг ҳуқуқий хавфсизлигини таъминлаш ва иқтисодий барқарорликни сақлаш учун муҳимдир.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, хусусий мулк ҳуқуқи ҳар бир шахснинг иқтисодий эркинлигини таъминловчи муҳим ҳуқуқлардан бири бўлиб, унинг конституциявий даражада мустақамлангани давлатнинг ҳуқуқий демократик тамойилларга содиқлигини кўрсатади. Мазкур ҳуқуқнинг самарали ҳимоя қилиниши инвестиция муҳитини яхшилаш, тadbиркорлик ривожига ҳисса қўшиш ва жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлашда ҳал қилувчи омилдир. Шу сабабли, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштириш ва ушбу ҳуқуқни амалиётда тўлақонли таъминлаш долзарб вазифа ҳисобланади.

Раъно ТАДЖИБАЕВА,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеясининг Резолюцияси 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 01.05.2023 йил. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси 31.10.1990 йилдаги 152-ХII-сон “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. 21.12.1995 йил. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси 24.09.2012 йилдаги ЎРҚ-336-сонли “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни 4-модда. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонида 1-илова 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармонида 1-илова 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси.
8. Азизов Х.Т. Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг объектлари.дис. ... юридик фан. номзоди 1994 йил. 16-бет.



ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР ОБЪЕКТЛАРИГА НИСБАТАН ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР

Турдош ҳуқуқлар билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ҳамда “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонуни билан тартибга солинади. Интеллектуал мулк объектлари, хусусан турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланишда шарномавий-ҳуқуқий муносабатлар муҳим ўрин тутати.

Хусусан, Фуқаролик кодексининг 60-бобида муаллифлик ҳуқуқига доир асосий қоидалар белгиланган бўлса, янги таҳрирдаги “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида эса муаллифлик ҳуқуқининг барча жиҳатлари кенг ёритилган.

Турдош ҳуқуқларни халқаро доирада муҳофаза қилишда қўлланадиган шартномавий-ҳуқуқий базаларни ривожлантириш – бу турдош ҳуқуқлар объектларини халқаро доирада ҳимоя қилиш учун тузиладиган шартномаларнинг шартлари ва унинг тушунчалари ҳамда ушбу шартномалар орқали интеллектуал мулк объектларини халқаро доирада ҳимоя қилиш тушунилади. Юқорида айтилгандай шартнома ҳам турдош ҳуқуқлар объектларини ҳимоя қилишнинг бир воситаси ҳисобланади ва шу шартнома фойдаланишнинг ҳуқуқийлигини, яъни қонунийлигини таъминлайди. Шартнома тузиш орқали фойдаланилган объектлар муаллифларга ўз меҳнатини тижоратлаштиришга, фойдаланувчиларга эса ўзлари томонидан ушбу соҳа объектларидан фойдаланишига ва шу орқали маълум турдаги ҳуқуқларга эга бўлишига замин яратади.

Миллий қонунчиликка кўра, фойдаланувчилар мулк ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотларга асарлардан ва турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек ҳақни йиғиш, тақсимлаш ва тўлаш учун зарур бўладиган бошқа маълумотлар ҳамда ҳужжатларни тақдим этишлари шарт. Маълумотлар ва ҳужжатларнинг рўйхати мулк ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар фойдаланувчилар билан тузадиган шартномаларда белгиланади.

Халқаро шартномалар глобал миқёсда турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун асосий тузилмаларни таъминлайди. Улардан энг муҳимлари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш жоиз.

1961 йилдаги Рим Конвенцияси ижрочилар, фонограмма тайёрловчилар ва эфир узатувчи ташкилотларнинг ҳуқуқлари учун стандартларни белгилаб, кейинги шартномалар ва миллий қонунлар учун асос яратган. Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг 1996-йилдаги Ижро ва фонограмма шартномаси (WIPO Performances and Phonograms Treaty) БИМТнинг “Интернет шартномалари” таркибига киради. Ушбу шартнома Рим Конвенциясида берилган ҳимояларни, фонограммаларни тайёрлаш ва тарқатишдаги технологик ривожланишларга жавобан кучайтирган.

2012 йилда Пекинда қабул қилинган “Аудиовизуал ижролар шартномаси” аудиовизуал ижроларга қўшимча ҳуқуқларни кенгайтириб, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишнинг ўзгарувчан табиатини тан олган. Таъкидлаш керакки, халқаро шартномаларда белгиланган

ҳуқуқларни амалга ошириш учун шартномавий тузилмалар зарур.

Бугунги кунда Республикамизда ўз ечимини кутиб турган қатор масалалар мавжуд бўлиб, муаллифлик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, хусусан унинг муҳофазасида муаллифлик шартномаси билан боғлиқ жараёнларни тадқиқ этиш долзарб вазифа ҳисобланади. Шу сабабли ҳам муаллифлик шартномасининг шакли, элементлари, уни тузиш тартиби, муаллифлик шартномаси турлари ва уларнинг бир-биридан фарқи, шартнома орқали мутлақ ҳуқуқларни учинчи шахсларга ўтказишнинг моҳияти ва тартиблари, шартномага кўра муаллиф ҳамда ҳуқуқ эгаларига ҳақ тўлаш механизмларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар ҳимоясини янги кўринишда муҳофаза қилиш тизими яратилиши, соҳадаги меъёрий ҳужжатлар қайта кўриб чиқиши лозим. Умуман олганда, бу соҳадаги муҳофаза тизимини бозор иқтисодиёти қонуниятларига мувофиқлаштириш, ички ва ташқи сиёсатнинг устувор йўналишига айланиши муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунининг асосий тамойилларининг белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур тамойилларни белгиланиши биринчи навбатда ижодкорлар учун уларнинг юзага келадиган ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари доирасини белгилаб беришда муҳим ўрин тутса, иккинчидан давлатнинг муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги сиёсатининг устувор йўналишларини аниқлайди. Шу билан бирга ушбу таклиф этилаётган масалалар ваколатли давлат органининг муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасида муносабатларни тизимлилик асосида ҳуқуқий тартибга солишида муҳим ўрин тутати. Ушбу тамойиллар муаллифлик ҳуқуқида назарий жиҳатдан ўрганилса-да, бироқ унинг қонунчиликда акс эттирилиши юқоридаги мақсадларни белгилашда катта аҳамиятга эга.

Мазкур норманинг мавжуд бўлиши нафақат асарлар ёки турдош ҳуқуқлар объектлари яратилишини рағбатлантириш сифатида, балки муаллиф ёки ҳуқуқ эгасининг мутлақ ҳуқуқлари презумпциясини ҳам ўзида ифодалайди.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни ривожлантиришнинг ўзи камлик қилади. Бундан ташқари, технологиялар орқали халқаро миқёсда ушбу ҳуқуқлар объектларини ҳимоя қилишнинг тизими ишлаб чиқиши керак. Албатта, бунинг ҳуқуқий асоси шартномалар ҳисобланса-да, лекин амалий ҳаракатларсиз шартномалар ижроси масаласи ва шартнома тузмасдан, руҳсатсиз фойдаланиш ҳолатлари борган сари кўпаймоқда.

Бобир УМЕДОВ,

Судьялар олий мақтаби тингловчиси.

МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ ЎРНИ

Қонунчилик нуқтаи назаридан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун етарлича механизмлар яратилгандек кўринса-да, аммо, амалиёт бир қатор муаммоларни кўрсатмоқда. Хусусан, кўп ҳолларда ходимлар ўз ҳуқуқлари ва меҳнат қонунчилиги тўғрисида етарлича маълумотга эга эмаслар. Бу эса, уларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилган ҳолатда ҳимоя йўллари билмасликларига олиб келади.

Бундай ҳолларда, ходимларнинг вакиллик органларидан меҳнат ҳуқуқи бўйича экспертлар гуруҳини жорий этиш масалаларини кўриб чиқишимиз мумкин. Яъни, ходим меҳнат шартларини амалга оширишда нима тўғри ёки нима нотўғри эканлигини билиб олиши лозим. Шунда, иш берувчи билан муносабатлар “авторитар” тартибда эмас, балки “эркин” бўлишига эришса бўлади. Яъни, бунда, раҳбарнинг қўриқувга асосланган бошқарув тизими камайтирилади ва иш самарадорлиги ошиши мумкин бўлади. Бунда, вакиллик органи аъзоларидан меҳнат ҳуқуқлари бўйича тажрибали ходимлар томонидан “экспертлар гуруҳи” фаолиятини ташкил этиш ва ушбу гуруҳ томонидан ходимларга тушултириш ишларини олиб бориш ижобий натижа бериши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда меҳнат қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш асосан давлат органлари, хусусан, Давлат меҳнат инспекцияси ва касаба уюшмалари орқали амалга оширилади. Бироқ амалиётда:

корхоналардаги меҳнат қонунчилиги бузилиши фактлари вақтида аниқланмайди;

давлат инспекторларининг барча корхоналарни қамраб олиш имконияти чекланган;

ходимлар иш жойидаги қонунбузарликлар ҳақида очик хабар беришдан қўрқади;

касаба уюшмалари барча ташкилотларда мавжуд эмас ёки улар етарлича таъсир ўтказишга қўйиб қолмайди.

Фикримизча, бу каби муаммоларни бартараф этиш мақсадида Жамоатчилик меҳнат инспекцияси институтини ташкил этиш мумкин. Бинобарин, ушбу инспекция фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

меҳнат қонунчилигига риоя этилишини мониторинг қилиш, иш жойларида қонунбузарликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;

ходимларнинг шикоятларини қабул қилиш ва таҳлил қилиш, шу жумладан, меҳнатга оид низоларни ҳал қилиш учун давлат органларига ва судларга мурожаат қилиш;

оммавий эшитувлар ва муҳокамалар ташкил этиш орқали иш берувчилар, ходимлар ва жамоатчилик ўртасида очик мулоқот ўтказиш;

меҳнат ҳуқуқлари бўйича семинарлар ва тренинглар ташкил қилиш.

Ушбу янги механизмни жорий этиш орқали маҳаллий ва ҳудудий даражада фаолият юритадиган ва таркибида меҳнат ҳуқуқи бўйича мутахассислар, жамоатчилик вакиллари, собиқ меҳнат инспекторлари ва фаол ходимлар иштирок этадиган Жамоатчилик меҳнат инспекциялари институтини шакллантиришимиз мумкин бўлади.

Шунингдек, Жамоатчилик меҳнат инспекторлари махсус рўйхатдан ўтиб, меҳнат қонунчилиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан ташкил этиладиган махсус малака ошириш курсларини тамомлаши керак. Ушбу жамоатчилик кенгашини ташкил этишда, аввало, Меҳнат қонунчилиги, шу жумладан, жамоатчилик назорати бўйича тегишли ҳужжатларга қўшимчалар киритиш лозим бўлади.

Кенг жамоатчиликнинг умумий манфаатлари бўлган меҳнат муносабатларида кишиларнинг ҳуқуқий маълумотлари етарли эмаслиги бугунги кунда меҳнат низоларининг керагидан анча кўплигини, иш берувчиларнинг мутлақ ҳукмронликка интилиш ҳолатлари мавжуд эканлигини кўрсатиб бермоқда. Бу каби муам-

моларни бартараф этиш учун эса, биринчи навбатдаги чора-тадбирлар оқибатларидан кўра, сабабларнинг олдини олиш лозим. Хусусан, бунда ходимларнинг меҳнат муносабатлари бўйича ҳуқуқий онг ва маданиятини юксалтиришга қаратилган жамоатчилик назорати институтини такомиллаштириш зарурати вужудга келади. Бирор бир маълумотни оммага узатишнинг энг яхши воситаси бу “тўртинчи ҳокимият” бўлган оммавий ахборот воситалари ҳисобланади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳузурида ишчи-ходимларнинг махсус газета ва журналларини яратиш лозим. Жумладан, “Касаба уюшмаси” илмий-амалий журналини ташкил этиш орқали, Ўзбекистонда ҳам ишчиларнинг махсус журнални вужудга келтиришимиз мумкин. Ушбу журналда эса, ходимларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари каби бошқа меҳнат муносабатлари ёритиб борилади. Журналнинг мақсади эса меҳнат муносабатлари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликларни англашни кенг жамоатчиликка етказишдан иборат бўлиши керак.

Бундан ташқари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Адлия вазирлиги ва Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан ҳамкорликда меҳнат муносабатларига бағишланган “Мунозара” ток-шоу телекўрсатувини тайёрлаш ҳам фойдали бўлиши мумкин. Ушбу телекўрсатувда, бугун мавжуд бўлган меҳнат низолари ҳақида муҳокамалар ўтказилиши, унда, судьялар, меҳнат инспекторлари, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мутахассис ходимлари, шунингдек, юридик мутахассислик бўйича профессор-ўқитувчилар иштирок этиши мумкин.

Бундай жамоатчиликни жалб этиш орқали, фикримизча, меҳнат низоларини ҳал қилишдаги ноаниқликларга барҳам беришимиз, ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражасини ошириш имкониятига эришишимиз мумкин бўлади.

Меҳнат қонунчилигига риоя қилиш устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган муаммолардан яна бири касаба уюшмаси аъзосининг иш берувчилар томонидан бўладиган таҳдидлардан етарлича ҳимояси мавжуд эмаслиги ҳисобланади.

Амалиётда, аксар ҳолларда касаба уюшмаси аъзоларининг фаолияти иш берувчиларнинг “сензура”си остида бўлади. Яъни, касаба уюшмалари иш берувчининг манфаатларига зид равишда қарорлар чиқаришдан ҳай-икиб туришади. Бу эса ўз навбатида улар учун янада қўшимча кафолатларни талаб қилади. Жамоатчилик назоратини амалга оширувчи касаба уюшмаси аъзоси бўлган ходимга нисбатан иш берувчи томонидан тазйиқ ўтказилиши демократик меҳнат муносабатларига жиддий таҳдид солади.

Бу каби муаммоларни энг паст даражага тушириш учун ходимларнинг вакиллик органларига, шу жумладан, унинг аъзоларига таҳдидларни камайтириш, меҳнат муносабатларида “бир-бирини тийиб туриш” тамойилини амалга тадбиқ этиш учун жавобгарлик чораларининг таъсирчанлигини ошириш лозим. Шу боис, МЖТКнинг 49-моддасини янги 4-қисм билан тўлдиришимиз лозим. Ушбу қисмда “ҳудди шундай қилмиш жамоатчилик назоратини амалга оширган ходимга нисбатан содир этилса” унга нисбатан юқорироқ бўлган жазо “базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши” белгиланиши жамоатчилик назоратининг фаолроқ амалга оширилишига олиб келиши мумкин бўлади.

Ойгул АБДУЛЛАЕВА,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

ЎЗИНИ ЎЗИ ЎЛДИРИШ ДАРАЖАСИГА ЕТКАЗИШ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

АННОТАЦИЯ: мақолада “суицид” атамаси тушунчаси ва унинг ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жинояти билан фарқли жиҳатлари, мамлакатимиз жиноят қонунчилигида ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказганлик учун жавобгарлик масалалари ривожланишининг тарихий жараёнлари ёритиб берилган.

Калит сўзлари: “Суицид”, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш, фарқли жиҳатлари, ижтимоий ва ҳуқуқий моҳияти, жавобгарлик, таҳлил, профилактикаси.

Дунёда ўзини ўзи ўлдириш ҳолати ўлимнинг келиб чиқиш сабаблари рўйхатида саккизинчи ўринни, зўравонлик натижасида келиб чиқадиган ўлимлар орасида эса биринчи ўринни эгаллайди. Маълумотларга кўра, ҳар йили бир миллионга яқин одам ўзини ўзи ўлдиради, ўн миллиондан йигирма миллионга яқин одам эса, ўзини ўзи ўлдиришга уринади. Бу кўрсаткич ўртача ҳар 40 сонияда бир киши ўз жонига қасд қилади, деганидир. Таҳлилларга кўра, дунё миқёсида ўз жонига қасд қилиш маиший зўрлик ишлатиш ҳолатлари сабабли ўтган асрнинг 90-йилларига нисбатан кескин ортган. Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 103-моддасида белгиланган бўлиб, ушбу жиноятнинг ўзига хослиги шахсни қўрқитиш, унга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситиш натижасида уни ўзини ўзи ўлдиришга ёки ўзини ўзи ўлдиришига суиқасд қилиш даражасига етказишда намоён бўлади.

Аслида ўз жонига қасд қилиш ҳаётнинг қадрига етмаган, яшашни истамаган, атрофдагилардан норози шахснинг тушқунликка тушган, руҳан толиққан пайтида содир этадиган ҳаракатидир. Бунда инсон охириги дақиқагача яшашни истайди, бироқ бу туйғу унинг ўз жонига қасд қилишига монелик қила олмайди. Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш эса, бошқа бир инсон томонидан қасддан ташкил этилади ва бу ўз-ўзидан ҳаётга қарши қаратилган жиноят ҳисобланади. Ўз жонига қасд қилиш даражасига етказиш усуллари турлича бўлиши мумкин. Лекин уларнинг барчаси айбдорнинг жиноий мақсади билан боғлиқ бўлади. Бундай ҳолатлар, албатта, жазосиз қолдирилиши мумкин эмас.

Инсон ҳаётига қарши қаратилган қилмиш учун жавобгарлик қадимги даврдан мавжуд бўлган. Айрим адабиётларда ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш қотиллик каби тавсифланган ва жазоланган деган тахминлар мавжуд.

Хусусан, зардуштийларнинг муқаддас китоби “Авесто”да инсонни ўлдириш, уни калтаклаб, жароҳат етказиш жиноят деб топилиб, ўлимга муносиб кўрилган. Тан жароҳати етказган эса қонини оқишиш, суягини синдириш ва маълум миқдорда қамчин билан жазоланган.

Диний ва дунёвий адабиётларда жиноят учун жазо бергандан кўра, унинг олдини олган маъқуллиги умумэтироф этилган. Бу – ҳар қандай ижобий қонунчиликнинг бош вазифасидир. Ҳозирги вақтда ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий, салбий ҳодисаларга нисбатан қўлланилган “жиноятчиликнинг олдини олиш”, “профилактика қилиш”, “огоҳлантириш”, “тўхта-тиш”, “барҳам бериш” каби атамалар нафақат махсус адабиётларда, балки ҳар хил норматив ҳужжатларда, шунингдек вақтли матбуотда ҳам кўп учрайди.

Таъкидлаш лозимки, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш профилактикаси, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг

тўртта тури яъни умумий, махсус, якка ва виктимологик профилактикасини қўллаш орқали уни амалга оширишни тақозо этади.

Хусусан, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишнинг умумий профилактикаси, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг мазкур жиноятнинг олдини олиш, унинг содир этилиши сабабларини ва унга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этишга қаратилган фаолиятдан иборат. Бу чора-тадбирлар моддий ва маънавий фаровонликни ошириш, шунингдек, ижтимоий қафолатлар ва имтиёзларнинг мавжудлиги ва кенглигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар мажмуи бўлибгина қолмай, балки жиноятчиликка қарши курашишнинг инновацион усуллари ва методларини жорий этиш бўйича сиёсий ислохотлар ўтказишдан иборатдир.

Шунингдек, гоёвий, маънавий-маърифий ва ватанпарварлик тарбиясида тўғри йўналишни йўлга қўйиш, бепул махсус касб-ҳунар ва олий таълим олиш имкониятини таъминлаш имконини беради. Сабаби, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг мазкур тури аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғиботдек самарадор чора-тадбирни ўз ичига олади. Зеро, мазкур чора-тадбир ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий мақсади ҳам ҳисобланади.

Шундай қилиб, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишнинг умумий профилактикаси самарали тур ҳисобланади дейишимиз мумкин. Чунки, умумий профилактика жуда кўп мақсад ва вазифаларни қамраб олади.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишнинг умумий профилактик чора-тадбирлар ҳақида фикр юритилар экан, ушбу жиноятнинг асосий салмоғи кузатилаётган соҳага алоҳида эътибор қаратишимиз лозим саналади. Юқорида таъкидлаганимиздек, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятининг асосий қисми оилавий-маиший соҳада содир этилмоқда. Шу боис ҳам бу соҳадаги жиноятларнинг барвақт олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни қонунда белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Мусурмон ЭШКУВАТОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Самоубийства в Центральной Азии (инфографика). <https://caanetwork.org/file:///Network.html>.
2. Около миллиона человек в мире ежегодно кончают жизнь самоубийством. [Электрон манба] – URL: ria.ru/society/20080131/98082091.html.
3. Самохвал В.Г. Особенности деструктивного поведения в молодежной среде. Текст научной статьи по специальности “Психологические науки”. [Электрон манба] – URL: <https://cyberleninka.ru>.
4. Проблема самоубийства в древней Греции. [Электрон манба] – URL: <https://elib.bsu.by/bitstream.pdf>.
5. Sergeyeva E. (2020). Artistic Identity of L. Solovoyov's Novel “The Tale of Khodzha Nasreddin”. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 8(6). [Электрон манба] – URL: <https://www.researchgate.net>.

ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги нормалар содир этган қилмиши жиноят бўлмаган шахсларга нисбатан қўлланилмайди. Бошқача қилиб айтганда бундай қилмишлар айбсизлик мезони билан баҳоланади. Жиноий жавобгарликдан озод қилиш шахсни оқлашдан ҳам фарқ қилади.

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун иккита белги мавжуд бўлиши лозим:

а) шахс жиноят таркиби мавжуд бўлган қилмишни содир этиши, шунингдек, уни жиноий жавобгарликка тортиш учун барча асосларнинг мавжуд бўлиши;

б) мазкур шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун барча қонуний асос ва шарт-шароитларнинг мавжуд бўлиши.

Шахс томонидан содир этилган қилмишда жиноят таркиби белгиларининг мавжуд бўлмаслиги уни жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди. Жиноий жавобгарликдан озод қилиш ўз мазмунига кўра шахсни содир этилган қилмишнинг ҳуқуқий оқибатларидан озод қилишдан иборатдир. Шахсни жиноий жавобгарликдан ҳар қандай асосларга кўра озод қилиш қилмишнинг ҳуқуқий табиатини ўзгартирмайди. Чунки содир этилган қилмиш доимо жиноят бўлиб қолаверди ва ўз моҳиятини ўзгартирмайди.

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш иккига бўлинади: биринчиси, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш муддатининг ўтганлиги ёки амнистия акти асосида жиноий жавобгарликдан озод қилиш. Қонунда кўрсатилган асослар мавжуд бўлган ҳолларда жиноят ишини кўраётган суриштирув, тергов органлари ва суд шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиши ва жиноят ишини юритишни тугатиши лозим.

Бу Жиноят кодексининг 64-моддасида белгиланган жиноий жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиши ёки амнистия актининг қўлланилиши тўғрисидаги қоидалардан келиб чиқади.

Жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг иккинчи турига жавобгарликдан озод қилишнинг қолган барча турлари киради: қилмиш ёки шахснинг ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан; айбдорнинг ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан; ярашганлик муносабати билан; касаллиги туфайли жавобгарликдан озод қилиш (65-67-моддалар) ва вояга етмаган шахсга нисбатан мажбурлов чорасини қўллаган ҳолатда жавобгарликдан озод қилиш (88-модда) киради. Бу моддаларда кўрсатилган ҳолатлар суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд учун мажбурият келтириб чиқармайди, балки, бу уларнинг ҳуқуқлари бўлиб ҳисобланади.

Бу Жиноят кодексининг жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги моддаларида белгиланган: "Жиноят содир этган шахс жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин" деган қонуний асосга кўра белгиланади. Жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг умумий

шарти шахснинг ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги ҳисобланади. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган қилмиш, деганда қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар тушунилади. Унча оғир бўлмаган жиноятларга эса қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

Масалан зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш (Жиноят кодекси 100-модда), кучли руҳий хаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш (Жиноят кодекси 106-модда).

Жиноят кодексининг 65-67-моддаларига асосан жавобгарликдан озод қилишда жиноятнинг таснифидан ташқари бошқа ҳолатлар, етказилган зарарнинг хусусияти, айбдорнинг шахси ва ижтимоий хавфлилиги даражаси ҳам эътиборга олиниши лозим, бундан шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш мақсадга мувофиқлиги келиб чиқади.

Жиноят кодексига жазодан озод қилишнинг қуйидаги турлари кўрсатилган: 1) жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш (64-модда); 2) қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш (65-модда); 3) айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш (66-модда); 4) ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш (66¹ - модда) 5) касаллик туфайли жавобгарликдан озод қилиш (67-модда); 6) амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш (68-модда); 7) вояга етмаган шахсга нисбатан мажбурлов чорасини қўллаган ҳолатда жавобгарликдан озод қилиш (88-модда). Жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳуқуқий жиҳатдан жиноят содир этган шахс қилмишининг барча ҳуқуқий оқибатлари: суд ҳукми асосида давлат томонидан тайинланганидан ва шахсни расмий тарзда жиноятчи деб топадиган таъсир чорасидан, жазодан ва судланганликдан озод қилади.

Нодир РАДЖАПОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.



МДҲ МАМЛАКАТЛАРИ ҚОНУНЧИЛИГИДА УМРБОД ТАЪМИНЛАШ ИНСТИТУТИ

МДҲ мамлакатлари қонунчилигида умрбод таъминлаш институти тартибга солишни икки турга бўлиш мумкин:

1) қонунчилигида умрбод таъминлаш шартномаси қайд этилмаган мамлакатлар (Озарбайжон, Арманистон);

2) фуқаролик кодексларида мазкур шартнома мустақил шартнома тури сифатида тартибга солинган мамлакатлар. Бунга МДҲнинг қолган барча давлатлари киради.

Биринчи турдаги давлатларга келсак, шуни таъкидлаш керакки, 1999 йилдаги Арманистоннинг Фуқаролик кодекси умрбод таъминлаш институтига яқин бўлган ижара институти тартибга солади. Бунда ушбу ҳужжатнинг 577-моддасида ижара шартномасида қиймати бўйича ижара пул суммасига тенг бўлган мол-мулкни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш йўли билан ижара тўлаш назарда тутилиши мумкинлиги кўрсатилган. Гарчи бу қонунда умрбод таъминлаш шартномаси ҳақида қайд этилмаган бўлса-да, у амалда вужудга келиши ва ижара нормалари билан тартибга солиниши мумкин. Чунки, хизмат кўрсатиш бегоналаштирувчи (ижара олувчи)ни таъминлаш ёки парвариш қилишдан иборат бўлиши мумкин.

Шу сингари норма Озарбайжоннинг янги Фуқаролик кодексининг 870-моддасида ҳам мавжуд. Шунинг учун бу ҳолда, худди Арманистонда бўлгани каби, умрбод таъминлаш шартномаси ижара нормалари билан тартибга солинади.

Иккинчи турдаги мамлакатлар қонунчилигини таҳлил қилар эканмиз, аввало Россия Федерациясининг Фуқаролик кодексига тўхталиб ўтиш лозим. Унда умрбод таъминлаш институтига 601-605-моддалар бағишланган. Россиялик ҳуқуқшунослар, асосан, ушбу шартномани умрбод ижара тури сифатида кўриб чиқадилад.

Россия ҳуқуқ нормаларининг бундай хусусиятларига эътибор қаратадиган бўлсак, биринчидан, ижара олувчи (бегоналаштирувчи) фақат уй-жой, квартира, ер участкаси ёки бошқа кўчмас мулкни ижара тўловчининг (олувчининг) мулкига бериши мумкин. Ҳолбуки, бизнинг қонунчилигимизга кўра фақат турар жой уйи (уйнинг бир қисми) ёки квартира (квартиранинг бир қисми) кўрсатилади;

иккинчидан, бир ойлик умумий таъминот миқдори қонунда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг икки бараваридан кам бўлиши мумкин эмас. Бундай норма қонунчилигимизда белгиланмаган;

учинчидан, умрбод таъминот шартномасида умрбод таъминотни пул шаклидаги тўловлар билан алмаштириш имконияти назарда тутилиши мумкин;

тўртинчидан, олувчи кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказиш, мажбурлаш ёки бошқа усулда оғирлаштириш ҳуқуқига эга, бироқ бу фақат бошқа шахсга ўтказувчи билан келишиб олинганидан кейин амалга оширилади. Ҳолбуки, бизнинг қонунчилигимизга биноан, сотиб олувчи бундай ҳуқуққа эга эмас;

бешинчидан, бегоналаштирувчи фақат тўловчи ўз мажбуриятларини жиддий бузган тақдирдагина кўчмас мулкни қайтаришни ёки унга сотиб олиш нархини тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Шуни айтиш керакки, МДҲ давлатлари орасида биринчи бўлиб Россия умрбод таъминлаш муносабатларни тартибга солишга нисбатан янгича ёндашди. Шунинг учун ҳам МДҲнинг баъзи мамлакатларида Россия умрбод таъминлаш институтининг рецепцияси юзага келди. Бу нафақат меъёрларнинг мазмунига, балки уларнинг тузилиши ва жойлашиш тартибига ҳам тааллуқлидир. Бундай ҳолат 1998 йилдаги Қирғизистон ФКнинг 537-541-моддаларида, 1998 йилдаги Беларусъ

ФКнинг 572-576-моддаларида ва 1999 йилдаги Қозоғистон ФКнинг 535-539-моддаларида кузатилган.

1999 йилдаги Тожикистоннинг ФКга назар солсак, шуни айтиш керакки, умрбод таъминлаш институтида ушбу кодекс Россия ФКнинг худди шундай институтини тўлиқ такрорлайди, аммо ўзига хос меъёрларга эга. Агар тарафларнинг ўзаро муносабатлари шартнома мажбуриятлари бузилиши оқибатида мураккаблашган ёки шартномани давом эттиришнинг иложи бўлмаган бошқа жиддий сабабларга кўра мураккаблашган бўлса, тарафлар умрбод таъминот шартномасидан воз кечиши мумкин, деган қоида катта қизиқиш уйғотади. Бунда шартнома бўйича берилган мол-мулк бошқа шахсга берувчига қайтарилади, агар шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ижара тўловчининг (олувчининг) харажатлари қопланмайди.

Грузияда умрбод таъминлаш шартномасини тартибга солишга ўзига хос ёндашилди. Бу масалага 1997 йилдаги Грузия ФКнинг 941-950-моддалари бағишланган. Аввало, умрбод таъминлаш шартномасига таъриф берувчи модданинг тузилиши ўзига жалб қилади. Унинг таҳлилидан бу шартнома реал ёки консенсуал эканлигини тушуниб бўлмайди. Бундан ташқари, бегоналаштирилиши мумкин бўлган мол-мулк ҳам белгиланмайди ва шунинг учун томонлар қайси мол-мулк бегоналаштирилиши мумкинлигини ва шартноманинг қандай конструкциясини (реал ёки консенсуал) танлашни ўзлари белгилайдилар. Грузия ФКда умрбод таъминлаш шартномасини тартибга солишнинг бошқа хусусиятларига ҳам эътибор қаратиш лозим (Тожикистоннинг янги ФКда ҳам шундай мазмун мавжуд):

биринчидан, умрбод таъминлаш пул ёки натура шаклида белгиланиши мумкин;

иккинчидан, ушбу битим оддий ёзма шаклда тузилади, кўчмас мулк бошқа шахсга ўтказилганда эса у нотариал тасдиқланган бўлиши керак;

учинчидан, олувчи ўзига берилган мол-мулкни бегоналаштириши, мажбурият юклаши ёки бошқа усулда тасарруф этиши мумкин, лекин фақат бегоналаштирувчининг ёзма рухсати билан амалга оширади;

тўртинчидан, умрбод таъминлаш шартномасида таъминот олувчидан таъминот олишга қонуний ҳуқуққа эга бўлган, бироқ уни боқувчи (олувчи) умрбод таъминот бераётгани оқибатида ололмаган бошқа шахслар низолашиши мумкин;

бешинчидан, агар тарафларнинг ўзаро муносабатлари шартнома мажбуриятларининг бузилиши оқибатида муросасиз бўлиб қолса ёки бошқа жиддий сабабларга кўра шартномани давом эттириш ўта қийинлашса ёки мумкин бўлмаса, тарафлар умрбод таъминлаш шартномасидан воз кечиши мумкин.

Демак, юқоридагилардан кўриниб турибдики, МДҲ мамлакатларида умрбод таъминлаш институти тартибга солишга турлича ёндашилган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳам ушбу институт киритилган бўлиб, унда уй-жойни, квартирани умрбод таъминлаш шarti билан бериш мумкинлиги назарда тутилган. Бизнинг қонунчилигимизда таъминот миқдори чегараси белгиланмаган бўлиб, кўпгина МДҲ давлатларида ушбу таъминот энг кам иш ҳақидан кам бўлмаслиги қонунчиликда белгилаб қуйилган. Шуни инобатга олиб фуқаролик қонунчилигидаги умрбод таъминлаш шартномасининг баъзи қоидаларни ўзлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бу ўзгаришлар, менимча, фақат умрбод таъминлаш институти тартибга солишни яхшилайти ва кўплаб муаммоларни ҳал қилишга имкон беради.

Шахноза ДЖАББОРОВА,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

ПОРА БЕРИШ ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Порахўрлик жиноятларининг оқибатлари жуда кенг қамровли бўлиб, улар нафақат ҳуқуқий, балки ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларга ҳам таъсир ўтказади.

Таҳлилларга кўра, 2023 йилда судлар томонидан кўрилган ва айблов ҳукми чиқарилган коррупцияга оид жиноят ишлари сони 4 128 тани ташкил қилиб, 2022 йилга (4 607 та) нисбатан 479 тага ёки 11 фоизга камайган.

2023 йили Республика бўйича жами 6 535 нафар шахс (2022 йилда 7 414 нафар) коррупцияга оид жиноятлар учун жиноий жавобгарликка тортилган бўлиб, 2022 йилга нисбатан жавобгарликка тортилганлар сони 879 нафарга ёки 12 фоизга камайган.

Жавобгарликка тортилган 6 535 нафар шахснинг 1 076 (1 482) нафари ёки 16,4 фоизи (20 фоизи) озодликдан маҳрум этилган.

Энг кўп содир этилган коррупцияга оид жиноятлар: ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш – 2 067 (2 145),

пора бериш – 894 (1 061),

фирибгарлик – 769 (937),

пора олиш – 121 (155),

ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш – 125 (117).

2023 йилда коррупцияга оид жиноят содир этган шахслар сони Андижон – 971 (913), Сирдарё – 472 (459), Сурхондарё – 332 (302) вилоятларида ошган.

Соҳалар кесимида ўтказилган таҳлилларга кўра, энг кўп коррупциявий жиноятлар қуйидаги соҳаларга тўғри келади: ҳўжалик юритиш ва тадбиркорлик – 1 550 (1 435), таълим – 586 (778), банк соҳаси – 323 (381), соғлиқни сақлаш – 320 (384), ҳуқуқни муҳофаза қилиш – 211 (222).

Жиноий жавобгарликка тортилган шахсларнинг: 12 нафари (27) республика, 319 нафари (270) вилоят, 5 024 нафари (5 755) туман-шаҳар миқёсидаги давлат ташкилотларида фаолият кўрсатган.

Жиноятлар таҳлили кўрсатишича, муқаддам судланган шахсларнинг давлат хизматига қабул қилиниши улар томонидан қайта жиноят содир этилишига имкон яратиб бермоқда. Жумладан, 2023 йилда 1 146 нафар (1 234) муқаддам судланган шахслар томонидан коррупцияга оид жиноятлар содир этилган бўлиб, уларнинг 566 нафари (506) аввал ҳам коррупциявий жиноят учун судланган.

Пора бериш жиноятини квалификация қилишдаги асосий муаммолар, жумладан, жиноятнинг объектив ва субъектив жиҳатларини инобатга олишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

пора бериш ва ҳомийликнинг чегараси ноаниқлиги;

пора беришга мажбурлаш ҳолатлари;

пора бериш ва коммерциядаги порахўрликни фарқлаш муаммоси;

пора бериш жиноятини исботлаш мураккаблиги.

Айрим ҳолатларда пора бериш ва қонуний ҳомийлик ўртасида аниқ фарқ қўйиш мушкул. Масалан, айрим тадбиркорлар ёки фуқаролар давлат хизматчиларига “ҳадя” беришни анъанавий ҳолат сифатида баҳолайдилар. Бу эса пора сифатида квалификация қилишда баҳс-мунозараларни келтириб чиқаради.

Шунингдек, айрим ҳолатларда фуқаролар ёки тадбиркорлар давлат хизматчилари томонидан бевосита ёки билвосита пора беришга мажбурланади. Амалдаги қонунчиликда пора олиш ва пора бериш тенг жавобгарликни назарда тутати, бироқ айрим ҳолларда пора берувчига жабрланувчи сифатида қаралиши мумкин.

Бундан ташқари, коррупцияга оид жиноятлар ичида пора бериш жинояти давлат хизматчиларига нисбатан содир этилиши керак бўлган жиноят сифатида белгиланган. Бироқ, тижорат ташкилотлари ва хусусий сектордаги пора бериш ҳолатларини квалификация қилишда аниқ меъёрларни белгилаш муаммоларга сабаб бўлмоқда. Кўп ҳолатларда пора бериш яширин шаклда амалга оширилади. Бу эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун далилларни йиғиш ва исботлашда қийинчилик туғдиради.

Таъкидлаш керакки, коррупцияга қарши кураш халқаро миқёсда долзарб масала ҳисобланиб, унинг олдини олиш ва чек қўйиш учун бир қатор самарали халқаро ҳуқуқий механизмлар ишлаб чиқилган. Шулардан бири – Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти (OECD) томонидан қабул қилинган “Халқаро бизнес операцияларида хорижий давлат мансабдор шахсларини пора билан таъминлашга қарши кураш тўғрисидаги Конвенция” бўлиб, у давлатлараро савдо, инвестиция ҳамда бизнес муҳитини шаффофлаштиришга қаратилган. Ўзбекистонда сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашиш тизими сезиларли равишда такомиллаштирилган бўлса-да, ҳали ҳам давлат бошқаруви ва хусусий секторда муайян муаммолар сақланиб қолмоқда. Шу нуқтаи назардан, мазкур конвенцияга қўшилиш мамлакатнинг халқаро миқёсдаги мавқеини мустаҳкамлаш, хорижий сармоядорлар учун қулай муҳит яратиш ҳамда давлат хизматларида шаффофлик ва жавобгарликни оширишга хизмат қилади.

Маълумки, жиноят қонунчилигига асосан, жиноят субъекти фақат жисмоний шахслар ҳисобланади. Юқорида баён этилган масалада ҳам жисмоний шахслар томонидан пора бериш жинояти содир этилади, аммо бевосита юридик шахс манфаати устувор ҳисобланади. Шунинг учун, бу каби жиноятларнинг олдини олиш мақсадида юридик шахслар учун ҳуқуқий таъсир чораларини жорий этиш лозим. Бинобарин, бундай таъсир чораларига юридик шахс фаолиятини тугатиш, тўхтатиб туриш, етказилган зарарни қоплаш каби мажбуриятларни киритишимиз мумкин бўлади.

Хусниддин АМИНОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти (OECD) томонидан қабул қилинган Халқаро бизнес операцияларида хорижий давлат мансабдор шахсларини пора билан таъминлашга қарши кураш тўғрисидаги Конвенция.
2. Коррупцияга қарши агентлиги Ахборот хизмати. <https://anticorruption.uz/oz/article/korrupsion-jinoyatlarga-oid-malumatlar-tahlil-qilindi>
3. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳ (Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр. 2016 йил 1 ноябргача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) махсус қисм / Тошкент: “Адолат”, 2016. - 960 б. 555-бет.
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. 22.09.1994 й.

ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТУШУНЧАСИ ВА АҲАМИЯТИ

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллашнинг асосий мақсади, жабрланувчининг (кредиторнинг) аввалги мулкӣ ҳолатини тиклаш, шунинг билан бирга у кўрган зарарни қоплаш саналади. Бу ўз навбатида жавобгарнинг мол-мулки ҳисобидан амалга оширилади.

Шахсга фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чораси сифатида янги ёки қўшимча мажбуриятларни юклаш, хусусан, ҳуқуқбузарга нисбатан зарарни (модий ва маънавий зарар) қоплаш, шунингдек неустойка тўлаш тўғрисида даъво қўйилганида содир бўлади.

Масалан, “Соҳил уммон барака” МЧЖ ва “Сирдарё соҳили” хусусий корхонаси ўртасида олти ой муддатга тузилган етказиб бериш шартномасига кўра маҳсулот етказиб берувчи “Соҳил уммон барака” МЧЖ “Сирдарё соҳили” хусусий корхонасига ушбу товарларни ҳар ойда муайян миқдорларда етказиб бериши шарт бўлган. Бунда, “Соҳил уммон барака” МЧЖ маълум бир сабабларга кўра навбатдаги маҳсулот етказиб беришни кечиктирадиган бўлса, бу ойда етказиб берилмаган товарлар миқдори, агар “Сирдарё соҳили” хусусий корхонаси товарни олишдан бош тортмаса, маҳсулот кейинги йилда етказиб берилиши шарт бўлади.

Шу билан бирга, бундай ҳолатда етказиб берувчи “Соҳил уммон барака” МЧЖ товарларни етказиб бериш миқдори бўйича шартнома шартларини бузганлиги учун “Сирдарё соҳили” хусусий корхонасига етказилган зарарни қоплаши ва шартномада бундай шарт назарда тутилган бўлса неустойка ҳам тўлаши лозим бўлади.

Миллий юридик адабиётларда мажбуриятни бажармаганлик учун жавобгарлик мажбурият институтининг таркибий қисми сифатида келтирилган. Яъни, шартномавий мажбуриятлар мажбурият ҳуқуқи институтининг бир қисми ҳисобланади.

Бунда мажбуриятни бажармаганлик учун қўлланиладиган жавобгарликнинг асосий вазифаси шартнома бузилганлиги оқибатида етказилган зарарни қоплаш ва кредиторнинг шартнома бузилмасдан дастлабки ҳолатини тиклаш ҳисобланади.

Юридик адабиётларда қайд этилишича, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик ўзида бир қатор элементларни мужассам этади.

Хусусан:

- давлатнинг ҳуқуқий мажбурият чораси эканлиги ҳамда айна вақтда ихтиёрий ижро этилиши мумкинлиги;
- қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган бўлиши;
- ҳуқуқбузар ёки қонун ҳужжатларида жавобгарлик зиммасига юклатилган субъектлар учун салбий оқибатлар юзага келиши;
- ҳуқуқбузарлик учун етказилган зарарни қоплаш, ҳуқуқбузарлик оқибатларини бартараф этиш ёки юмшатишга қаратилган бўлиши;
- ҳуқуқбузар учун муайян субъектив ҳуқуқдан маҳрум бўлиши ёки бошқа ноқулай ҳуқуқий оқибатлар вужудга келтириш кабиларни ўз ичига олади.

Давлатнинг мажбурият чораси эканлиги кўпроқ фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ўз ҳуқуқларини тиклаш учун судга мурожаат қилган вақтларида вужудга келиши билан характерланади.

Чунки, шартномавий муносабатларда кредитор низони судгача ҳал қилиш усулларидадан фойдаланган тақдирда (талабнома юбориш, медиацияни қўллаш), ушбу элемент ўз-ўзидан ишламай қолади. Бунда кредитор ўзининг талаб қилиш ҳуқуқидан тўғридан-тўғри фойдаланади, деб ҳисоблашимиз мумкин.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг элементларидан яна бири унинг қонунда ёки шартноманинг ўзида назарда тутилиши ҳисобланади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси “Ҳўжалик юритуви субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунининг 25-моддасига кўра, товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи ёки пудратчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

Бироқ, аксарият ҳолларда жавобгарликнинг қонунда белгилаб қўйилишидан кўра шартноманинг ўзида назарда тутилиши ҳолатлари кўпроқ учрайди. Бу-

нинг асосий сабаби, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда шартномалар эркинлиги тамойили кўпроқ амал қилади ва бунда ушбу муносабат иштирокчилари ўз ҳуқуқ ва бурчларини белгилашда ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳар қандай шартнома шартларини киритишлари мумкин бўлади.

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, шартнома тузилишининг муҳим шартларидан бири унга фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг киритилиши ҳисобланади. Бундан келиб чиқадики, тарафлар мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик чораларини ҳам ўзлари белгилашлари мумкин бўлади ва бу юқорида белгиланган шартнома тузиш эркинлиги принципининг реал ишлашидан далолат беради.

Фикримизча, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг ҳуқуқбузар ёки қонун ҳужжатларида жавобгарлик зиммасига юклатилган субъектлар учун салбий оқибатларнинг юзага келтириш элементи унинг моҳият-мазмунини очиб беради. Бироқ, бу салбий оқибат бошқа ҳуқуқ тармоқларида назарда тутилган жавобгарликнинг (санкциянинг) салбий оқибатларидан юмшоқроқ характерга эга ҳисобланади. Чунки, фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик мулкӣ хусусиятга эга.

Яъни, ушбу жавобгарликда қарздорнинг етказилган зарарни қоплаши уни мулкӣ жиҳатдан қийин аҳволга солиши мумкин, бироқ унга нисбатан бошқа бир қўшимча мажбуриятни ёки жавобгарликни юзага келтирмайди.

Масалан, шахс жиноят содир этса ва ўзга бир шахснинг мулкига зарар етказса, ушбу шахс қилмиши учун жиноий жавобгарликка тортилиши билан бирга, етказилган зарарни ҳам қоплаши лозим бўлади. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликда эса қарздорнинг мажбурияти томонлар ўртасида тузилган шартномада ёки тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган мулкӣ зарарни қоплаши билан унинг жавобгарлиги тугайди.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг ҳуқуқбузар учун муайян субъектив ҳуқуқлардан маҳрум бўлиш ёки бошқа ноқулай оқибатлар вужудга келтириш элементига келсак, ушбу элементни нисбий характерга эга дейишимиз мумкин.

Чунки, ушбу элемент ҳар доим ҳам вужудга келмаслиги мумкин. Бунда асосий муҳим жиҳат фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ушбу муносабатга киришиши мақсади билан боғлиқ бўлади.

Маълумки, фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ўз ҳуқуқ ва бурчларига ўз эркилигига мувофиқ эга бўладилар ва ўз хоҳишича ушбу ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга оширадилар. Шундай экан, ҳар бир субъект шартномавий муносабатга киришишда фойда олиш ёки бошқача тарзда манфаат кўриш мақсадини кўзлайди.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, иккинчи тарафнинг ўзи етказилган зарар учун шартномани бир томонлама бекор қилиши субъектнинг ўзи кўзлаган мақсадга эришиш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

Шунга кўра, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик деганда, фуқаролик қонун ҳужжатлари ёки томонлар ўртасида тузилган шартномаларда назарда тутилган, мажбурият ихтиёрий амалга оширилмаган тақдирда давлатнинг мажбурият кучи билан таъминланадиган, фуқаролик ҳуқуқбузарлиги оқибатларини бартараф этишга, шу жумладан зарарларни тўлиқ қоплашга ёхуд ушбу оқибатларни юмшатишга қаратилган, ҳуқуқбузар ёки қонун ҳужжатларида жавобгарлик зиммасига юклатилган субъектларни муайян субъектив ҳуқуқлардан маҳрум қилиши ёхуд бошқа ноқулай салбий оқибатларни вужудга келтиришда намоён бўладиган ҳуқуқий таъсир чораларининг қўлланилиши тушунилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик юридик жавобгарликнинг бир тури ҳисобланиб, унга кўра фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик ҳуқуқбузарнинг жабрланувчи олдидаги қонуний жавобгарлиги ҳисобланади ва ҳуқуқбузарга қўйилган мулкӣ жавобгарлик зарар кўрган шахс фойдасига ундирилади.

Ҳабиб ҚОРҒОДИЕВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЯПОНИЯДА ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ ҚОПЛАШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК

Давлат томонидан етказилган зарар деганда, қонунда белгиланган тартибда давлат ва жамоат манфаатлари йўлида жисмоний ёки юридик шахсдан зарарни қоплаш йўли билан мол-мулкни олиб қўйиш ёки давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шунингдек, улар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши натижасида жисмоний ёки юридик шахсларга етказилган зарар тушунилади.

Ўзбекистонда давлат томонидан етказилган зарарларни қоплаш ва у билан боғлиқ жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 990, 991-моддаларида белгиланган бўлиб, фуқаролик ҳуқуқи доирасида ўрганилади.

Давлат органлари, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарарни қоплашга оид амалиётни кўриб чиқишда, ушбу соҳа шаклланиши бўйича ўзаро ўхшаш жиҳатлари мавжуд бўлган, кенг назарий доктрина ва амалиётга эга ҳамда дунёда ҳар томонлама ривожланиши бўйича етакчи ўринларда турган Япония давлати билан қиёсий-ҳуқуқий таққослаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Японияда давлат органининг ноқонуний ҳатти-ҳаракати натижасида жисмоний ёки юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш тизими Ўзбекистон тизимига ўхшаш томонлари бўлсада айрим жиҳатлари билан тубдан фарқ қилади. Японияда давлат хизматчисининг ноқонуний маъмурий фаолият натижасида жисмоний ёки юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш масаласи маъмурий ҳуқуқ предмети доирасига киради ва "Давлат компенсацияси тўғрисида" - ги (коккабаишохоу 国家賠償法) махсус қонун билан тартибга солинади.

Япония конституциясида давлат хизматчисининг ноқонуний ҳатти-ҳаракати натижасида етказилган зарар хусусида давлат ҳамда жамоат бирлашмасининг зарарни қоплаши белгиланган бўлиб (17-модда), шу норма асосида "Давлат компенсацияси тўғрисида" ги қонун қабул қилинган. Ушбу қонуннинг аҳамияти Иккинчи жаҳон урушигача бўлган даврдаги "Оммавий ҳокимият (давлат)нинг жавобгар бўлмаслиги" принципини ўзгатиришда, ҳамда бундай фаолиятда етказилган зарар хусусида маълум шартлар асосида зарарни қоплаш учун жавобгарликни белгилашда кўринади.

"Давлат компенсацияси тўғрисида" ги Япония қонунининг аҳамияти унинг жабрланувчига тўлов, тегишли ҳуқуқни амалга ошириш ва маъмурий ишларни тўлдирувчи каби функциялари билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 15, 990, 991-моддаларида давлат органининг мансабдор шахси томонидан зарар етказилган ҳолатдаги жавобгарлик кўрсатилган. Ушбу ҳолатда давлат органининг мансабдор шахси бўлиши асосий шартлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 990-моддасининг 2-қисмида, зарар суд қарори асосида қопланиши белгилаб қўйилган. Бунда зарар ғайриқонуний қарор қабул қилиш орқали эмас, балки ғайри қонуний ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этиш орқали етказилган бўлиши лозимлиги кўзда тутилган.

Ўзбекистонда давлатнинг жавобгарлиги ҳақида сўз борганда асосан давлатнинг делект жавобгарлигини ҳуқуқшунос олимлар кўрсатишади. Японияда эса, айнан давлат органи ёки давлат хизматчисининг ноқонуний ҳаракати юзасидан келиб чиқувчи жавобгарлик субъектини белгилашда икки хил ҳуқуқий доктрина илгари сурилади. Биринчиси, давлат хизматчисининг зарар учун жавобгарлигини давлат ёки жамоат ташкилоти унинг ўрнига алмашиб туриб жавобгарликни ўз зиммасига олиш билан боғлиқ "жавобгарлик ўрнини алмашиш" (даисекининсетцу 代位責任説) доктринаси бўлса, иккинчиси, зарар учун жавобгарлик бевосита давлат ёки жамоат ташкилотининг ўзига тегишли мажбурият деб ҳисобланувчи "ўзининг жавобгарлиги" (жикосекининсетцу 自己責任説) доктринасидир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг нормаларида жамоат фойдаланишидаги объектларни ўрнатиш, назорат қилишдаги камчиликлар натижасида етказилган зарар учун давлатнинг жавобгарлиги белгиланмаган. Шунингдек, зарарни қоплаш учун жавобгар бўлган субъектни белгилашда ҳам маълум муаммоли томонлари мавжуд. Агарда ушбу норма Ўзбекистонда қабул

қилинса, албатта барча давлат органларига қўшимча масъулият юклайди ҳамда уларнинг ўз вазифаларини бир хилда бажарилишини таъминлайди ва шунинг билан бирга фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларини амалга ошириш учун янада кенг имконият яратади деб ҳисоблаймиз.

Япониянинг "Давлат компенсацияси тўғрисида" ги қонунини 4-моддасида қўйидаги норма белгиланган. Унга кўра:

"Давлат ёки жамоат ташкилотининг зарарларни қоплаш бўйича жавобгарлиги олдинги 3 та моддада белгиланган нормалардан ташқари, фуқаролик кодексидаги нормалар асосида ҳам белгиланади." Унга биноан "Давлат компенсацияси тўғрисида" ги қонун нормаларида кўрсатилган шартларга тўғри келмайдиган ҳолатлар бўйича етказилган зарар умумий асосларда фуқаролик ҳуқуқи нормалари асосида ҳал этилиши белгиланган.

Ўзбекистонда агарда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан зарар етказиш ҳокимият - маъмурий муносабатлар соҳасида эмас, балки уларнинг хўжалик ёки техник фаолияти натижасида (масалан, туман ҳокимлигига тегишли автомашина томонидан фуқаро соғлиғига шикаст етказиш), зарар етказишда жавобгарлик умумий асосларга (985-модда) кўра белгиланади. Демак, Ўзбекистонда амалдаги қонунчилик бўйича зарар етказиш билан боғлиқ ишлар фуқаролик кодексининг махсус нормалари ёки умумий нормалари асосида кўриб чиқилади.

Япониянинг "Давлат компенсацияси тўғрисида" ги қонунини 5-моддасида, бошқа қонун ҳужжатларида махсус нормалар белгиланган бўлса шу нормаларга асосланиши белгиланган бўлиб, унга кўра:

"Давлат ёки жамоат ташкилотининг зарарларни қоплаш бўйича жавобгарлиги хусусида Фуқаролик кодексидан бошқа қонунларда махсус нормалар белгиланган бўлса шу нормаларга асосланади."

Хулоса қиладиган бўлсак, Японияда давлатнинг ноқонуний фаолияти натижасида етказилган зарар маъмурий ҳуқуқ предмети доирасида ўрганилса, Ўзбекистонда фуқаролик ҳуқуқида мавжуд оммавий-ҳуқуқий характердаги нормалар билан тартибга солиниб ушбу ҳуқуқ доирасида ўрганилади. Японияда давлатнинг ноқонуний фаолияти натижасида етказилган зарарни қоплашга доир махсус қонун мавжуд. Ўзбекистонда эса, бу соҳа умумий асосларда Фуқаролик кодекси ёрдамида ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солиниб, махсус қонун мавжуд эмас. Аммо, давлатнинг маъмурий фаолияти натижасида етказиладиган зарарларда, зарар етказиши мумкин бўлган субъектлар доирасида ва шу зарар юзасидан келиб чиқувчи жавобгарлик асосларида Япония билан қиёсий таҳлил қилинганда муаммолар яққол намоён бўлмоқда.

Давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шунингдек, улар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши натижасида фуқароларга ёки юридик шахсларга етказилган зарарга оид муносабатларда қандай ҳолатлар қонунга зид ҳисобланади, қандай ҳолатларда давлат томонидан тўланади ва қандай ҳолатларда мансабдор шахс томонидан зарар қоплаб берилишига аниқлик киритиш мақсадида "Давлат компенсацияси тўғрисида" ги қонунни қабул қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бунга асос сифатида Япония тажрибасини келтириш мумкин. Япониянинг "Давлат компенсацияси тўғрисида" ги қонунда юқоридаги саволларга жавоб топиш мумкин бўлади.

Сардорбек ЯХШИБОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

ЖИНОЯТГА ДАХЛДОРЛИК ИНСТИТУТИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР

АННОТАЦИЯ: Ушбу мақолада жиноят ҳуқуқи фанидаги жиноятга дахлдорлик ва унинг шакллари-га оид тушунчалар танқидий таҳлил қилиниб, жиноятга дахлдорлик юзасидан амалиётдаги мав-жуд муаммолар ўрганилиб ва уларни бартараф этиш учун жиноят қонунда жиноятга дахлдор-ликка янги таърифлар берилиши лозимлиги ҳамда унинг шакллари тизимлаштирилган ҳолда талқин этилиши муҳокама қилинади.

Калит сўзлар: жиноятга дахлдорлик, иштирокчилик, айбдорлар; ёрдамчилар; дахлдорлар, жино-ятни яширганлик, жиноятга йўл қўйиш, жиноят ҳақида хабар бермаганлик.

Жиноятга дахлдорлик институти, жиноятда иштирокчиликдан фарқ қилувчи, жиноят ҳуқуқи доктринасининг мустақил институтларидан бири ҳисобланади. Чунки у тайёргарлик кўрилаган, содир этилган ёки содир этилаётган жиноятлар ва унинг ижтимоий хавфли оқибатларини келтириб чиқаришга йўналтирилган жиноят содир этган шахсларнинг қилмиши билан на сабабий, на айбли боғлиқликда бўлмаган қилмишлардир.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида жиноятга дахлдорлик билан боғлиқ жиноятларни квалификация қилишда назарий ҳамда амалий жиҳатдан ҳал қилишни талаб қилувчи бир қатор муаммолар юзага келади. Бундай муаммоларнинг энг долзарблари қаторида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1) жиноятга дахлдорликнинг жиноят-ҳуқуқий белгиларини аниқлаш билан боғлиқ;

2) жиноятга дахлдорликни иштирокчиликдан фарқлаш;

3) унинг шакллари билан боғлиқ бўлган:

– жиноят ҳақида хабар бермаслик:

а) олдиндан ваъда берилган ҳолда жиноят ҳақида хабар бермаслик; б) бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноят ҳақида хабар бермаслик; в) мансабдор шахслар томонидан содир этилган жиноят ҳақида хабар бермаслик; г) жиноят ҳақидаги маълумотларни ҳокимият органларига бериш вақти; д) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларига маълум бўлган жиноятлар ҳақида хабар бермаслик; е) жиноят содир этган шахслар ҳақида хабар бермаслик; ж) дахлдорлик билан боғлиқ жиноятлар учун жазо тайинлаш.

– жиноятни яшириш:

а) жиноятни яширишнинг содир этилиш усуллари ва интеллектуал яширувчиликни квалификация қилиш муаммолари; б) жиноятни яширишни иштирокчиликдан фарқлаш; в) бир гуруҳ шахслар томонидан содир этиладиган; г) гаразгўйлик ниятида содир этиладиган жиноятларни яширишга ҳуқуқий баҳо бериш; д) жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш ва жиноятни яшириш квалификация қилиш.

– жиноятга йўл қўйиш:

а) жиноятга йўл қўйишнинг тушунчаси ва белгиларини аниқлаш; б) жиноятга йўл қўйишни тугаллаш вақти; в) жиноятга йўл қўйишнинг субъектларини белгилаш; г) жиноятга йўл қўйиш билан боғлиқ содир этилган жиноятларга ҳуқуқий баҳо бериш; д) жиноятга йўл қўйишни ўхшаш жиноятлардан фарқлаш билан боғлиқ бўлган ҳолатларни белгилашдан иборатдир.

Ўз навбатида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексда жиноятга дахлдорлик тушунчаси белгиланмаганлиги боис, у билан боғлиқ нормаларни суд тергов амалиётида қўллаш бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Айни пайтда, суд тергов амалиётида бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноят ҳақида хабар бермасликни квалификация қилиш муаммолари ҳам учраб туради. Гарчи муайян ҳолатда бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган хабар бермасликда барча субъектлар бу жиноятни содир этсалар, муаммо келиб чиқармаслиги мумкиндир, бироқ бир гуруҳ шахсларнинг айримлари ўзларига маълум бўлган оғир ёки ўта оғир жиноят ҳақида ҳокимият органларига хабар бериб, бошқалар эса, бу ҳақда хабар беришни ҳоҳламасалар муаммоли вазиятни келтириб чиқариши аниқ бўлиб қолади.

Мисол учун, бундай атамалардан бири бу «жिनотчи» атамаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддаси биринчи қисмида «Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошқора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади», – дейилган. Мазкур конституциявий нормага асосан ҳар бир шахс, гарчи у жиноят содир этишда гумон қилинаётган бўлишига қарамай айби судда исботланмагунча қадар, жиноятчи (айбдор) деб топилиши мумкин эмас.

Демак, биз жиноятга дахлдорлик ва у билан боғлиқ бошқа нормаларни тузишда «жिनотчи» атамасидан фойдаланмаган ҳолда, унинг ўрнига «жिनот содир этган шахс» атамасидан фойдаланишимиз мантиқан тўғри ҳисобланади.

Ушбу нуқтаи назардан биз Жиноят кодекси Умумий қисмида жиноятга дахлдорлик институти белгилашда, унинг тушунчаси ва белгиларини ҳамда унинг шакллари алоҳида нормаларга ажратган ҳолда қуйидагича тахрирда талқин этиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

«31-модда. Жиноятга дахлдорлик.

Олдиндан ваъда бермаган ҳолда ушбу Кодексда назарда тутилган жиноятларнинг тайёргарлик кўрилиши, содир этилаётганлиги ёки содир этилишида бевосита қатнашмаган ҳамда содир этилган ижтимоий хавфли қилмишнинг жиноий оқибатлари билан сабабий алоқадорликда бўлмаган айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жиноятга дахлдорлик деб топилади.

Жиноятга дахлдорлик билан боғлиқ қилмишлар ушбу кодекс Махсус қисмида алоҳида назарда тутилган ҳоллардагина жавобгарликка сабаб бўлади.

Жиноят ҳақида хабар бермаганлик ёки уни яширганлик учун гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари, шунингдек қонун ҳужжатларига кўра уларни қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи шахслар жавобгарликка тортилмайди».

311-модда. Жиноятга дахлдорликнинг шакллари. Жиноятга дахлдорлик: жиноят ҳақида хабар бермаслик, жиноятни яшириш, жиноятга йўл қўйиш ва жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш шаклида бўлади.

Оғир ёки ўта оғир жиноятларга тайёргарлик кўрилаётганлиги, содир этилаётганлиги ёки содир этилганлиги, шунингдек уни содир этган шахслар ҳақида аниқ била туриб, олдиндан ваъда бермаган ҳолда ҳокимият органларига хабар қилмаслик жиноят ҳақида хабар бермаслик деб топилади.

Жиноят содир этган шахсларни, жиноят содир этиш қуроли ва воситаларини, жиноят изларини ёхуд жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни олдиндан ваъда бермаган ҳолда беркитиш жиноятни яшириш деб топилади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноятчиликка қарши кураш олиб бориш, уни олдини олиш ва баратараф қилиш ваколати юклатилган шахсни тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилаётган ижтимоий хавфли қилмишларга нисбатан уни олдини олиш ёки бартараф қилиш имкониятларига эга бўлган ҳолда тўсқинлик қилмаслиги жиноятга йўл қўйиш деб топилади.

Мулк ёки унинг қисмларини, шунингдек уни қайта ишлаш натижасида олинган мулкларни жиноий йўл билан топилганлигини била туриб, олдиндан ваъда қилмаган ҳолда олиш ёки ўтказиш ҳамда сақлаш жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш деб топилади.

Дилафрўз РАСУЛОВА,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В РАМКАХ ЗАКОНА “ОБ ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ”

АННОТАЦИЯ: в статье рассмотрена роль оперативно-розыскной деятельности в таможенных органах при выявлении и пресечении преступлений в сфере таможенной деятельности, а также вопросы эффективности ее организации.

Ключевые слова: оперативно-розыскная деятельность, таможенные преступления, преступления в сфере таможенной деятельности, оперативные подразделения таможенных органов

На сегодняшний день правоохранительный блок таможенных органов по большей части оптимально выполняет свою функцию, о чем свидетельствует реализация оперативных материалов и проведенные оперативно-розыскные мероприятия по выявлению контрабанды, а также других правонарушений таможенного законодательства. В своем выступлении на 78-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев отметил - «Мы решительно продолжим политику строительства Нового Узбекистана как правового, светского, демократического и социального государства», тем самым акцентируя внимание на стремительную интеграцию нашей республики в мировое сообщество. Однако хотелось бы уделить внимание тому, что существующий механизм получения и реализации упреждающей информации об угрозах экономической безопасности и противодействия преступлениям в сфере таможенного дела, их своевременного выявления, предупреждения, пресечения, раскрытия и расследования требует корректировки и совершенствования.

Как следует из Закона «Об оперативно-розыскной деятельности» понятие оперативно-розыскной деятельности - вид деятельности, осуществляемый оперативными подразделениями государственных органов, специально уполномоченных на то настоящим Законом посредством проведения оперативно-розыскных мероприятий. Оперативно-розыскные мероприятия представляют собой один из основных источников оперативно-розыскной информации. Перечень оперативно-розыскных мероприятий содержится в ст. 14 Закона «Об оперативно-розыскной деятельности». Под оперативно-розыскными мероприятиями принято понимать закрепленная в Законе «Об оперативно-розыскной деятельности» система мер и действий разведывательно-поискового характера, проводимых уполномоченными на то субъектами в соответствии с требованиями нормативно-правовых актов, и основанных на применении преимущественно негласных средств и методов в сочетании с гласными средствами и методами, направленных на непосредственное выявление фактических данных, необходимых для решения задач оперативно-розыскной деятельности.

Очевидно, что в указанном определении нашли отражение наиболее существенные признаки, раскрывающие сущность оперативно-розыскных мероприятий и позволяющие ограничивать их от похожих понятий и категорий, использу-

емых в теории и практике оперативно-розыскной деятельности. В связи с этим, целесообразно дать краткую характеристику данным признакам.

Во-первых, оперативно-розыскные мероприятия имеют законодательное закрепление, отражаемое в главе 3 Закона Республики Узбекистан «Об оперативно-розыскной деятельности», где приведен их перечень и порядок проведения. Отсюда следует вывод, что оперативно-розыскные мероприятия — это категория правовая, в отличие от используемых в теории и практике оперативно-розыскной деятельности таких понятий, как оперативно-розыскные меры, методы, формы и др.

Во-вторых, оперативно-розыскные мероприятия осуществляются по средствам конкретных практических мер и действий субъектов оперативно-розыскной деятельности, объединенных в единую систему, что определяет их организованность и управляемость. Отметим, что в разных мероприятиях количество составляющих их мер и действий может быть различным. К примеру, при проведении опроса, действия могут проявляться в обычном обращении с вопросами к человеку, располагающему интересующей оперативного сотрудника информацией, скажем, при проведении оперативного эксперимента имеет место целая система целенаправленных действий соответствующих субъектов по моделированию обстановки, в которой проявляются преступные намерения преступников, и контролю происходящих в этой обстановке событий.

В-третьих, оперативно-розыскные мероприятия имеют, прежде всего, разведывательно-поисковую направленность, т.е. нацелены на получение неизвестной ранее и необходимой для решения задач оперативно-розыскной деятельности информации о событиях противоправного характера и причастных к ним лицах.

В-четвертых, система мер и действий оперативно-розыскных мероприятий основана на применении преимущественно негласных средств и методов. Этот отличительный признак напрямую вытекает из основополагающего принципа оперативно-розыскной деятельности - сочетания гласных и негласных методов. Он позволяет ограничить оперативно-розыскные мероприятия от других действий сотрудников правоохранительных органов, осуществляемых исключительно на гласной основе при выполнении своих функций: следственных, административных и т.д.

В-пятых, с помощью оперативно-розыскных мероприятий решаются конкретные тактические задачи, которые в своей совокупности позволяют решить задачи оперативно-розыскной деятельности в борьбе с преступностью. Так, например, для выполнения задачи раскрытия преступлений необходимо решить целый ряд промежуточных задач тактического характера, направленных на установление подозреваемых лиц, изучение их образа жизни, обнаружения мест хранения контрабанды и т.д. Выделим тот факт, что тактические задачи, возникающие в процессе осуществления оперативно-розыскной деятельности, могут быть весьма многообразны, поскольку они, в свою очередь, обусловлены складывающейся ситуацией и имеющейся исходной информацией.

В наши дни знаковым для развития Республики Узбекистан стал Указ Президента нашей страны Ш.М.Мирзиёева «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы», в котором указаны цели – «Создание эффективной системы обеспечения общественной безопасности, своевременного выявления и устранения условий, способствующих совершению правонарушений». Тем самым хотелось бы отметить, что оперативно-розыскные мероприятия проводят только тогда, когда иными средствами невозможно обеспечить выполнение задач, предусмо-

тренных ст.4 Закона «Об оперативно-розыскной деятельности». В законодательном перечне оперативно-розыскных мероприятий нашли закрепление традиционные методы оперативно-розыскной деятельности, выработанные многолетней практикой борьбы с преступностью и рассматриваемые в недалеком прошлом лишь в ведомственных нормативных актах и специальной литературе.

Анализируя оперативно-розыскное законодательство зарубежных стран, в частности Российской Федерации и Республики Казахстан по вопросу понятий оперативно-розыскных мероприятий, а также целей и задач можно определить то, что имеются ряд разностороннего подхода. В связи с вышесказанным, возникает острая необходимость унификации оперативно-розыскного законодательства в сопредельных государствах, а также в странах СНГ.

Так в Законе «Об оперативно-розыскной деятельности» Республики Узбекистан указаны такие оперативно-розыскные мероприятия, как Проверочная закупка и Контролируемое приобретение, которые по целям и задачами схожи между собой, а в сопредельных государствах, указанные оперативно-розыскные мероприятия рассматриваются как одно мероприятие. Исходя из практики можно проанализировать указанные мероприятия согласно таблице:

Практика Республики Узбекистан	Практика Российской Федерации	Практика Республики Казахстан
Понятие		
Проверочная закупка — мероприятие, заключающееся в возмездном приобретении товаров или услуг физических или юридических лиц, имеющих значение для решения задач оперативно-розыскной деятельности; Контролируемое приобретение — мероприятие, заключающееся в совершении мнимой сделки, то есть приобретении товаров, валютных ценностей, веществ и иных предметов без цели потребления или сбыта для установления и документирования факта нарушения законодательства;	Проверочная закупка — регламентированное ФЗ «Об ОРД» и ведомственными нормативными актами оперативно-розыскное мероприятие, состоящее в возмездном приобретении предметов, веществ и изделий, получении определенных услуг у лица, проверяемого в связи с его возможной причастностью к преступной деятельности, а также в целях фиксации противоправных действий этого лица и решения частных задач оперативно-розыскной деятельности. Проверочная закупка — это оперативно-розыскное мероприятие, при котором с ведома и под контролем органов, осуществляющих оперативно-розыскную деятельность, допускается приобретение наркотических средств, психотропных веществ и их прекурсоров, а также инструментов или оборудования. В процессе проверочной закупки могут приобретаться товары и получаться услуги как находящиеся в свободном гражданском обороте, так и те, свободный оборот которых ограничен или запрещен (оружие, боеприпасы, наркотические средства и психотропные вещества и др.).	Оперативный закуп – оперативно-розыскное мероприятие, применяемое главным образом уголовным и административным сыском с целью получения фактических данных о совершаемых правонарушениях в сфере наркобизнеса, незаконных валютных операций, торговли и бытового обслуживания населения, независимо от форм собственности (торговле наркотиками, незаконных валютных операциях, обвесах, фальсификации товара, несоответствии стандартам качества и др.). Мероприятие обычно проводится в два этапа. Первый - негласный, заключается в фактическом осуществлении контрольной закупки, второй - гласный - в процессуальном оформлении выявленных правонарушений, как правило, в виде актов контрольной закупки и изъятия товара, продукции, валюты, наркотиков. В некоторых оперативно целевых случаях мероприятие в качестве предварительного может быть ограничено только первым негласным этапом.

Цели ОРМ		
Целями проверочной закупки являются: Предварительная проверка деятельности лица: 1.Создание оснований для проведения проверочной закупки в отношении лиц, совершающих мошенничество либо обман потребителей в сфере торговли (обвешивании, обмеривании и т.д) 2.Сбытом похищенного имущества, Целью проведения контролируемого приобретения является совершение мнимой сделки купли-продажи товаров, реализация которых на внутреннем рынке ограничена либо запрещена, тем самым установление факта нарушения законодательства Республики Узбекистан и задержания проверяемых лиц с поличным.	В зависимости от исходной информации, а также тактических задач она может проводиться в целях фиксации действий лиц, обоснованно подозреваемых в сбыте предметов и веществ, изъятых из гражданского оборота, для получения образцов для исследования, документирования фактов противоправной деятельности, выявления организаторов и всех соучастников незаконного оборота предметов и веществ и оказания незаконных услуг, установления каналов их поступления, а также в целях задержания проверяемых лиц с поличным.	Рассматриваемое ОРМ предполагает не только совершение сделки купли-продажи, но и осуществление иной формы приобретения товаров, предметов, средств, веществ, препаратов или других материальных объектов у объекта ОРМ с целью обнаружения конкретного преступления, задержания лица с поличным, а также получения образца для сравнительного исследования.
Предмет ОРМ		
Предметом проверочной закупки представляют собой вещи и предметы, находящиеся в гражданском обороте. Контролируемое приобретение проводится в отношении подозреваемых в реализации запрещенных или ограниченных в гражданском обороте предметами и товарами.	Предметом проверочной закупки могут быть вещи и предметы, как находящиеся в гражданском обороте, так и ограниченные к такому обороту либо изъятые из него. В качестве наиболее распространенных предметов проверочной закупки можно выделить следующие: наркотические средства, психотропные вещества и их прекурсоры, яды; оружие, боеприпасы, взрывчатые вещества и их компоненты; поддельные деньги и ценные бумаги; драгоценные камни и драгоценные металлы; антиквариат и культурные ценности; контрафактная алкогольная и табачная продукция и т. д.	Оперативный закуп может осуществляться как применительно к находящимся в гражданском обороте, так и изъятым из него или ограниченным в обороте предметам. В частности, предметами такого закупа могут быть оружие, наркотические средства, психотропные вещества, драгоценные камни и металлы и др.

Учитывая вышеприведенные сведения, будет целесообразно объединить оперативно розыскные мероприятия «Проверочная закупка» и «Контролируемое приобретение» в общее мероприятие как «Оперативный закуп».

Исходя из опытов зарубежных стран, в частности Российской Федерации и Республики Казахстан, исключить мероприятия «Проверочная закупка» и «Контролируемое приобретение» и внедрить мероприятие «Оперативный закуп», целью которого будет:

